



86
312



Имом Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий



ГУНОҲИ КАБИРАЛАР

اَلَّذِيْنَ اٰمَنُوْا وَعَمِلُوا الصَّالٰتِ الْمَحْرُوٰتِ يَرْجُوْنَ رِجْوًى لَّهٖ اَلْاٰثِمَةُ الْكُبْرٰى

ИМОМ ҲОФИЗ ШАМСИДДИН ЗАҲАБИЙ

ГУНОҲИ КАБИРАЛАР

(Катта гуноҳлар)

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017

УЎК 297.1

КБК 86.38

3 12

Араб тилидан
Дилмурод ҚЎШОҚОВ
таржимаси

Заҳабий, Ҳофиз Шамсиддин

Ғуноҳи кабиралар / Ҳ. Ш. Заҳабий; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 256 б.


Имом Заҳабийнинг жуда кўп асарлари бўлиб, улар ичида кенг тарқалгани, шубҳасиз, «Ғуноҳи кабиралар» китобидир. Ушбу асарда Қуръон ва ҳадисда келган, ҳад-жазо белгиланган, Аллоҳ ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лаънатлаган ғуноҳ ишлар батафсил ёритилган.

Инсон ёмонликка тушиб, жазога мустаҳиқ бўлиб қолмаслиги учун ҳам, мазкур ғуноҳлар табиати, уларга бошловчи сабаблар ва оқибат нима бўлишини яхшилаб ўрганиши лозим. Шу нуқтаи назардан, ушбу асар сиз азизларга катта ёрдам беради, иншааллоҳ.

УЎК 297.1

КБК 86.38

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йилдаги 5814-сонли хулосаси
асосида нашрга тайёрланди.*



ISBN 978-9943-4797-2-2

© Дилмурод ҚЎШОҚОВ
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017



ИМОМ ЗАҲАБИЙ ВА У ЗОТНИНГ «КАБОИР» АСАРИ ҲАҚИДА

Ислом оламининг мўътабар олимлари қаторида, шубҳасиз, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Абу Абдуллоҳ Заҳабий Шофиъий ҳазратларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Имом Заҳабий ҳижрий 673 йили Суриянинг Дамашқ шаҳрида таваллуд топганлар. У кишига «Заҳабий» тахаллуси оталарининг касбига нисбатан берилган бўлиб, «заргарнинг ўғли» маъносини англатади.

18 ёшдан бошлаб, ҳадис илми билан шуғулланадилар. Баълабакка, Ҳимс, Ҳама, Ҳалаб, Триполи, Набулус, Рамла, Қоҳира, Искандария, Қуддус, Ҳижоз каби жами ўттизта шаҳарга сафар қилдилар. Илм таҳсили учун жуда кўп олимлар хизматида бўлдилар. Ибн Заҳирий, Абарқуҳий, шайхул ислом Ибн Дақиқ Ийд (Имом Заҳабий у зот ҳузурига илм ўргангани келганида, имтиҳон қилиб: «Абу Муҳаммад Ҳилолий ким?» деб сўраган. Имом Заҳабий: «Суфён ибн Уяйна», деб тўғри жавоб бергач, шогирдликка қабул қилган), даврининг етук ҳадисшунос олими Шарафиддин Димятий, Жалолиддин Абу Маъли Ансорий каби олимлардан ҳадис ва фикҳ илmini ўргандилар. Сўнг Дамашқ шаҳрига қайтиб, ҳадис

илмидан сабоқ бердилар ва ёзган китоблари билан ислом оламида шуҳрат қозондилар.

73 ёшда кўз нуридан айрилиб, икки йилдан сўнг фоний дунёни тарк этдилар. Уч нафар фарзанди – қизи (Амат Азиз) ва икки ўғли (Абдуллоҳ, Абу Ҳурайра Абдурахмон) бор эди. Кейинчалик Абдурахмон ҳадис илми пешвосига айланиб, Ибн Насриддин Дамашқий ва Ибн Ҳажар Асқалоний каби олимларга устозлик қилди. Отасидан эшитган кўп ҳадисларни авлодларга етказди.

Имом Заҳабий ислом оламида ҳадис илмининг султони, қомусий илмларга эга тарихчи, шажарашунос ва шайхул ислом сифатида ном қозондилар.

У зотнинг қирққа яқин асари бўлиб, қуйида уларнинг машҳурлари билан танишамиз.

1. «Тарихул ислом». Катта библиографик қомус.
2. «Ал-ибар би ахбар ман абар». Олимлар ҳақида кенг библиографик тарих.
3. «Дувалул ислом». Сиёсий шахслар ва воқеалар ҳақида.
4. «Сияру аъламин нубала».
5. «Тазкиратул ҳуффаз». Ҳадис олимлари тазкираси. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан бошлаб, ўзи яшаган давригача ўтган ҳадис ровийлари ва олимлари ҳаётига бағишланган асар. Кейинчалик Имом Суютий ушбу китобни замондошлари билан бойитиб, «Табақотул ҳуффаз» асарини ёзганлар.
6. «Табақотул қурро». Қуръон олимларининг ҳаётига бағишланган китоб.
7. «Зикру ман йуътамад қавлуҳу фил жарҳи ват-таъдил». Ишончлилиги жарҳ ват-таъдил йўлида текширилган ҳадис ровийларига бағишланган асар.
8. «Мухтасару сунанил Байҳақий».

9. «Ат-тажрид фи асмаис соҳаба». Саҳобалар ҳақида лугат.

10. «Мухтасарул мустадрак лил Ҳоким». Имом Ҳокимнинг «Мустадрак» асарига қисқа шарҳ.

11. «Мухтасару тарихи Найсабур лил Ҳоким».

12. «Набауд Дажжал». Дажжол ҳақидаги ҳадис ва ривоятлар тўплами.

Юқорида таъкидланганидек, Имом Заҳабийнинг жуда кўп асарлари бўлиб, улар ичида кенг тарқалгани, шубҳасиз, «Кабоир» китобидир. Ушбу асарда Куръон ва ҳадисда келган, ҳад-жазо белгиланган, Аллоҳ ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лаънатлаган гуноҳ ишлар батафсил ёритилган, десак муболаға бўлмайди.

Инсон ёмонликка тушиб қолмаслиги учун ҳам, мазкур гуноҳларни яхшилаб ўрганиши лозим. Шу нуқтаи назардан, ушбу асар бизга катта ёрдам беради, иншааллоҳ. Ўтироф этиш керак, олдин ҳам катта гуноҳлар ҳақида баъзи рисоалар чоп этилган. Лекин улар Имом Заҳабийнинг «Кабоир» асаридан парчалар эди.

Аллоҳ таоло катта гуноҳлардан сақланган бандаларига майда-кичик хатоларини кечиришини ваъда берган. Модомики катта гуноҳлардан сақланар эканмиз, Аллоҳ таолонинг фазлу карами билан ўқиётган беш вақт намозимиз, тутаётган рўзамиз, жума намозларимиз, кичик гуноҳларимизни ювиб туради. Шу боис ҳам, кабира гуноҳлардан сақланишимиз лозим. Мабодо, бандачиликка бориб, ихтиёрсиз улардан бирортасини содир этсак, тавба ва пушаймонлик ўти ила уни куйдиришимиз даркор.

Қўлингиздаги китоб гуноҳлардан чекиниш ва улардан покланиш йўлида ўқувчиларимизга зарур қўлланма

бўлишига умидвормиз. Асарни ўқиб, уқиб, наф топганлар, аввало, муаллиф Имом Заҳабий (раҳимахуллох) ҳақига, қолаверса, ушбу китобни ўзбек тилига ўгириб, чоп этилишига ҳисса қўшган барча мутасаддилар ҳақига дуойи хайрлар қилгайсиз.

Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Барчамизга У зотнинг ҳузурига гуноҳсиз, покдомон ҳолда боришимизни насиб этсин.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар, тақводорлар пешвоси саййидимиз Муҳаммадга салавот ва саломлар бўлсин!

Ушбу китобда қайтарилган ва ҳаром қилинган бир қанча кабира (улкан) гуноҳлар ҳақида сўз боради.

Аллоҳ ва Расули Китобу суннатда қайтарган ишлар гуноҳи кабирадир. (Бундай гуноҳлар учун дунёда ҳад-жазо белгиланган, охиратда таҳдид солинган ё уни содир этган кишининг имони инкор қилинган ёки лаънатланган ёхуд «биз ундан покмиз», «у биздан эмас» каби сўзлар билан сифатланган.)

Аллоҳ таоло гуноҳи кабиралардан четланган кишининг кичик хатоларини кечириб, уни жаннатга киритишини ваъда берган:

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ
وَنُدْخِلَكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾

«Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангиз, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз ва сизларни роҳатбахш манзил (жаннат)га киритурмиз» (Нисо сураси 31-оят).

وَالَّذِينَ يَحْتَبُونَ كَثِيرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ وَإِذَا مَا غَضِبُوا هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٢٧﴾

«Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир» (Шўро сураси 37-оят).

وَالَّذِينَ يَحْتَبُونَ كَثِيرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ إِلَّا اللَّمَمَ إِنَّ رَبَّكَ وَاسِعُ
الْمَغْفِرَةِ

«Улар (жаннат аҳли) кичик хатолардан эмас, катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан йироқ юрадиган зотлардир. Албатта, Раббингиз мағфирати кенг Зотдир...» (Нажм сураси 32-оят).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Модомики банда катта гуноҳлардан четланар экан, беш вақт намоз, жума кейинги жумагача ва рамазон кейинги рамазонгача бўлган кичик гуноҳларга каффоратдир» (Имом Муслим ва Термизий ривояти).

Демак, улкан гуноҳлардан четланиб, Раббимиз раҳматига мушарраф бўлишимиз учун ҳам қайси гуноҳлар кабира эканини билишимиз жуда муҳим.

Баъзи уламолар гуноҳи кабираларни еттита, деб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу сўзларини ҳужжат қилишган: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳалок қилувчи еттита гуноҳдан сақланинглар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?» деб сўрашганида, «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, етим молини ейиш, судхўрлик, душмандан ортга чекиниш, бузуқ ҳаёл билан покдомон мўмина аёлларга туҳмат қилиш», дея жавоб берганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) эса: «Ғуноҳи кабиралар еттигатадан кўра етмиштага яқинроқ», деганлар. Юқоридаги ҳадисда эса, ғуноҳи кабиралар сони еттигата эмас, балки мазкур еттигата амал улкан ғуноҳлардан экани баён қилинган, холос.

Хуллас, кимда-ким одам ўлдириш, зино, ўғрилиқ каби дунёда ҳад жорий қилинган, охирагата азобланиши ёки ғазабга учраши ҳақида таҳдид солинган, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонидан лаънатланган ёхуд «имонсиздир», «биздан эмас», «биз ундан покмиз (бошқа-бошқамиз)» каби жумлалар билан сифатланган бирор амални қилса, ғуноҳи кабира содир этган бўлади.

Таъкидлаш лозимки, айрим ғуноҳи кабиралар бошқаларидан улканроқ бўлади. Масалан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳга ширк келтиришни ғуноҳи кабиралардан, деб зикр қилганлар. Ваҳоланки, Аллоҳга ширк келтирган кимсанинг ғуноҳи ҳеч қачон кечирилмайди, дўзахда мангу қолади.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ
وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿١١٦﴾

«Албатта, Аллоҳ ўзига (бирор нарса) шерик қилинишини кечирмайди. Бундан ўзга (ғуноҳлар)ни (Ўзи) хоҳлаган кишилар учун кечиргай. Кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у (тўғри йўлдан) жуда узоққа адашибди» (Нисо сураси 116-оят).

إِنَّهُ، مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿٧٢﴾

«...Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас» (*Моид*а сураси 72-оят).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга гуноҳи кабираларнинг энг катталари ҳақида хабар берайми?» деб, уч марта сўрадилар. «Ҳа, ё Расулуллоҳ!» дейишди. У зот: «Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», дедилар. Сўнг суянган эдилар, ўтирдилар-да: «Огоҳ бўлинглар, ёлғон гапириш ва ёлғон гувоҳлик бериш», дея такрорлайвердилар, ҳатто, биз: «Қанийди тўхтасалар эди», дедик» (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гапириш энг катта гуноҳлардан эканини баён қилдилар. Ҳолбуки, ушбу гуноҳлар еттита ҳалок қилувчи гуноҳлар сирасида саналмаган. Шунинг ўзи гуноҳи кабиралар еттитадан кўп эканига яққол ҳужжатдир.

Ҳар қандай катта-кичик гуноҳдан дарҳол тавба қилиш вожиб, уни орқага суриш жоиз эмас. Бу Исломдаги энг муҳим иш ва диннинг таъкидланган қоидаларидандир.


Аҳли сунна наздида, тавбанинг вожиблиги Китоб ва суннатдан олинган.

Қуръон оятлари, ҳадиси шарифлар ва салафи солиҳлар сўзига кўра, ким Аллоҳга астойдил тавба қилиб, тавбанинг шартларини мукаммал бажарса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади.

Афсуски, Ислом умматининг аксариятига бу борадаги тақиқ ва таҳдидлар етиб бормагани сабабли улар қилаётган баъзи амаллар гуноҳи кабира, ҳаром эка-

нини билишмайди. Шу боис олим жоҳилларга Аллоҳ таълим берган нарсаларни етказишда тезлик, қўполлик қилмасдан, ширинсўз ва хушмуомала бўлиши лозим. Зеро, банда билмагани учун гуноҳкор бўлмайди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



«...пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмадик» (Исро сураси 15-оят).

Саҳобалар Ҳабашистонда эканларида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ваҳий орқали вожиб ва ҳаром амаллар нозил бўлган. Бу ҳукмлар эса у зотларга бир неча ойдан кейин етиб борган. Улар бу муддат ичида билмаганлари учун узрли ҳисобланган. (Қолаверса, Ислом умматидан билмаган, унутган ва мажбур этилган амалларининг гуноҳи кўтарилган. – (Таржимон.)

Биринчи гуноҳи кабира

КАТТА ШИРК

Катта ширк – Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш, тенг билиш ва У Зот билан бирга тош, дарахт, қуёш каби нарсаларга ибодат қилишдир. Катта ширк гуноҳи кабираларнинг энг каттасидир. Аллоҳ ундан сақласин.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар) ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур...» (Нисо сураси 48-оят).

Яъни, ширкни кечирмайди ва ундан бошқа гуноҳларни эса Ўзи хоҳлаган бандаларидан кечиради. Зеро, ширк Аллоҳ таолонинг:

إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

«...Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир» (Зумар, 53) ояти каримасидаги «барча гуноҳлар» сирасига кирмайди.

إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ

«...Чунки ширк улкан зулмдир» (Луқмон сураси 13-оят).

Яъни, ширк қабих амал ва якқол зулмдир. У бир нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга қўйиш, ҳақини поймол қилишдир. Ким яратувчи билан яралмиш – махлуқни, илоҳ билан бут-санамни баробар билса, шак-шубҳасиз,

ақлсиз, аҳмоқдир. «Золим» дейилишга ва ҳайвонлар қаторида саналишга лойиқдир.

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ

«...Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур...» (Моида сураси 72-оят).

Яъни, ким Аллоҳдан бошқани илоҳ деб эътиқод қилса, ҳеч қачон жаннатга кирмайди, деган маънони уқиш мумкин. Чунки жаннат Аллоҳни ягона деб билувчилар маконидир.

وَمَا أَوْلَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

«...ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас» (Моида сураси 72-оят).

Яъни, унга Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи ҳам, ёрдам берувчи ҳам бўлмас. Бу ҳақда кўп оятлар мавжуд.

Аллоҳга имон келтириб, мўмин ҳолида вафот этган киши дўзахда гуноҳига яраша азобланса-да, жаннатий бўлганидек, Аллоҳга ширк келтириб мушрик ҳолида ўлган кимса, шак-шубҳасиз дўзахийдир.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга гуноҳи кабираларнинг энг катталари ҳақида хабар берайми?» деб уч бор сўрадилар. Биз: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. У зот: «Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», дедилар. Суянган эдилар, ўтирдилар-да: «Огоҳ бўлинглар, ёлғон гапириш ва ёлғон гувоҳлик бериш», дея такрорлайвердилар. Ҳатто биз: «Қанийди, сукут қилсалар эди», дедик» (Муттафақун алайҳ).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳалок этувчи еттита гуноҳдан сақланинглар» деб, Аллоҳга ширк келтиришни зикр қилдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Эй Ибн Хаттоб, бориб, одамларга «жаннатга фақатгина мўминлар киради», деб жар сол» (*Имом Муслим ва Аҳмад ривояти*).

Аллоҳ таолодан бизни Қуръон ва суннатга амал қилган ҳолда вафот эттиришини сўраймиз. Албатта, у раҳмлиларнинг раҳмлироғидир!

Иккинчи гуноҳи кабира

РИЁ

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида хабар бериб: **«Инсонларга риёкорлик қиладилар»**, дейди. Яъни, уларнинг намоз ўқишдан кўзлаган мақсади – Аллоҳнинг юзи (розилиги) эмас, балки одамлар кўриб, эшитишлари, ҳўжакўрсин учундир.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَادِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ



قَامُوا كُسَالَى يُرَاءُونَ النَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا

«Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб қўювчидир». (Улар) намозга турсалар ҳам дангасалик билан одамлар кўрсинга турадилар ва Аллоҳни жуда кам эсга оладилар» (*Нисо сураси 142-оят*).



فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ



«Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар на-
мозларини «унутиб» қўядилар» (Моъун сураси 4-оят).

Яъни, намозларига бепарволик, енгилтаклик қи-
либ, ўз вақтидан кечиктириб ўқийдиган кимсаларга
ҳалокат, азоб бўлсин. «...улар риёкорлик қиладиган
кимсалардир». Улар одамлар кўз ўнгида «солиҳ» деб
айтишлари учун намоз ўқийдилар, «тақводор» деб ном
қозониш учун хушуъли ва ҳузуъли бўлиб кўринадилар
ва «сахий» номини олиш учун эҳсон-садақа қиладилар.
Уларнинг қилаётган ҳар бир амали риё ва ном қозониш
учундир.

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ۝ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ۝
الَّذِينَ هُمْ يُرَآءُونَ ۝ وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ ۝

«Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар
намозларини «унутиб» қўядилар, риёкорлик қиладилар
ва рўзғор буюмларини (кишилар омонатга сўрашганда) ман этадилар» (Моъун сураси 4–7-оят).

Яъни, одамларга кундалик болта, арра, игна, қозон
каби рўзғор буюмларини ҳам фойдаланишга бермай-
дилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَبْطُلُوا صَدَقَتَكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي
يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

«Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўр-
син деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишон-
майдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни
миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!...» (Бақара
сураси 264-оят).

Яъни, одамлар кўрсин, деб риёкор қилган инфоқ-эхсонларини йўққа чиқаргани сингари, сизлар ҳам миннат ва озор билан берган садақаларингиз ажридан маҳрум бўлиб қолманг, дейилмоқда.

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١١٠﴾

«Бас, ким Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни (Унга) шерик қилмасин!» (Каҳф сураси 110-оят).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат куни биринчи ҳукм (ҳисоб-китоб) қилинадиган киши шаҳиддир. У келтирилади, сўнг Аллоҳ таоло унга неъматларини танитади, тан олади. Шунда Аллоҳ: «Булар эвазига нима қилдинг?» деб сўрайди. У: «Сенинг йўлингда жанг қилдим, ҳатто шаҳид бўлдим», дейди. Аллоҳ: «Ёлғон айтдинг, сен «фалончи журъатли» дейишлари учун жанг қилдинг. Ҳақиқатан, сен истаган нарса айтилди», дейди. Сўнг буюради, у юзи билан судралиб, дўзахга улоқтирилади. Кейин илм ўрганиб, ўргатган ва Қуръон ўқиган киши келтирилади. Аллоҳ таоло унга неъматларини танитади, тан олади. «Булар эвазига нима қилдинг?» деб сўрайди Аллоҳ. У: «Сен учун илм ўрганиб, уни (бошқаларга) ўргатдим ва Қуръон ўқидим», дейди. Аллоҳ: «Ёлғон айтдинг, сен олим, деб айтишлари учун илм ўргандинг ва қори номини олиш учун Қуръон ўқидинг. Дарҳақиқат, бу гап айтилди», дейди. Сўнг буюради, у юзи билан судралиб, дўзахга улоқтирилади.

Кейин Аллоҳ ризқини кенг қилган, турли-туман мол-дунё ато этган киши келтирилади. Аллоҳ таоло унга неъматларини танитади, тан олади. Шунда Аллоҳ сўрайди: «Булар эвазига нима қилдинг?». У: «Сен инфоқ-эхсон қилинишини яхши кўрган бирор йўлни қолдирмасдан Сен учун инфоқ қилдим», дейди. Аллоҳ: «Ёлғон айтдинг, сен сахий, деб айтишлари учун шундай қилдинг. Ҳақиқатан, бу нарса айтилди», дейди. Сўнг буюради, у юзи билан судралиб, дўзахга улоқтирилади» (*Имом Муслим, Насоий ва бошқалар ривояти*).


Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Риёнинг озгинаси ҳам ширкдир» (*Имом Ибн Можа ва Ҳоким ривояти*).

Яна: «Сизлар хусусингизда хавфсирайдиган нарсаларимнинг энг қўрқинчлиси кичкина ширк», дедилар. «Ё Расулуллоҳ! Кичкина ширк нима?» дейишди. У зот: «Риё», дедилар.

Яна: «Инсонлар амалларига яраша жазо-мукофот олаётган пайтда Аллоҳ таоло (риёкорларга): «Дунёда кимлар учун риё қилган бўлсангиз, ўшалар олдига боринглар. Қаранглар-чи, уларнинг хузурида бирор мукофот топармикансиз?!» дейди», деганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: «Аллоҳ таоло: «Мен ширк келтирилган (нарсаларнинг ширкдан энг беҳожатиман. Ким Мен учун бирор амални бажарса-ю, унда бошқани Менга шерик қилса, Мен ундан беҳожатман. У ўша «шерик» учундир», деди» (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Яна айтадилар: «Ким (одамлар) эшитсин деса, Аллоҳ эшиттириб қўяди ва ким (кишилар) кўрсин деса, Аллоҳ кўрсатиб қўяди» (*Муттафақун алайҳ*).




Яъни, ким одамлар кўриши ёки эшитиши учун бирор амал қилса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг бузук ниятини фош этиб, гувоҳлар ҳузурида шарманда қилади.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қанчадан-қанча рўзадорлар борки, уларнинг рўзасидан оладиган «улуш»и фақат очлик ва ташналиқдир. Қанчадан-қанча кечаларда қоим бўлувчилар борки, уларнинг қоимликдан оладиган «насиба»си фақат бедорлик, холос» (*Имом Табароний ривояти*).

Модомики кишининг намози ва рўзаси Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлмас экан, унга савоби берилмайди.

Баъзи ҳукамолар бундай дейишган: «Риё ва сумъа (одамлар эшитиши) учун амал қилган кимса ҳамёнини тошлар билан тўлдирган кишига ўхшайди. У бозорга бирор нарса сотиб олиш учун кириб, сотувчи ҳузурида ҳамёнини очса, ичи тўла тош бўлади. Тожир тошларни унинг юзига отади. Унга инсонларнинг: «Ҳамёни жуда тўла эканми?» деган сўзидан бошқа ҳеч бир манфаат йўқ, унга ҳеч вақо берилмайди».

Шунингдек, риё ва одамлар эшитсин, деб қилинган амаллардан заррача фойда йўқ, охиратда унга савоб ҳам берилмайди. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:



«(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби фойдасиз) қилиб қўйгандирмиз» (*Фурқон сураси 23-оят*).


Яъни, Аллоҳнинг розилигидан бошқа нарса учун қилган амалларини савобсиз қолдириб, уларни қуёш нурида кўринадиган ғубор каби қилиб қўямиз, дейилмоқда.

Адий ибн Ҳотим (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Бир тоифа одамларни дўзахдан жаннатга олиб бориш буюрилади. Улар жаннатга яқинлашиб, унинг бўйларини ҳидлаб, ундаги қасрлар ва Аллоҳ жаннат аҳли учун ҳозирлаган неъматларни кўришгач, «Уларни жаннатдан буриб юборинглар, у ерда уларга насиба йўқ», деб нидо қилинади. Шунда улар: «Парвардигоро, бизга жаннатингни ва у ерда дўстларинг учун ҳозирлаган нарсаларингни (ноз-неъматларингни) кўрсатмай туриб дўзахга киритганингда эди, бизга осонроқ бўларди», дейишади. «Мен сизларга шуни ирода қилдим, – дейди Аллоҳ. – Чунки сизлар ёлғиз қолганингизда, улкан гуноҳлар билан Менга қарши чиқдингиз ва одамларга йўлиқсангиз, уларга итоаткор – тақводор бўлиб кўриндингиз. Инсонларга қалбингиздан Мен учун берган нарсаларингизнинг тескарисини кўрсатдингиз. Одамлардан кўрқдингиз, Мендан кўрқмадингиз. Одамларни улуғладингиз, Мени улуғламадингиз. Одамларни деб (гуноҳни) тарк этдингиз, Мен учун тарк этмадингиз. Мана бутун сизларни савобдан маҳрум этганимдек, аламли азобга гирифтор қиламан».

Баъзи ҳукамолардан: «Мухлис (ихлосли одам, риёкорнинг зидди) ким?» деб сўралганида: «Мухлис – ёмонликларни яширгани сингари, яхшиликларини ҳам махфий қилган киши», дея жавоб беришган.

Айрим зотлардан: «Ихлоснинг ғояси-мағзи нима?» деб сўрашганида, «Одамлар мақташини ёмон кўришинг», дея жавоб беришган.

Аллоҳ таолонинг:



«...(Чунки у кунда) уларга Аллоҳ томонидан улар (дунёда яшаган пайтларида) ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар (азоблар) намоён бўлур» (Зумар, 47) сўзи ҳақида бундай дейилган: «Улар дунёда айрим ишларни қилиб, уларни яхши, деб ўйлашарди. Қиёмат кунида эса, бу амалларнинг ёмон экани маълум бўлди». Баъзи салафи солиҳлар ушбу оятни ўқиётганларида: «Риёкорларга вайл бўлсин», дер эдилар.

Риёкорлар қиёмат куни тўртта ном билан чақирилади: «Эй риёкор, хиёнаткор, эй фожир, эй зиёнокор, бор, ким учун амал қилган бўлсанг, ўшандан ажр-мукофотингни олавер. Бизнинг ҳузуримизда сен учун ажр йўқ».

Ҳасан (раҳматуллоҳи алайҳ) айтганлар: «Риёкор ўзи ҳақида Аллоҳ белгилаган тақдирдан ғолиб бўлишни хоҳлайди. У ўзини «солиҳ» деб аташларини истайди. Уни қандай қилиб солиҳ десинлар, ҳолбуки, у Парвардигори томонидан тубан ўринга туширилган бўлса. Мўминларнинг қалблари уни таниб, ажратиб олишлари шарт».

Қатода (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: «Агар банда риё қилса, Аллоҳ: **«Бандам Мени қандай масхара қилаётганини қаранглар»**, дейди».

Ривоят қилинишича, Умар (розияллоҳу анҳу) бўйинини эгган кишини кўриб: «Эй бўйин эгаси, бўйининг-ни кўтар. Хушув бўйинларда эмас, қалбларда бўлади», дедилар.

Абу Умома Боҳилий (розияллоҳу анҳу) масжидда сажда ҳолида йиғлаб дуо қилаётган киши олдида келиб:

«Сен яхшисан (яъни, бу амалинг хайрли), фақат бу ишни уйингда қилганингда эди», дедилар.

Муҳаммад ибн Муборак Суварий айтадилар: «Хушхулқингни тунда изҳор қил, зеро, шундай қилишинг, кундузи изҳор қилганингдан яхшироқдир. Чунки кундузги хушхулқилигинг махлуқларгадир, кечқурунги интилиш эса оламлар Парвардигори учундир».

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху) риёкорнинг учта аломати бўлишини баён қилганлар: «Ёлғиз ўзи бўлса, дангасалик қилади, одамлар даврасида ғайрат кўрсатади, кишилар мақтаган амални кўпайтириб, қоралаган ишни камайтиради».

Фузайл ибн Иёз айтганлар: «Одамларни деб бир амални тарк этиш – риё, кишилар сабабли бир ишни қилиш эса ширкдир. Аллоҳ сени шу иккисидан омон сақлаши эса ихлосдир».

Аллоҳ таолодан бизни амалларимиз, сўзларимиз ва барча ҳолатларимизда ихлосли этишини сўраймиз.

Учинчи гуноҳи кабира

КИБР, МАНМАНЛИК, ҒУРУР

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

سَاصْرِفْ عَنْ آيَاتِي الَّذِينَ يَتَكَبَّرُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَإِنْ يَرَوْا كُلَّ آيَةٍ لَا يُؤْمِنُوا بِهَا وَإِنْ يَرَوْا سَبِيلَ الرُّشْدِ لَا يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا وَإِنْ يَرَوْا سَبِيلَ الْغَىِّ يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا

«Ер (юзи)да ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар

ҳам, унга имон келтирмагайлар. Агар тўғри йўлни кўрсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олмагайлар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олгайлар...» (Азроф сураси 146-оят).

Яъни, такаббур кимсаларни оятларимни фаҳмлаш, у ҳақда фикр юритиб, тадаббур қилишдан маҳрум қиламан ва кибру ҳаво қилганлар қалбини жазо сифатида муҳрлаб қўяман.

وَقَالَ مُوسَىٰ إِنِّي عُذْتُ بِرَبِّي وَرَبِّكُمْ مِنْ كُلِّ مُتَكَبِّرٍ لَا يُؤْمِنُ يَوْمَ الْحِسَابِ ﴿٢٧﴾

«Мусо айтди: «Мен Раббим ва Раббингиз (бўлмиш Аллоҳ)дан ҳисоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўрайман»» (Ғофир сураси 27-оят).

إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْتَكْبِرِينَ ﴿٢٣﴾

«...Албатта, У мутакаббирларни севмагай» (Наҳл сураси 23-оят).

Яъни, Ҳаққа қулоқ солиб, унга бўйсунидан кибр қилган кимсаларни севмайди.

وَلَا تُصَغِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾

«Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас» (Луқмон сураси 18-оят).

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Сизлардан илгари яшаб ўтган бир кишини такаббурлик билан изорини судраб юрганида ер ютди. У қиёмат кунигача ер (қаъри)га кириб кетаверди» (*Имом Бухорий, Насоий ва бошқалар ривояти*).

Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат кунда мутакаббир кимсалар одам суратидаги чумолиларга ўхшаш ҳолда қайта тирилади. Уларни ҳар томондан хорлик ўраб олади. Улар жаҳаннамдаги «Булис» деб номланадиган зиндонга ҳайдалади» (*Имом Насоий ва Термизий ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қалбида мисқол заррасича кибри бор киши жаннатга кирмайди», дедилар. Шунда бир одам: «Кишининг кийими ва пойабзали гўзал бўлишини яхши кўриши ҳам кибрми?» деб сўради. У зот (алайҳиссалом): «Йўқ, у кибр эмас. Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни хуш кўради. Кибр Ҳаққа унамаслик, рад этиш ва одамларни масхара қилиш, таҳқирлашдир», дедилар» (*Имом Муслим ва Термизий ривояти*).

Абу Саид ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Азизлик изорим, кибриё ридоимдир. Ким (бу иккисини) Мен билан талашса, уни азоблайман», дейди» (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Жаннат билан дўзах талашди. Дўзах: «Зўра-

вон ва мутакаббир кимсалар менда бўлади», деган эди, жаннат: «Заиф ва мискин мусулмонлар менда бўлади», деди. Аллоҳ улар орасида ажрим қилиб, бундай деди: «Жаннат, сен Менинг раҳматимсан, сен орқали хоҳлаган бандаларимга раҳм қиламан. Дўзах, сен Менинг азобимсан, сен орқали истаган бандаларимни азоблайман. Иккингиз ҳам тўлиб-тошасиз» (*Имом Муслим ривояти*).

Хориса ибн Ваҳб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: У зот (алайҳиссалом): «Сизларга дўзах аҳли кимлар эканини хабар берайми? (Улар) қўпол, яхшиликлардан тўсувчи ва мутакаббир кимсалардир», дедилар» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: У зот (алайҳиссалом): «Ким ўзини бошқалардан афзал билса ёки кибр-ҳаво билан юрса, Аллоҳ таборак ва таолони ғазабланган ҳолда учратади», дедилар» (*Имом Табароний ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Менга биринчи бўлиб дўзахга кирадиган уч тоифа кўрсатилди: золим амир, молидаги Аллоҳ ҳақини адо қилмайдиган бой ва мутакаббир камбағал» (*Имом Ибн Хузайма ва Ибн Хиббон ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда-ким такаббурлик қилиб кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга қарамайди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Салама ибн Акваъ (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларида чап қўли билан таом еди. «Ўнг қўлингда егин», деган эдилар, «еёлмайман», деди. Шунда у зот (алайҳиссалом) дедилар: «Еёлмай қол». Уни ўнг қўлда ейишдан фақат кибр тўсганди. Шундан кейин у ўнг қўлини оғзига олиб боролмайдиган бўлиб қолди» (Имом Муслим ривояти).

Айрим салафи солиҳлар: «Аллоҳга осийлик қилиб содир этилган биринчи гуноҳ кибрдир» деганлар. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى
وَأَسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ

«Эсланг, (эй Муҳаммад!) Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, такаббурлик қилди ва кофирлардан бўлди» (Бақара сураси 34-оят).

Ким Иблисга ўхшаб ҳақдан кибр қилса, имони фойда бермас.

Энг ёмон мутакаббир илми туфайли бандаларга такаббурлик қиладиган ва ўзини бошқалардан афзал биладиган кимсадир. Унинг илми ҳам фойдасиздир. Зеро, ким охират учун илм талаб қилса, илми уни босиқ (тавозели) қилади, қалби хушуъга тўлиб, нафси хотиржам бўлади. Илм унинг нафсига қўриқчи-посбон бўлади ва ялқовлик қилмасдан, доим уни назоратига олиб, ҳисобкитоб қилиб туради. Борди-ю ғафлатда қолса, нафс ҳақ йўлдан бўйин товлайди ва ҳалок этади.

Кимда-ким фахрланиш, бошлиқ бўлиш, мусулмонларни аҳмоқ, масхара қилиш ва ўзини улардан устун қўйиш учун илм талаб қилса, юқоридаги оят ва ҳадисларда айтилганидек, жаннатга кирмайди.

Куч ва қувват буюк ва олий Аллоҳникидир.

Тўртинчи гуноҳи кабира **ЗЎРАВОНЛИК, ҲАДДАН ОШИШ**

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّمَا السَّبِيلُ عَلَى الَّذِينَ يَظْلِمُونَ النَّاسَ وَيَبْغُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ
أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾

«Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳадларидан ошадиган кимсалар(ни айблаб жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир» (Шўро сураси 42-оят).

Яъни, инсонларга зулм қиладиган, уларнинг жони ва молларига зуғум ўтказадиган зўравон, тажовузкорлар жазоси аламли азобдир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтди-лар: «Аллоҳ таоло менга тавозели бўлишингизни, киши бошқага зўравонлик қилмаслигини ва ўзгалардан ўзини устун қўймаслигини ваҳий қилди» (Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтди-лар: «Аллоҳ охиратда ҳозирлаб қўйган уқубатдан ташқари бу дунёда ҳам жазо беришига зўравонлик ва қариндошлар билан алоқани узишдан кўра муносиброқ гуноҳ йўқ» (Имом Ибн Можа, Термизий ва Ҳоким ривояти).

Асарларда, агар бир тоғ бошқа тоққа зўравонлик қилса, Аллоҳ ўша зўравон тоғни майда-майда қилиб юборади, дейилган.

Қорун ҳам қавмига зўравонлик қилгани учун Аллоҳ уни ерга юттирди. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қасас сурасида бундай хабар қилган:

إِنَّ قَرُونَ كَانَ مِنْ قَوْمِ مُوسَى فَبَغَى عَلَيْهِمْ

«Албатта, Қорун Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавм) ларга кибр қилди...» (76-оят).

فَخَسَفْنَا بِهِ وَبِدَارِهِ الْأَرْضَ

«Бас, Биз уни ҳам, (бойлик тўла) масканини ҳам ерга юттирдик...» (81-оят).

Ибн Жавзий бундай деганлар: «Қоруннинг ҳаддан ошиши борасида бир қанча қарашлар бор». Улар куйидагича:

1. Ибн Аббоснинг фикрига кўра, у бир фоҳишага Мусо (алайҳиссалом)га туҳмат қилгин, номини бадном этгин, деб пул беради. Фоҳиша шундай қилади. Мусо (алайҳиссалом) ундан айтган гапига қасам ичишини талаб қилгач, у Қорун билан ўртасида бўлган воқеани айтиб беради. Қорун шундай қилиб ҳаддидан ошган.

2. Захҳок айтишича, у Аллоҳ азза ва жаллага куфр келтириб ҳаддидан ошган.

3. Катоданинг фикрича, кибр қилиб ҳаддидан ошган.

4. Ато Хуросоний келтиришича, кийимларини бир қарич узун қилиб судраб юрган.

5. Мовардийнинг сўзига кўра, у Фиръавннинг ходими бўлган ва Бани Исроилга зулм ва тажовуз қилган.

«Бас, Биз уни ҳам, (бойлик тўла) масканини ҳам ерга юттирдик...» дейилган ояти карима тафсирида бундай баён қилинган: «Қорун фоҳишани Мусо (алайҳиссалом)га тухмат қилишга буюргач, у зот (алайҳиссалом) дарғазаб бўлдилар ва Қорунни дуойибад қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен ерга сенга итоат этишни буюрдим. Бас, унга буюр», деб ваҳий қилди. Мусо (алайҳиссалом): «Эй ер, уни ют», деди. Ер уни юта бошлади. Қорун буни кўргач, Мусо (алайҳиссалом)дан раҳм қилишни ўтиниби, ёлворди. У зот: «Эй ер, уни ют», деган эди, оёқларигача ютди. Мусо (алайҳиссалом) Қорунни ер бутунлай ютгунига қадар «уни ютгин», деб буюраверди. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилди: «Ё Мусо, иззатим ва улуғлигимга қасамки, агар Мендан ёрдам сўраганида, унга нажот берардим».

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтдилар: «Ер уни қаърига ютиб юборди».

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу): «У ҳар кун бўйи баробарича ер тагига кириб кетаверди», деганлар.

Муқотил айтганлар: «Қорун ҳалок бўлгач, Бани Исроил: «Мусо унинг ҳовлиси ва мол-мулкини ўзлаштириш учун ҳалок этди», деб гап тарқатишди. Шунда уч кундан кейин Аллоҳ унинг ҳовлиси ва мол-дунёсини ҳам ерга юттирди.

فَمَا كَانَ لَهُ مِنْ فِئَةٍ يَنْصُرُونَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَ مِنَ الْمُنْتَصِرِينَ

«...Сўнгра унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирор жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади» (Қасас сураси 81-оят).

Яъни, ҳеч ким уни Аллоҳнинг балосидан қутқаролмади. Валлоҳу аълам.

Парвардигоро, гуноҳларимиз зулматини маърифат ва ҳидоятинг нури ила нурафшон эт. Бизни Ўзинг иқбол этган, Сендан бошқаларга юз бурмайдиган бандаларингдан айла. Бизни, ота-онамизни ва барча мўминларни мағфират қил. Омин.

Бешинчи гуноҳи кабира

МАКР ВА АЛДОВ

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ

«...Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур (ҳалок қилур)...» (Фотир сураси 43-оят).

Яъни, ёмон макр-ҳийланинг касофати макр қилган, уюштирган кимсаларнинг ўзига уради.

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида бундай дейди:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَادِعُهُمْ

«Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Холбуки, Аллоҳ уларни «алдаб қўювчидир»...» (Нисо сураси 142-оят).

Воҳидий: «Фирибгарларнинг алдовига яраша муомала қилинади. Яъни, мўминларга нур берилганидек уларга ҳам берилади. Йўлга тушганларида эса нурлари ўчиб, зулматда қоладилар», деганлар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дўзах аҳли беш тоифадир», дедилар-да, улардан бири «тонг отса ҳам, кеч кирса ҳам сени аҳли оиланг ва молу дунёнг

борасида алдамоқчи бўладиган кимсадир», дея таъриф бердилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўмин содда, улуғ бўлади, фожир эса маккор, хор бўлади» (*Имом Термизий ва Абу Довуд ривояти*).


Яъни, мўмин одам очиқкўнгил, содда бўлади. Бировни алдамайди. Балки ўзи ишонувчан, очиқкўнгил бўлгани туфайли алданиши мумкин. Фожир эса одамлар орасида фасод қўзғаб юрадиган алдоқчидир.

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Алдоқчи, миннатчи ва бахил жаннатга кирмайди», дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Олтинчи гуноҳи кабира

АЛЛОҲНИНГ МАКРИ-СИНОВИДАН ХОТИРЖАМ БЎЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:



«...Токи уларга берилган нарсa (нозу неъмат)лар билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни бирдан забт этдик. Бас, (энди) улар ноумиддирлар» (*Анъом сураси 44-оят*).

Яъни, уларга ўйламаган тарафларидан азобимиз етди.

Ҳасан Басрий (раҳимахуллоҳ): «Аллоҳ кимнинг ризқини кенг қилиб қўйган бўлса-ю, «Аллоҳ менга макр қияпти», деб билмас экан, ақлсиздир. Кимга ризқини қатра-қатра, тор қилиб қўйган бўлса-ю, «Аллоҳ менга

қараб турибди», деб ишонмас экан, у ҳам ақлсиздир», деб, сўнг қуйидаги: «...Токи уларга берилган нарса (нозу неъмат)лар билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни бирдан забт этдик. Бас, (энди) улар ноумиддирлар»», оятини ўқиган эдилар.

Яна айтдилар: «Каъбанинг Раббига қасамки, қавмга макр қилиши – уларга ҳожатларини бериб, сўнг ушлашидир».

Мублис – фалокатга учраганда нажот топишдан умидини узган кимсадир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо): «Мублис барча яхшилиқдан умидини узган кимсадир», деганлар.

وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ. وَأَنَّهُ إِلَهِ تَحْشُرُونَ

«...Яна билиб қўйингизки, Аллоҳ инсон билан унинг дили (ўртаси)да «парда» бўлиб туради ва Унинг (хузурига) жамулжам бўлурсиз» (Анфол сураси 24-оят).

Мужоҳид айтадилар: «Оятнинг маъноси бундай: «Аллоҳ банда билан унинг ақли орасини эгаллаб, тўсиб туради. Ҳатто банда бармоқлари нима қилаётганини ҳам билмай қолади», деганидир».

Табароний: «Ушбу оят Аллоҳ таолонинг бандалар қалбига уларнинг ўзидан кўра моликроқ эканини, хоҳласа, банда билан қалби орасини эгаллаб, тўсиб олишини ва инсон фақат Аллоҳнинг хоҳиши билангина бирор нарсани идрок этиши мумкинлигини билдиради», дейдилар.

Саҳиҳ ҳадисда бундай айтилади: «Албатта, сизлардан бир киши жаннат аҳли амалини қилади. Ҳатто у билан

жаннат орасида бир зироъ қолади. Шунда унга китоб (тақдир) етиб келади-да, дўзах аҳли амалини қилади ва дўзахга киради» (*Муттафақун алайҳ*).

«Жаннат аҳли амалини қилади» дегани, инсонларга шундай кўринади. Аслида эса, у ишнинг яширин иллоти бўлади. Агар у ростдан ҳам солиҳ, мақбул амал бўлганида эди, Аллоҳ уни яхши кўрган ва рози бўлган, унинг амалини йўққа чиқармасди. Шунинг учун, охири нима билан тугадини билмай туриб, амалнинг зоҳири билан ғурурланмаслик керак. Зеро, амаллар хотимаси билан эътиборлидир.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпинча: «Йўқ, қалбларни ўзгартирувчи зотга қасам», деб онт ичардилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Саҳл ибн Саъд Соъидий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир киши дўзах аҳли амалини қилади, ҳолбуки, у жаннат аҳлидандир. Яна бир киши жаннат аҳли амалини қилади, ҳолбуки, у дўзах аҳлидандир. Дарҳақиқат, амаллар хотимаси билан эътиборлидир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Уламолар айтишича, ёмон хотима ботинда гуноҳ қилишга одатланган ва кези келганда гуноҳи кабира қилишдан ҳам тап тортмайдиган кимсаларда учрайди. Аммо ким зоҳирда ҳақ йўл узра собитқадам бўлса ва ботинда ҳам гуноҳ қилишга одатланмаган бўлса, унинг хотимаси ёмон бўлишини ҳеч қачон эшитмаганмиз, билмаймиз ҳам. Бунинг учун Аллоҳга ҳамд бўлсин. Энди ким хато ишларни яхши кўрса ва гуноҳ қилиб, тавба этмай юраверса, тавбага улғурмасидан ажали етиши мумкин. Ана шундай вақтда шайтон уни васвасага солади ва

уни даҳшат қамраб олади-да, одамларга унинг бадбахт экани маълум бўлади. Бундан Аллоҳ асрасин. Айрим кишилар эса бутун умри давомида ҳақ йўлда юрадилар-да, ажаллари яқинлашгач, ўзгариб, тўғри йўлдан оғиб кетадилар. Бу ҳам хотимаси ёмон, оқибати хунук бўлишига олиб келади.

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот, қалбимни динингда собит-мустаҳкам қилгин», деб кўп айтардилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, сизга ва сиз келтирган нарсаларга имон келтирдик. Шунда ҳам биздан хавотирланасизми?» деб сўрадим. У зот (алайҳиссалом): «Ҳа, чунки қалб Аллоҳ таолонинг икки бармоғи орасида бўлиб, уни хоҳлаганича ўзгартиради», дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Асарда келишича, Иблисга макр қилингач, Жаброил ва Микоил йиғлай бошлашди. Шунда Аллоҳ таоло улардан: «Нима учун йиғлаяпсизлар?» деб сўради. Улар: «Парвардигоро, макр-синовингдан хотиржам бўлолмаяпмиз», дейишди. Аллоҳ таоло: «Худди шундай бўлсин, макримдан хотиржам бўлманглар», деди.

Уламолар бундай дейдилар: «Агар Аллоҳ таоло гуноҳ қилишга муккасидан кетган бандасига севган нарсаларини бераётганини кўрсанг, билки, бу У Зот тарафидан макр-синовдир».

Ҳикоя

Ривоят қилинишича, Мисрда намоз ўқиш ва азон айтиш учун масжидга боғланиб қолган бир киши бор эди. У ибодатга берилган, тақводор эди. Бир куни одатдагидек азон айтиш учун минорага чиқди. Унинг ёнгинасида

зиммий насронийнинг ҳовлиси бор эди. У ҳовлига кўз ташлади ва насронийнинг қизини кўрди. У жуда чиройли эди. Киши ўзини йўқотди ва азонни қўйиб, қиз олдига тушди. Қиз сўради: «Нима юмушинг бор?». У деди: «Сени хоҳлайман ва сенга уйланаман». Қиз: «Сен мусулмонсан, отам мени сенга бермайди», деди. У киши: «Унда насроний бўламан» дея жавоб берди. Қиз деди: «Ундай бўлса, майли...»

У қизга уйланиш учун насоро динига кирди ва уларнинг ҳовлисида қолди. Худди шу куннинг ўзида ҳовлидаги тепаликка чиқиб, ерга йиқилиб ўлди. У қабул қилган дини билан муваффақият қозонмади, қиз билан роҳатланмади ҳам.

Аллоҳдан макр-синови, хунук оқибат ва ёмон хотимадан паноҳ беришини сўраймиз.

Еттинчи гуноҳи кабира

АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИДАН НОУМИД БЎЛИШ

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

إِنَّهُ لَا يَأْتِسُّ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ ﴿٨٧﴾

«...Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур» (Юсуф сураси 87-оят).

Яъни, Аллоҳнинг қудратини инкор қиладиган, кофир кимсаларгина Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлади.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَغَفِرَ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)

«**Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур...**» (Нисо сураси 48-оят).

قُلْ يٰعِبَادِىَ الَّذِيْنَ اَسْرَفُوْا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا مِنْ رَّحْمَةِ اللّٰهِ
 اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ جَمِيْعًا اِنَّهٗ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ

«(Эй Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир» (Зумар сураси 53-оят).

وَرَحْمَتِيْ وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ

«...(Аммо) раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир...» (Аъроф сураси 156-оят).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳнинг юзта раҳмати бўлиб, ундан биттасини жинлар, инсонлар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар орасига туширди. Ана ўша битта раҳмат билан улар бир-бирига раҳм қиладилар, шафқатли бўладилар. Ушбу раҳмат билан ваҳший ҳайвон ўз боласига меҳрибондир. Аллоҳ таоло қолган тўқсон тўққизта раҳматни қиёмат кунида бандаларига раҳм қилиш учун қолдирди» (Муттафақун алайҳ).

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ таоло айтди: «Эй Одам фарзанди, раҳматимдан умидвор экансан, сендан содир бўлган нарсаларни кечираман ва ҳеч парво қилмайман. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмонга етса-да,

сўнг мендан мағфират сўрасанг, сени кечираман ва ҳеч парво қилмайман. Эй Одам фарзанди, агар сен Менга ер қобиғича хато билан келиб, Менга бирон нарсани шерик қилмаган ҳолингда йўлиқсанг, сенга ер қобиғича мағфират билан пешвоз чиқаман» (*Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлим тўшагида ётган бир йигит олдига кириб: «Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?» деб сўрадилар. У: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳдан умид қиляпман ва гуноҳларимдан қўрқяпман», деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ана шундай ҳолатда банда қалбида бу иккиси жам бўлса, Аллоҳ унга умид қилаётган нарсасини бериб, қўрқаётган нарсасидан омонда сақлайди», дедилар» (*Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги ўйидаман ва Мени зикр қилган вақтида у билан биргача», деди» (*Имом Бухорий, Муслим ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Яхши гумон ибодатнинг гўзаллигидандир» (*Имом Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Жобир (розияллоҳу анҳу) дедилар: «Мен Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўлимларидан уч кун олдин бундай деганларини эшитганман: «Сизларнинг ҳар бирингиз Аллоҳ азза ва жалла ҳақида яхши гумон қилган ҳолингиздагина вафот этингиз» (*Имом Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Ривоят қилинишича, Арш тарафдан бир жарчи «фалончи ўғли фалончи қаерда?» деб нидо қилади. Бу

овозни эшитган ҳар бир кишининг ҳуши бошидан учади. Аллоҳ азза ва жалла у кишига: «Сўралаётган сенсан. Осмонлару ернинг Яратувчисига рўбарў бўлишга шошил», дейди. Бутун махлуқотлар Арш томонга тикилиб қолади. Ҳалиги киши Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида ҳозир қилинади. Аллоҳ азза ва жалла унга махлуқотлардан тўсиб турадиган нуруни туширади-да, сўнг унга: «Бандам, дунё ҳаётидаги ҳар бир амалингни кўриб, кузатиб турганимни билмасмидинг?» деб сўрайди. Банда: «Билардим, эй Раббим», дейди. Аллоҳ сўради: «Бандам, Менга осийлик қилган кимсаларга азобим ва интиқомим борлигини эшитмаганмидинг?». У жавоб берди: «Эшитгандим, эй Раббим». «Эй бандам, Менга осийлик қилдинг?» «Эй Раббим, шундай бўлган эди». «Бандам, бугун Мени нима қилади деб ўйлаяпсан?» «Эй Раббим мени афв этасан, деб ўйлаяпман». «Бандам, нимага асосланиб мени афв этади, деб ўйлаяпсан?» «Эй Раббим, чунки Сен менинг гуноҳ қилаётганимни кўриб, уни яширган эдинг», деди у. «Сени афв этдим, кечирдим. Ўйлаган нарсангни рўёбга чиқардим. Китобингни ўнг тарафингдан олгин. Унда қандай яхшилик бўлса, уни қабул қилдим ва қандай ёмонлик бўлса, уни кечирдим. Мен сахий, карим Зотдирман», дейди Аллоҳ таоло.

Парвардигоро, мағфират қилишни яхши кўрмаганингда эди, осий кимсаларга муҳлат бермасдинг. Афв ва караминг бўлмаганида эди, диллар таскин топмасди.

Ё Аллоҳ, албатта, Сен афв қилувчидирсан, бизни кечир. Ё Аллоҳ, бизга ризо назари билан боқ ва бизни покиза бандаларинг қаторида қил, жафокашлар орасида ташлама. Ё Аллоҳ, бизнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқар ва барча ҳолатларда ҳам амалларимизни ўнгла. Розилигингга элтувчи йўлларни осон айла, биз-

ни яхшиликларга йўлла, бизга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан сақла.

Саккизинчи гуноҳи кабира

ДУНЁ УЧУН ИЛМ ЎРГАНИШ ВА ИЛМНИ ЯШИРИШ

Аллоҳ таоло бундай дейди:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«...Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина қўрқарлар...» (Фотир сураси 28-оят).

Уламолар ушбу оятни қуйидагича тафсир қилганлар:

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) бундай деганлар: «Қудратим, иззатим ва салтанатимни билган бандаларимгина Мендан қўрқади».

Мужоҳид ва Шаъбий айтадилар: «Аллоҳ таолодан қўрққан кишигина олимдир».

Робеъ ибн Анас айтганлар: «Аллоҳдан қўрқмаган одам олим эмас».

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ



لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعْنُونَ

«Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни (Мухаммаднинг барҳақ пайғамбар эканини) одамларга Китоб (Таврот)да аниқ қилиб берганимиздан кейин (уни) яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар (фаришталар ва мўминлар) ҳам лаънатлагайлар» (Бақара сураси 159-оят).

Ушбу оят яҳудий уламолари хусусида нозил бўлган.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)нинг айтишича, инсонлар ва жинлардан бошқа барча мавжудотлар лаънат айтади.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): «Икки мусулмон бирига лаънат айтса, бу лаънат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳақ пайғамбар экани ва у зотнинг сифатларини яширган яҳудий ва насронийларга қайтади», деганлар.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ، فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشْرَوْا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَبُئْسَ مَا يَشْتُرُونَ

«Эсланг, (эй Муҳаммад!) Аллоҳ аҳли китоблардан, уни (Таврот ва Инжилни) одамларга, албатта, аниқ баён қиласиз, уни (ҳеч кимдан) сир тутмайсиз, деб аҳд олган эди. Лекин улар уни (берган ваъдаларини) ортларига улоқтириб, озгина баҳога уни сотиб юбордилар. Бу савдолари нақадар нохуш!» (Оли Имрон сураси 187-оят).

Воҳидий айтишича, ушбу оят Мадина яҳудийлари ҳақида нозил бўлган. Аллоҳ Тавротда улардан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳақ пайғамбар экани, сифатлари ва юборилиш замонию маконини баён қилишга, уни яширмасликка аҳд-паймон олиб: «Уни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар», деб айтган.

Хасан Басрий: «Бу Аллоҳ таолонинг яҳудий уламоларидан Китобларидаги нарсаларни одамларга баён қилишлари хусусида олган аҳду паймонидир. Уларнинг

Китобида эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг ҳам зикрлари келган», деганлар.

«озгина баҳога уни сотиб юбордилар», дегани, улар илмли бўлганлари учун илмсиз жоҳил кимсалардан нарсалар олардилар. Шу арзимас дунёвий нарсадан маҳрум бўлишдан кўрқиб берган аҳдларини буздилар.

«Бу савдолари нақадар нохуш!» ояти каримаси ҳақида Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо): «Уларнинг савдолари жирканчли бўлиб, зиён кўришди», деганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким Аллоҳнинг розилигига эриштирадиган илмни фақат бирор дунёвий нарсага етишиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

«Риё» мавзусида дўзахга юзи билан судраладиган уч киши ҳақидаги ҳадис келтирилган эди. Уларнинг бирига: «Олим, деб айтишлари учун илм ўргандинг, бу нарса айтилди», дейилади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Кимдан билган нарсаси ҳақида сўралса-ю, уни яширса, қиёмат куни Аллоҳ у кимсани оловдан бўлган юган билан юганлаб қўяди» (*Имом Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сендан фойдасиз илмдан паноҳ беришингни сўрайман», деб дуо қилардилар (*Имом Муслим ривояти*).

Усома ибн Зайд (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитди: «Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга улоқтирилади. Унинг ичакчавоқлари осилиб, ёйилиб кетади-да, худди эшак тегирмон атрофида айланганидек, уларга ўралашиб қолади. Дўзах аҳли унинг атрофига тўпланишади ва:

«Эй фалончи, сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» деб сўрашади. У: «Сизларни яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардим-у, ўзим қайтмасдим», дейди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Ким илм ўрганиб, унга амал қилмаса, илм фақатгина унинг кибрини зиёда қилади».

Хилол ибн Аъло айтганлар: «Илм талаб қилиш қийин, уни ёдлаш талаб қилишдан оғир, унга амал қилиш ёдлашдан қийин, унда саломат қолиш амал қилишдан ҳам машаққатлироқдир».

Аллоҳ таолодан барча балолардан саломат сақлашини ва Ўзи яхши кўрган, рози бўлган нарсаларга муваффақ қилишини сўраймиз. Албатта, У сахий ва карим Зотдир.

Тўққизинчи гуноҳи кабира

АЛЛОҲ АЗЗА ВА ЖАЛЛА ҲАМДА РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ШАЪНИГА ЁЛҒОН ГАПИРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَيَوْمَ الْقِيَمَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ

«Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қорайган ҳолда кўрасиз...» (Зумар сураси 60-оят).

Яъни, улар «Аллоҳнинг боласи, шериги бор», деб У Зот ҳақида мумкин бўлмаган ҳар хил бўхтон гапларни айтган кимсалардир. Улар Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлагани учун шундай машаққат ва қайғуларга дучор бўладиларки, ранглари ўзгариб, юзлари қораяди.

Ибн Жавзий тафсирида айтишича, бир тоифа уламолар Аллоҳ ва пайғамбар шаънига ёлғон гапириш Исломи миллатидан чиқарадиган куфр эканини айтишган. Ҳаромни ҳалол санаш ва ҳалолни ҳаром қилиш борасида Аллоҳ ва Пайғамбар шаънига ёлғон гапириш очиқ-ойдин куфр эканида шубҳа йўқ. Бу ерда сўз бошқа нарсаларда ёлғон гапириш хусусидадир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой ҳозирлайверсин» (*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти*).

(Ушбу ҳадис кўп саҳобалардан ривоят қилинганидан мутавотир даражасига етган. Валлоҳу аълам.)

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким ёлғонлигини билатуриб, менинг номимдан ҳадис айтса, ёлғончиларнинг биттасидир» (*Имом Муслим ва бошқалар ривояти*).


Муғийра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: «Менинг номимдан ёлғон гапириш, бошқа бировнинг номидан ёлғон сўзлаш билан бир хил эмас. Бас, ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин» (*Имом Муслим ва бошқалар ривояти*).

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўмин одам ёлғон ва хиёнатдан бошқа ҳар қандай хусусиятга табиатан мойил бўлиши мумкин» (*Имом Баззор ва Абу Яъло ривояти*).

Ўнинчи гуноҳи кабира


ТАҚДИРНИ ИНКОР ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



«Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик» (Қамар сураси 49-оят).


Ибн Жавзий тафсирида ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби хусусида икки хил фикр келтирилган: Биринчиси, Макка мушриклари Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан тақдир ҳақида тортишганида, мазкур оят нозил бўлган (Имом Муслим ривояти). Абу Умома (розияллоҳу анҳу): «Бу оят қадариялар хусусида айтилган», деганлар. Иккинчиси, Нажрон епископи (юқори лавозимли руҳонийси) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад, гуноҳлар ҳам тақдир-қадар билан содир этилади, деб даъво қиласан. Бундай эмас-ку», деди. Шунда ушбу оятлар тушди: «Албатта, жиноятчилар гумроҳлик ва хатоликдадирлар. Улар юз тубан ҳолларида дўзах сари судраладиган кунда (уларга): «Дўзах таъсири-ни тотиб кўрингиз!» (дейилур). Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик» (Қамар сураси 47–49-оятлар).



«Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» (Соффот сураси 96-оят).

Ибн Жарир айтганлар, ушбу оятни икки хил тушуниш мумкин. Аллоҳ сизларни ва амалларингизни яратган ёки Аллоҳ сизларни ва ясаб олган бутларингизни яратган.

Оят бандаларнинг ишлари махлуқ эканига ҳужжатдир. Валлоҳу аълам.



«Дарвоқе, унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган» (*Шамс сураси 8-оят*).

Саид ибн Жубайр айтганлар: «Аллоҳ нафсга фужурини ҳам, тақвосини ҳам юклаб қўйди».

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо): «Қадар-тақдир йўқ, ишлар энди содир бўлади – улар тақдир қилинмаган», деб даъво қиладиган қавм ҳақида: «Агар уларга йўлиқсанг, мен улардан бегоналигимни, улар мендан бегона эканини етказ. Мабодо улардан бирининг Уҳудчалик олтини бўлиб, уни инфоқ қилса, Аллоҳ уни қадарга имон келтирмагунича қабул қилмайди», деб Жаброил (алайҳиссалом) ҳадисини зикр қилдилар. Жаброил Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: «Имон нима?» деб сўраганида, у зот (алайҳиссалом): «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига, яхшилик ва ёмонлик тақдирдан эканига ишонишинг!» дея жавоб берганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Аллоҳга имон келтириш – Аллоҳ таоло мавжуд, улуғ ва мукаммал сифатлар билан сифатланган, нуқсонлардан пок, ёлғиз, ҳожатсиз, барча махлуқотларни яратган, улар устида хоҳлаганидек тасарруф этадиган ва Ўз

мулки-салтанатида истаган нарсасини қиладиган Зот, деб тасдиқлашдир.

Фаришталарга имон келтириш – уларни ҳам Аллоҳнинг бандалари деб тасдиқлашдир.

بَلْ عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ ﴿٢٦﴾ لَا يَسْقُونَهُ إِلَّا أَلْفَوْا بِالْقَوْلِ - وَهُمْ
 بِأَمْرِهِ يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا
 يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ارْتَضَىٰ وَهُمْ مِّنْ خَشْيَتِهِ مُشْفِقُونَ ﴿٢٨﴾

«...Йўқ, (фаришталар) мукаррам бандалардир. (Фаришталар) Ундан илгари бирор сўз айтмайдилар. Улар (Аллоҳнинг) амри билангина иш қилурлар. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур. Улар фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар. Уларнинг (ўзлари) Ундан хавфсираб қўрқиб турурлар» (Анбиё сураси 26–28-оятлар).

Китобларга имон келтириш – Аллоҳ таоло Ўзининг танлаган элчиларига ваҳий қилган каломини тасдиқлашдир. Бу каломлар жамланиб, покиза саҳифалар ва бебаҳо китобларга айланган. Мўмин улардан билганига батафсил, билмаганига умумий суратда имон келтиради.

Пайғамбарларга имон келтириш – у зотларнинг Аллоҳ таоло номидан келтирган хабарларига ишонишдир. Аллоҳ уларни ростгўйликларига далолат қилувчи мўъжизалар билан қўллаб-қувватлаган, улар Аллоҳнинг рисолатини етказиб, мукаллаф бандаларга Унинг буйруқларини баён қилганлар. Уларни эхтиром қилиб, биронтасини ажратмаслик вожиб бўлади.

Охират кунига имон келтириш – Қиёмат кунини ва у кунда рўй берадиган қайта тирилиш, маҳшаргоҳга тўпланиш, ҳисоб-китоб, мезон, сирот кўприги, жаннат ва дўзах, бу иккиси муҳсинларга савоб, нобакорларга жазо диёри эканини ва булардан бошқа саҳиҳ ривоятларда келган барча нарсаларни тасдиқлашдир.

Тақдирга имон келтириш қуйидаги ояти карималар ифодалайдиган маъноларни тасдиқлашдир:

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

«Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» (Софват сураси 96-оят).

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْتَهُ بِقَدَرٍ ﴿٤٩﴾

«Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик» (Қамар сураси 49-оят).

مَا أَصَابَ مِنْ مُّصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِّن قَبْلٍ أَنْ نَبْرَأَهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٢٢﴾

«Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир» (Ҳадид сураси 22-оят).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Билгинки, агар сенга бирор нарсада фойда бериш учун бутун уммат тўпланса ҳам, фақат Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган нарса билангина фойда беради. Агар

сенга бирон зарар етказиш учун тўпланса ҳам, фақат Аллоҳ таоло ёзиб қўйган нарса билангина зарар етказилади. Қаламлар қўтарилган, саҳифалар қуриган» (*Имом Термизий ривояти*).

Салаф ва халаф имомларининг мазҳаби-фикри шуки, кимда-ким бу ишларни ҳеч шубҳаланмасдан ва иккиланмасдан қатъий тасдиқласа, мўмин бўлади. Бу тасдиқ ёрқин ҳужжатлар орқали бўладими ёки қатъий эътиқодлар ёрдамида, фарқи йўқ. Валлоҳу аълам.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ махлуқотлар тақдирини осмонлару ерни яратишидан элик минг йил олдин ёзиб қўйган» (*Имом Муслим ривояти*).

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича, бир киши: «Ё Расулуллоҳ, бугунги амаллар нимага боғлиқ? Қаламлар қуриб, тақдирда белгиланган нарсагами ёки биз энди қиладиган, энди содир бўладиган нарсагами?» деб сўради. «Қаламлар қуриб, тақдирда белгиланган нарсага боғлиқ», дедилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). «Унда амал қилишнинг нима кераги бор?» деб сўради. У зот: «Амал қилинглар, ҳар бир киши (тақдир қилинган амалига) муяссар бўлувчидир», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ҳар бир нарса тақдир биландир. Ҳатто ожизлик ва зийраклик ҳам» (*Имом Аҳмад ва Муслим ривояти*).

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қадариялар ва муржиалар бу умматнинг мажусийларидир. Агар улар касал бўлсалар, зиёрат қилманглар, агар

ўлсалар, (жанозаларида) қатнашманглар» (*Имом Табароний ривояти*).

Ривоят қилинишича, Аллоҳ қиёмат кунда аввалгию охиргиларни тўплаган вақтда бир жарчига буюради, у: «Аллоҳнинг хусуматчилари қани?» деб нидо қилади. Бу нидони аввалгию охиргилар эшитади. Шунда қадариялар ўринларидан туради. Уларга дўзахга кириш буюрилади. Аллоҳ таоло айтади: **«...Дўзах таъсирини тотиб кўрингиз! Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик».**

Аллоҳ бандага маъсият-гуноҳ ишни тақдир қилиб, сўнг шу сабабли уни азоблаши жоиз эмас, деб тортишганлари учун уларга: «Аллоҳнинг хусуматчилари», дейилади.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ қайси пайғамбарни юборган бўлса, унинг умматида қадариялар ва муржиалар бўлган. «Аллоҳ етмишта пайғамбар тилида қадария ва муржиаларни лаънатлади».

Хабарда келтирилишича, «Қадариялар бу умматнинг мажусийларидир».

Яна айтилади: «Ҳар бир умматнинг мажусийлари бўлади. Бу миллатнинг мажусийлари эса тақдир-қадар йўқ, ишлар энди содир бўлади, деб даъво қиладиган кимсалардир».

Ҳазрат Ҳасан Басрий айтганлар: «Аллоҳга қасамки, агар бир қадарий арқондай бўлиб қолгунча рўза тутса, сўнг симдай бўлгунча намоз ўқиса ҳам, Аллоҳ уни дўзахга юзтубан улоқтиради. Кейин унга: **«...Дўзах таъсирини тотиб кўрингиз! Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик»**, дейилади».

Фасл

Тобеинлар, мусулмон имомлари, салафлар ва фуқаҳолардан етмиш киши қуйидаги ишлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан қолган суннат эканига ижмо қилишган: Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлиш, буйруғига таслим бўлиш, ҳукми остида сабр қилиш, буюрган нарсаларини бажариш, қайтарган нарсаларидан тийилиш, Аллоҳ учун холис амал қилиш, яхшию ёмон тақдирга имон келтириш, дин хусусидаги тортишув-мунозара ва хусуматни тарк этиш, маҳсига масҳ тортиш, қибла аҳлидан вафот этган кишига жаноза ўқиш.

Ҳанафий мазҳаби уламолари фикрига кўра, имон – тил билан иқрор бўлиш, қалб билан тасдиқлашдир.

Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Уни Жаброил (алайҳиссалом) Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га олиб тушган. У махлуқ эмас.

Султон тарафидан адолат ёки зулм содир бўлса-да, унинг байроғи остида сабр қилинади. Амирлар жабр-зулм қилсалар ҳам, уларга қарши қилич кўтармаймиз.

Қибла аҳлидан биронтасини, гарчи гуноҳи кабира қилса ҳам, кофир ҳисобламаймиз. Лекин уни ҳалол санаган кимса бундан мустасно.

Қибла аҳлидан биронтасига қилган яхши амали туфайли жаннатий деб гувоҳлик бермаймиз. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаннатий деб гувоҳ берган зотлар бундан мустасно.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари орасида бўлиб ўтган ишлар хусусида тилимизни тиямиз, баҳслашмаймиз.


Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан кейин халқнинг энг афзали Абу Бакр, сўнг Умар, кейин Усмон, сўнг Али ибн Абу Толибдир (Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг барча аёллари, авлодлари ва асҳобларига Аллоҳнинг раҳматини сўраймиз.

Ўн биринчи гуноҳи кабира


ХИЁНАТ ВА АҲДГА ВАФО ҚИЛМАСЛИК

Аллоҳ таоло айтади:



«...Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (қиёмат куни) сўраладиган ишдир» (Исро сураси 34-оят).

Зажжож айтадилар: «Аллоҳ буюрган ва қайтарган барча нарса аҳддандир».



«Эй имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!..» (Моида сураси 1-оят).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтганлар: «Аҳдлар Қуръонда ҳалол-ҳаром, фарз қилинган ва ҳад белгиланган нарсалардир».

Заҳҳок айтадилар: «Аллоҳ таоло бу умматдан ҳалол-ҳаром қилинган, намоз каби фарз этилган амалларга ва бошқа аҳдларга вафо қилишга аҳд-паймон олган. Ваъдалар ҳам худди шу каби бўлиб, Аллоҳ фарз қилган

амаллардандир. Бирон-бир ҳолатда ҳам уни бузишга йўл йўқ».

Муқотил ибн Ҳайён айтадилар: «Аллоҳ Қуръонда буюрган Унинг Ўзигагина итоат этишингиз ва қайтарган нарсалардан қайтишингиз хусусида сизларнинг зиммангизга юклаган аҳдларга, мушриклар билан сизларнинг орангиздаги битимларга ва инсонлар ўртасидаги аҳду паймонларга вафо қилинглари». Валлоҳу аълам.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда тўрт хислат бўлса, ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, уни ташламагунига қадар унда мунофиқликнинг битта хислати бўлади. Улар гапирса, ёлғон сўзлайди, аҳдлашса, вафо қилмайди ва агар баҳслашса, фожирлик қилади (ҳаддидан ошади)» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат кунида ҳар бир (аҳдини бузган) хиёнатчини танитадиган байроғи бўлади. Бу фалончининг хиёнати, дейилади» (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Мен қиёмат куни уч киши: менинг номимни ўртага қўйиб (бирон нарса) олиб, сўнг хиёнат қилганнинг, ҳур-озод одамни сотиб, сўнгра пулини еганинг ва мардикорни ижарага олиб, ишлатиб, ҳақини тўлиқ бермаганнинг душманидирман», деди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ўн иккинчи гуноҳи кабира

ТОРТИШУВ, БАҲС-МУНОЗАРА ВА МУРОСАСИЗЛИК

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا

«Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади...» (204-оят).

Яъни, шундай кимсалар борки, баён қилиш санъати етуқлигидан гапираётган сўзидан лол қоласан, ҳайратланасан. Лекин улар ёлғончи, мунофиқдирлар. Уларнинг «хунарлари» бу дунёдагина ўтади. Охиратда эса қалбларидаги сирлардан хабардор, ғайбларни билувчи Зотгина ҳоким бўлади.

وَيُشْهَدُ اللَّهُ عَلَى مَا فِي قَلْبِهِ، وَهُوَ أَلَدُّ الْخِصَامِ ﴿٢٠٤﴾

«...Дилидаги «имони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи (Исломга нисбатан) душманларнинг ашаддийсидир» (204-оят).

Яъни, аслида дили куфр ва мунофиқлик иллати билан муҳрланган бўлса-да, ўзини имонли деб даъво қилади ва бу ишини «Аллоҳ шоҳид» деб исботлашга уринади. Холбуки, у ашаддий хусуматчи бўлиб, ноҳақлик – ботил билан баҳс-мунозара қилади.

وَإِذَا تَوَلَّى سَعَى فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفُسَادَ ﴿٢٠٥﴾

«(Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслини ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди» (Бақара сураси 205-оят).

Яъни, фасодни ёмон кўради, фасодчиларни ёқтирмайди. Хужжатул ислом Ғаззолий айтганлар: «Баҳс-мунозара – ўзингни билимдон кўрсатиб, бошқани таҳқирлаш ниятида хатосини изҳор этиб, таъна қилишингдир».

Тортишув (мужодала) ўз мазҳабини бошқасидан устун қўйиш ва фикрини маъқуллашдан иборат.

Хусумат эса мол ёки бирор кўзлаган нарсани қўлга киритиш учун айтган гапида қатъий туришдир. У гоҳида бирор нарсани ёқлаши ёки эътироз қилиши мумкин. Баҳс-мунозарада эса фақат эътироз бўлади.

Имом Нававий айтадилар: «Билгинки, тортишув гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَجْدِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ

«(Эй мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз» (Анкабут сураси 46-оят).

وَجَدِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ

«...Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!...» (Наҳл сураси 125-оят).

مَا يَجْدِلُ فِي آيَاتِ اللَّهِ إِلَّا الَّذِينَ كَفَرُوا

«Аллоҳнинг оятлари ҳақида кофир бўлганларгина тортишурулар...» (Ғофир сураси 4-оят).

Агар мужодала (тортишув) ҳақни аниқлаш ва уни қарор топтириш учун бўлса, мақтовга лойиқдир. Борди-ю Ҳаққа қаршилиқ кўрсатиш учун ёки билмай туриб қилинса, қоралангандир. Мужодаланинг жоиз ва жоиз эмаслиги хусусида келган оятлар шу йўсинда нозил бўлган».

Айрим улуғлар дейдилар: «Хусуматдан кўра динни кетказувчиروқ, мурувватни камайтирувчиروқ ва қалбни машғул қилувчиروқ бирор нарса кўрмадим».

Инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши учун тортишиб туришдан бошқа иложи йўқ, десангиз, Имом Ғаззолийнинг ушбу сўзлари сизга жавоб бўлади: «Билгинки, ноҳақлик билан, илмсиз бўлатуриб, хусуматлашган кимсалар қаттиқ қораланган».

Бу судда қайси тараф ҳақ эканини билмай туриб, илмсиз ҳолда хусуматлашган даъвогарнинг вакилига ўхшайди.

Яна ҳақини талаб қилишда ҳаддидан ошиб, муросасизлик билан ёлғон сўзлаган ва хусуматчига азият етказадиган сўзларни айтган киши ҳам қораланган.

Шунингдек, хусуматчини бўйсундириш ва синдириш учун фақат саркашлиқ қилиб хусуматлашиш ҳам тақиқланади.

Аммо мазлумнинг муросасизлик ва исрофга берилмасдан, одоб доирасида, саркашлиқ ва азият етказишни қасд этмай туриб, шаръий йўл билан ҳужжат келтириши ҳаром эмас. Лекин шундай бўлса-да, хусуматни бутунлай тарк этгани маъқулроқ. Чунки хусуматлашаётганда тилни мўътадил – адолат чегарасидан чиқармай тийиб туриш жуда қийин. Бундан ташқари, хусумат қалбни нафратга тўлдириб, ғазабни уйғотади. Ғазаб келса, табиийки, хусуматчилар орасида кек, ги-

на-кудурат пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасининг қайғусидан шодланадиган ва қувончидан хафа бўладиган ҳамда бир-бирининг ор-номусига тил теккизадиган бўлади.

Хуллас, ким хусуматлашса, ушбу офатларга дучор бўлади. Ҳеч бўлмаганда, қалби машғул бўлиб, ҳатто на-мозида ҳам ўй-ёди хусуматчисида бўлиб қолади. Зеро, хусумат, шунингдек, тортишув ва баҳс-мунозара ҳам ёмонлик манбаидир.

Киши бошқа бирор чораси қолмагунча, хусумат эшигига яқин йўламаслиги даркор.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким ноҳақ бўлатуриб баҳс-мунозарани тарк этса, у учун жаннат чеккасида бир уй бино қилинади, ким ҳақ бўлатуриб тарк этса, у учун жаннат ўртасига (қаср) қурилади. Кимнинг хулқи гўзал бўлса, у учун жаннатнинг энг олий жойига (қаср) бино қилинади» (Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): «Хусумат жуда хатарли ишдир!» деб айтганлар.

Фасл

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Одамлар тўғри йўлда бўлганларидан кейин фақат талашиб-тортишишга берилганлари сабаблигина ҳақ йўлдан оғдилар», дедилар-да, қуйидаги оятни ўқидилар:


 مَا صَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًا بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ

«Улар (бу мисолни) Сизга фақат тортишиш учунгина келтирадилар. Аслида, улар хусуматчи (жанжалкаш) қавмдирлар» (*Зухруф сураси 58-оят*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қуръон хусусида талашиб-тортишиш куфрдир» (*Имом Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ энг ёмон кўрадиган кимса ашаддий хусуматчидир!» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ривоят қилинишича, ким хусуматлашаётганида билмай туриб тортишса, тортишувни бас қилмагунича ғзаб остида бўлади.

Бошқа ривоятда бундай дейилган: «Доим хусуматлашиб юришинг гуноҳкор бўлишингга кифоя қилади».

Асарда келади: «Сизларнинг хусусингизда қўрққан нарсаларнинг энг ашаддийроғи – олимнинг адашиши, мунофиқнинг Қуръон хусусида талашиб-тортишиши ва бўйнингизни кесадиган дунё».

Фасл

Гапирганда фаросату балоғат билан сўзлайман деб чираниш, худди нотиқлардай виқор билан тушуниш қийин жумлаларни сўзлаш ва саж – қофияли қилиб гапиришга уриниш ортиқча такаллуф ҳисобланиб, макруҳдир. Аксинча, тингловчи дарҳол англаб оладиган содда, тушунарли қилиб сўзлаш лозим.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Албатта, Аллоҳ сигир кавш қайтаргани син-

гари тилига эрк берадиган сўзамол кишиларни ёмон кўради» (*Имом Термизий ривояти*).


Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Албатта, сизларнинг менга энг суюклигингиз ва қиёмат куни ўрнингиз яқини – ахлоқи гўзалингиздир. Сизларнинг менга энг ёқимсизингиз ва қиёмат куни мендан энг узоғингиз – маҳмадоналар, таҳқирловчилар ва сафсатабозлардир» (*Имом Термизий ривояти*).

Билгинки, агар ҳаддан ошиш ва ўринсиз бўлмаса, хутбаю маърузаларда чиройли услубда сўзлаш қораланмайди. Чунки улар қалбларни Аллоҳ таолонинг тоатига иштиёқли қилиш мақсадида айтилади. Бу борада эса нутқнинг гўзал ва равон бўлиши катта аҳамиятга моликдир. Валлоҳу аълам.

Ўн учинчи гуноҳи кабира

СИЙДИҚДАН ПОКЛАНМАСЛИК

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



«Либосларингизни покланг» (*Муддассир сураси 4-оят*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қабр ёнидан ўтаётиб: «Бу иккиси (яъни, қабрдагилар) азобланмоқда. Катта гуноҳ сабабли азобланаётганлари йўқ. Ҳа, у катта гуноҳдир. Улардан бири чақимчилик қилиб юрарди, бошқаси эса сийдигидан сақланмасди», дедилар» (*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қабр азобининг аксари сийдик сабабли бўлади. Бас, сийдикдан пок бўлинглар!» (Имом Дорақутний ривояти).

Ким бадани ва кийимларини сийдикдан пок сақламаса, намози мақбул бўлмайди.

Ҳофиз Абу Нуъайм «Ҳиля» китобида Шафий ибн Мотиъдан ривоят қилади: «Тўрт тоифа кимса ўзи азобланаётган дўзах аҳлига яна озор беради. Улар «ҳамим» (қайноқ сув) ва «жаҳим» (дўзах олови) орасида сарсон бўлишади, ўзларига ўлим ва ҳалокат тилашади. Дўзах аҳли бир-бирларига: «Буларга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётганимиз етмаганидай, яна бизга озор бериш-япти?» дейишади. Улардан бири чўғдан бўлган тобутга қамалган бўлади. Бошқаси ичак-човоқларини тортаётган бўлади. Яна бирининг оғзидан йиринг ва қон оқаётган бўлади. Охиргиси ўз гўштини еяётган бўлади. Тобутдаги кишига: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтади: «Бу киши ўлиб, бўйнида одамларнинг моли қолган-да, унга вафо қилмаган». Кейин ичак-човоғини тортаётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтади, бу киши сийдик қаерига тегаётганига парво ҳам қилмасди, ўша ерини ювиб ҳам ташламасди. Сўнг оғзидан йиринг ва қон оқаётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Деди, бу киши ҳар бир фаҳш ва уятсиз сўзларга назар солиб (эшитиб), ундан роҳатланарди, ҳаёсизликдан лаззатланарди. Охири гўштини еяётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтади, бу киши ғийбат қилиб одамларнинг гўштини ер ва чақимчилик қилиб юрар эди».

Аллоҳдан афв ва офият сўраймиз. Албатта, У раҳмиларнинг раҳмлироғидир.

Ўн еттинчи гуноҳи кабира

ЭРКАКЛАРНИНГ ТИЛЛА ТАҚИШЛАРИ ВА ИПАК КИЙИШЛАРИ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким дунёда ипак кийса, охиратда киймайди» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Бу ҳукм барча эркакларга тегишли. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай айтганлар: «Тилла ва ипак кийиш умматимнинг эркакларига ҳаром, аёлларига эса ҳалол қилинди» (*Имом Термизий ривояти*).

Ҳузайфа ибн Ямон (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизни тилла ва кумуш идишда ичиш ва ейишдан, ипак ва дийбож (кимхоб) кийиш ва унга ўтиришдан қайтардилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Қайси эркак ипак кийишни ҳалол санаса, кофирдир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса фақатгина қичима, қўтир ёки бошқа касали бор одамларга ва душман билан олишаётган жангчиларга ипак кийишга рухсат берганлар. Анас (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Зубайр ва Абдурахмон ибн Авф (розияллоҳу анҳумо) қичима бўлганлари сабабли, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга ипак кийишга рухсат бердилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Бироқ эркакларнинг зийнат учун ипак кийишлари ҳаромлигига мусулмонлар ижмо қилишган. Таркибининг кўп қисмини ипак ташкил этган кийимлар ҳам ҳаромдир.

Шунингдек, эркакларга тилла буюмлардан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Бинобарин, тилла узук, тилла айил, тилла дастали қилич ишлатиш ҳам мумкин эмас. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишининг қўлида тилла узукни кўриб, уни ечиб: «Сизлардан бир киши дўзахдан бир бўлак чўққа интилиб, уни қўлига тақади», деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Зар жиякли, тилла билан оро берилган либосларни кийиш ҳам эркакларга ман қилинган.

Уламолар ёш боланинг тилла ва ипак кийиши жоиз ёки жоиз эмаслиги хусусида ихтилоф қилишган. Баъзи уламолар бунга рухсат берган бўлсалар, қолганлари жоиз эмас, дейишган ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу ҳадисларини ҳужжат қилиб келтиришган: «Бу иккиси (яъни, тилла ва ипак) эркак умматимга ҳаромдир» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Имом Аҳмад ва бошқа уламолар фикрига кўра, ҳадиси шарифдаги ҳукм ёш болаларга ҳам тааллуқли.

Аллоҳдан Ўзи суйган ва рози бўлган нарсаларга муваффақ этишини сўраймиз. Албатта, У сахий ва марҳаматли Зотдир.

Ўн саккизинчи гуноҳи кабира

АЁЛЛАРНИНГ ЭРКАКЛАРГА ВА ЭРКАКЛАРНИНГ АЁЛЛАРГА ЎХШАШИ

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларга тақлид қилувчи эркакларни ва эркакларга тақлид қилувчи аёлларни лаънатлади» (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлсифат эркакларни ва эркакшода аёлларни лаънатлаганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Ўн тўққизинчи гуноҳи кабира

КИБР ВА МАНМАНЛИК БИЛАН КИЙИМЛАРИНИ СУДРАБ ЮРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ
مُخَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾

«Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас» (Луқмон сураси 18-оят).

Яъни, Аллоҳ таоло ўзини бошқалардан устун қўядиган, ҳеч кимни менсимайдиган, гердаиб юрадиган ва мақтанчоқ кимсаларни ёқтирмайди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Тўпикдан пастга тушган изор (иштон) оловдадир» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат кунида Аллоҳ таоло изорини такаббурлик билан судраб юрган кимсаларга қарамайди» (Имом Бухорий, Муслим ва Молик ривояти).

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч марта: «Уч тоифа одамлар борки, Аллоҳ қиёмат кунида уларга гапирмайди, уларга қарамайди, уларни (гуноҳларидан) пок-

ламайди ва уларга аламли азоб бўлади», дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, бу бахтсиз, зиёнкор кимсалар ким?» деб сўраган эдим: «Кийимини узун қилиб, ерга судраб юрувчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи кимсалар», дея жавоб бердилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир киши янги кийимларда ўзидан маст бўлиб (ғурурланиб), сочини тараб, гердайиб юриб кетаётган эди. Тўсатдан Аллоҳ уни ерга юттирди. Энди у қиёмат кунигача ер қаърига кириб кетаверади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ қиёмат куни кийимини манманлик билан судраб юрган кимсага қарамайди» (*Имом Молик, Бухорий ва Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Изор, кўйлак ва саллани узун қилиб, ерга судраб юришади. Ким бирор-бир нарсани манманлик билан ерга судраб юрса, Аллоҳ қиёмат куни унга қарамайди» (*Имом Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмоннинг изори болдирининг ўртасига тушиб туради. Тўпиққача бўлса ҳам зарари йўқ. Тўпиқдан паст бўлгани эса, оловдадир» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Бу ҳукм шим, кўйлак, тўн ва бошқа барча либосларга тааллуқлидир.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши узун изорда намоз ўқиётган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: «Бориб бошқатдан таҳорат ол!» дедилар. У бориб бошқатдан таҳорат олиб келди. Яна унга: «Бориб бошқатдан таҳорат қил!» дедилар. Бир киши у зот (алайҳиссалом)га: «Ё Расулуллоҳ, нима

учун унга қайта-қайта таҳорат олишни буюряпсиз?» деб, жим қолди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «У узун изорда намоз ўқиётган эди. Аллоҳ эса узун кийимли кишининг намозини қабул қилмайди», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким либосини манманлик билан ерга судраб юрса, Аллоҳ унга қиёмат кунда қарамайди», деганларида, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, изорим шалвираб қолган, ушлаб юрмасам пастга тушиб туради». Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у зотга: «Сиз бу ишни манманлик билан қиладиганлардан эмассиз», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ё Аллоҳ, бизга гўзал лутф марҳаматинг ила муомалада бўл. Эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи, Ўзинг бизга раҳм қил.

Йигирманчи гуноҳи кабира

МУСИБАТ ЧОҒИДА ҲАДДАН ОШИШ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Юзларига урадиган, ёқаларини йиртадиган ва жоҳилият даъволари билан бақириб-чақирадиган кимсалар биздан эмас» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Бурда (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Абу Мусо Ашъарий дардга чалинди. Бошини аёлининг тиззасига қўйиб, хушидан кетди. Аёли зорланиб, дод-вой қила бошлади. Уни шу ишидан бирор нарса билан қайтара олишмади. У зот ўзига келгач: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пок-бегона бўлган кимсалардан покман. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса, мусибат чоғида дод-вой солиб бақирадиган,

сочларини юладиган ва кийимларини йиртадиган аёллардан покдирлар», дедилар» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Уламолар ҳадисда баён қилинган ўринсиз хатти-ҳаракатлар ҳаром эканига иттифоқ қилишган. Шунингдек, сочини ёйиш, яноқларига шапатилаш, юзини юмдалаш ва ўзига ўлим – ҳалокат тилаш ҳам ҳаромдир.

Умму Атия (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биздан байъат чоғида дод-вой солиб йиғламасликка аҳд олганлар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Сарвари олам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Инсонлар ўзларидаги икки иллат сабабли кофир бўладилар. Биринчиси, насабга таъна қилиш. Иккинчиси, маййитга дод-вой солиб йиғлаш» (*Имом Муслим ривояти*).

Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳушидан кетди. Синглиси йиғлаб: «Эй тоғим, эй фалоним, эй пистоним», дея санай кетди. У зот ўзига келгач: «Сен нима деган бўлсанг, мендан «Сен шундаймисан?» деб сўрашди», дедилар».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кишиларнинг дод-вой солиб йиғлагани сабабли маййит қабрида азобланади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси одам ўлса-ю, унинг йиғловчилари: «Эй суянган тоғим, эй саййидим», деса ёки шу каби сўзларни айтса, маййитга икки фаришта вакил қилинади-да, кўкрагидан итаришиб: «Сен шундаймисан?» деб сўрашади» (*Имом Термизий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна айтганлар: «Дод солиб йиғловчи аёл агар ўлмасидан олдин тавба қилмаса, қиёмат куни қатрон (қора елим)дан кўйлак ва қора кўтирдан совут кийган ҳолда турғазилади» (*Имом Муслим ва Ибн Можа ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Мен икки аҳмоқона, гуноҳкорона овоздан: хурсандчилик вақтдаги овоз – ўйин-кулги ва шайтон сурнайи (нағмаси) ҳамда мусибат чоғидаги овоз, юзни юмдалаб, ёқани йиртиш ва зорланишдан қайтарилдим» (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дод солиб йиғловчи ва унга қулоқ солувчи аёлларни лаънатлаганлар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Икки овоз дунё ва охиратда лаънатлангандир: неъмат – хурсандчилик вақтидаги нағма ва мусибат чоғидаги зорланиш» (*Имом Баззор ривояти*).

Ривоят қилинишича, дод солиб йиғловчилар қиёмат куни жаҳаннамда икки қатор қилиб терилади. Бири ўнг тарафда, иккинчиси чап тарафда. Улар дўзах аҳлига қараб худди итлар сингари акиллайдилар.

Авзойй айтадилар: «Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) бир ҳовлида йиғи товушини эшитиб, у ерга кирдилар. Ёнларида шериги ҳам бор эди. У ердаги аёлларни туртиб-суриб ўтиб, дод солиб айтиб йиғловчи аёл олдига бориб, уни урдилар. Аёлнинг устидан ёпинчиғи тушиб кетди. «Ур уни, – дедилар. – У дод солиб йиғловчидир, ҳурматсиздир. У сизларнинг қайғуларингизга шерик бўлиб йиғлаётгани йўқ, балки пулларингизни олиш учун кўз ёшларини тўқяпти.

У қабрлардаги ўликларингизга озор беради. Чунки у сабрдан қайтаради, ҳолбуки, Аллоҳ сабрга буюрган. У сабрсизликка чақиради, ҳолбуки, Аллоҳ ундан қайтарган».

Дод солиб йиғлаш – овоз чиқариб маййитнинг яхши хислатларини санаб йиғлашдир.

Фасл

Дод солиб йиғловчи аёл сабрсизликка тарғиб қилиб, сабрдан қайтаргани сабабли маломат ва азобга гирифтордир. Ҳолбуки, Аллоҳ ва Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сабрга ва савоб умид қилишга буюриб, бетоқатлик ва ғазабланишдан қайтарган.

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ
الصَّابِرِينَ ﴿١٥٣﴾

«Эй имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» (Бақара сураси 153-оят).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтганлар: «Аллоҳ таоло: «Мен сизлар билан биргаман, сизларга ёрдам бераман, ўз ҳолингизга ташлаб қўймайман», демоқда».

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ
وَالْأَنْفُسِ وَالشَّمْرِتِ وَبَشِيرِ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٥﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ
مُّصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٦﴾ أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن
رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾

«Сизларни бир оз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад)! Уларга мусибат етганида: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз», дейдилар. Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир» (Бақара сураси 155–157-оятлар).

«Сизларни синагаймиз» маъноси «сизларга имтиҳон қилувчидек муомалада бўламиз», деганидир. Чунки Аллоҳ таоло барча ишларнинг оқибатини билади, натижани билиш учун имтиҳон қилиб кўришга муҳтож эмас. Энди ким сабр қилса, унга яраша савоб олади, йўкса, савобдан маҳрум бўлади.

«...бир оз хавф-хатар, очлик (азоби) билан...», дегани душман хавфи ҳамда очарчилик ва қурғоқчилик билан, деганидир.

Молга зиён етиши, унинг талофатга учраши, чорваларнинг ҳалок бўлиши молни камайтириш бўлса, ўлиш, қатл этилиш, касалга чалиниш ва кексايиш жонни озайтиришдир. Мева-чеваларни камайтириш эса боғлару экин-тикинларга офат етиши, ҳосилнинг озайиши билан бўлади.

Оят мусибатларга сабр қилган киши улуғ савобга мушарраф бўлиши ҳақидаги хушхабар билан якунланган. Ушбу бахтиёр зотлар мазкур мусибатлардан бирортасига дучор бўлган вақтларида: **«Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз»**, дейишади. Яъни, биз Аллоҳнинг қулларимиз, бизнинг устимизда хоҳлаган-

дек тасарруф қилади ва биз охир-оқибат У Зот ҳузурига, ҳукмига қайтамыз.

Саид ибн Мусаййабдан ривоят қилинди: Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Нақадар яхши икки башорат ва қандай ҳам яхши илова. **«Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир»** – бу икки башорат, **«ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир»** – бу илова» (*Бақара сураси 157-оят*).

Саид ибн Жубайр айтганлар: «Дарҳақиқат, мусибат чоғида бу умматга олдинги пайғамбарларга берилмаган нарсa – **«Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамыз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармыз»** ибораси берилган. Мабодо пайғамбарларга берилганида эди, Яъқуб (алайҳиссалом)га ҳам берилган бўларди. У зот ўғлини йўқотганларида: **«Эсизгина Юсуф!»**, деган эдилар (*Юсуф сураси 84-оят*).

Уламолар айтганлар: «Баланд овозда қуюшқондан чиқиб йиғлаш ҳаромдир. Дод-вой солмасдан, қичқирмасдан йиғлаш ҳаром эмас».

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу)ни кўргани бордилар. Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳум) ҳам у зот билан бирга эдилар. Расули акрам кўзларига ёш олдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг йиғлаганларини кўриб, улар ҳам йиғлашди. Набий (алайҳиссалом): «Эшитмаяпсизларми? Аллоҳ кўз ёши ва қалб маҳзунлиги сабабли азобламайди. Лекин бу туфайли азоблайди ёки раҳм қилади», деб тилларига ишора қилдилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Усома ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қизларининг ўглини олиб келишди. Бола ўлим ҳолатида эди. У зот (алайҳиссалом)нинг кўзларидан ёш қуйилди. Саъд у зотдан: «Ё Расулуллоҳ, бу нимаси?» деб сўради. У зот (алайҳиссалом): «Бу Аллоҳ таоло бандаларининг қалбига жойлаб қўйган раҳматдир. Аллоҳ раҳмдил бандаларига раҳм қилади», дея жавоб бердилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Анас (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фарзанди Иброҳимнинг олдига кирдилар. У зўрға нафас оларди. У зот (алайҳиссалом)нинг кўзларидан ёш қуйилди. Абдурахмон ибн Авф у зотдан: «Ё Расулуллоҳ, сиз ҳам йиғлайсизми?» деб сўради. У зот (алайҳиссалом) «Эй Ибн Авф, бу раҳматдир», дедилар ва йиғлаган кўйи сўзлашда давом этдилар: «Кўз ёш тўкади, қалб ғамгин бўлади, биз фақат Парвардигоримиз рози бўладиган сўзни айтамиз, Эй Иброҳим, биз сендан жудо бўлаётганимиздан маҳзунмиз» (*Имом Бухорий ривояти*).

«Маййит яқинларининг йиғиси сабабли азобланади», деган саҳиҳ ҳадиснинг зоҳири олинмайди, балки таъвил қилинади. Уламолар унинг таъвили борасида турли фикрлар билдиришган. Улар орасида асослироғи – маййитнинг ўзи йиғлашни васият қилган ёки бошқа бирор сабаби бўлсагина азобланади.

Маййитнинг ўлишидан олдин ҳам, кейин ҳам йиғлаш жоиз. Қуйидаги саҳиҳ ҳадисга биноан, олдин йиғлаган яхшироқ. «Агар бирон киши вафот этса, ҳеч ким йиғламасин».

Фасл

Таъзия хусусида

Амр ибн Ҳазм (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси бир мўмин мусибат етган биродарига таъзия билдирса, Аллоҳ қиёмат куни унга улуғлик либосини кийгазади» (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фотима (розияллоҳу анҳо)дан: «Эй Фотима, уйингдан чиқишга сени нима мажбур қилди?» деб сўрадилар. Қизлари: «Ё Расулуллоҳ, мана бу маййитнинг аҳли-яқинларига бориб, унга (Аллоҳнинг) раҳматини тиладим ва уларга таъзия изҳор қилдим», дея жавоб бердилар» (*Имом Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Ривоятларда келишича, мусибатзадага таъзия билдирган кишига унинг мислича ажр берилади; эридан тул қолган хотинга таъзия билдирган кишига жаннат тўни кийдирилади.

Таъзия сабрга ундаш ва мусибатни енгиллатадиган, қайғуни аритадиган сўзлар билан тасалли беришдир. У амри маъруф ва наҳйи мункарни ичига олгани боис мустаҳаб ҳисобланиб, **«Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз»** (*Моида, 2*) ояти каримасини амалда татбиқ қилишнинг бир кўринишидир.

Дафн маросимидан олдин ҳам, кейин ҳам таъзия билдириш мустаҳаб саналади.

Маййит ўлгандан бошлаб, дафн қилинганининг учинчи кунигача таъзия билдириш жоиз. Аммо ундан кейин таъзия билдириш макруҳ. Чунки таъзия муси-

батзаданинг қалбини тинчлантирувчи восита бўлиб, одатда, уч кундан кейин қалб тинчланган бўлади. Унинг қайғусини янгилашнинг эса кераги йўқ.

Абу Аббос айтганлар: «Уч кундан кейин ҳам таъзия билдирилса бўлаверади. Унинг муддати чекланмаган».

Имом Нававий айтганлар: «Бу борадаги мухтор (танланган, мўътабар) гап шуки, уч кундан кейин таъзия билдирилмайди. Мабодо, таъзиячи ёки мусибатзада дафн вақтида бўлмай, уч кун ўтгандан сўнг келса, унда таъзия билдирилади».

Дафн қилинган, таъзия билдириш маъқулроқ. Чунки маййит кўмилгунча, унинг яқинлари ўликни жиҳозлаш ишлари билан овора бўлишади. Шунингдек, дафн қилингандан сўнг уларнинг қайғуси кучаяди. Агар улар бетоқат, сабрсиз бўлишса, уларни тинчлантириш учун дафндан олдин ҳам таъзия билдирса бўлаверади.

Таъзия дуоסי эса машҳурдир.

Усома ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизларидан бири у зотга ўзининг гўдаги ўлим ҳолатида эканини билдириб, одам юборди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабарчига: «Бориб унга айт: «Албатта, олган нарсаси Аллоҳ таолоникидир. Бергани ҳам, Унинг Ўзиникидир. Ва ҳар бир нарса Унинг ҳузурида аниқ вақт – ўлчов биландир. Унга буюргинки, сабр қилиб умид этсин», дедилар» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Имом Нававий айтадилар: «Ушбу ҳадис дин асослари (ақида) ва фуруъларидан (шаръий ҳукмлар) саналиб, ҳар хил мусибат, касаллик ва ғам-ташвишга мубтало бўлганда ўзини тутиш ва сабр қилишдан иборат жуда кўп муҳим масалаларни ичига олган улкан Ислом қоидаларидан биридир. «Олган нарсаси Аллоҳникидир»

жумласининг маъноси шуки, бутун олам Аллоҳ таолонинг мулкидир. Бинобарин, У зот сизларга тегишли нарсани олгани йўқ. Аксинча, сизларга омонат берган Ўзининг нарсасини олди, холос. «Бергани ҳам, Унинг Ўзиникидир», дегани сизларга берган нарсаси Унинг тасарруфидан чиқди, дегани эмас. У барибир Аллоҳники бўлиб тураверади, унга хоҳлаган ишини қилади. «Ва ҳар бир нарса Унинг ҳузурида аниқ вақт – ўлчов биландир». Яъни, талвасага тушманглар, сабрсизлик қилманглар. Зеро, ажали етган ҳар бир инсон ўлади. Белгиланган ажал – вақтни олдинга суриб ҳам, кечиктириб ҳам бўлмайди. Агар буларнинг барчасини билган бўлсангиз, у ҳолда ўзингизга етган мусибатга сабр қилинг ва савобга умид боғланг. Валлоҳу аълам».

Али (розияллоҳу анҳу) Ашъас ибн Қайсга: «Агар сен имон келтирган ва савоб умид қилган ҳолда сабр этсанг, сабр этдинг. Йўқса, сен ҳам ҳайвон юпангандек юпаниб қоласан», дедилар.

Бир донишманд мусибатга учраган кишига мактуб ёзди: «Жудо бўлган нарсанг сендан кетиб бўлди. Энди унинг ўрнига берилган нарса – ажрдан ҳам маҳрум бўлиб қолмагин».

Бир зот айтган: «Оқил киши мусибатнинг биринчи кунда жоҳил беш кундан кейин қиладиган ишларни қилади».

Маълумки, вақт ўтиши билан мусибатга учраган киши кўникиб, овуниб боради. Шунинг учун шариатда мусибатнинг илк зарбасига йўлиққан заҳоти сабр қилишга буюрилган.

Урва ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу) Муҳаммад исмли, хушсурат ўғли билан Валид ибн Абдумаликнинг ҳузурига йўл олди. Валид олачипор кийимда, қўллари билан

кийим боғичларини ўйнаётган болага қараб: «Қурайш йигитлари мана шундай бўлади», деб унга суқланди ва кўзи тегди. Ўғлон унинг олдидан ҳолсиз бўлиб чикди. Чорвалар боғланган жойда йиқилиб, поданинг тагида қолди ва ўлди.

Урванинг бир оёғи қорасон бўлиб, болдиридан кесилди. У анча қариганди. Шу кечаси зорланиб, дуо қилмади. Фақатгина: «Бу сафаримиздан насиб қилгани шу экан», деб қўйди холос ва қуйидаги мисраларни ўқиди:

*Қасамки, шу енгил кафтларим мени
Шубҳали ишларга тортқилаган йўқ.
Гувоҳлик берсинлар оёқларим ҳам,
Зино-ю, фаҳшларга етаклаган йўқ.
Қулоғиму кўзим, фикриму ақлим,
Маъсият ва гуноҳ бирла олишган.
Менга ва ўғлимга етган мусибат
Қанча йигитларнинг бошига тушган.*

Сўнгра у зот муножот қилиб дедилар: «Ё Аллоҳ, мени синаган экансан, аслида саломат қилибсан. Олган экансан, яна қолдирибсан. Бир аъзони олиб кўп аъзолар қолдирдинг. Бир фарзандни олиб, кўп фарзандлар қолдирдинг».

Худди шу кечаси Валиднинг ҳузурига Бани абаслик кўр киши келди. Ундан қандай қилиб кўр бўлгани ҳақида сўради, бошидан ўтганини сўзлаб берди:

«Дунёда мендан кўра абаслик бадавлатроқ бирор киши йўқ эди. Бир кечаси дарада тунадим. Тунда сел келиб, бутун аҳлим, бола-чақам, мол-ҳолимни оқизиб кетди. Фақат бир болам билан, бир туям қолди. Туя қайсарлик қилиб қочиб кетди. Унинг ортидан қувлай

бошладим. Бир оз юргандим, боламнинг чинқиргани қулоғимга чалинди. Қайтиб келиб не кўз билан кўрайки, бир бўри жигарбандимни ғажиб ташлабди. Бўрини ўлдирдим. Кейин туяни ушлаш учун орқасидан яна бордим, қўққисдан юзимга тепди. Кўзим кўр бўлиб қолди. Шундай қилиб бутун аҳли оилам ва мол-мулкимдан айрилдим».

Шунда Валид: «Буни Урванинг ҳузурига олиб боринглар. Токи у ер юзида ўзидан кўра қаттиқроқ мусибатга учраган киши ҳам борлигини билсин», деб буюрди.

Усмон (розияллоҳу анҳу)га ҳамла қилиб, жароҳат етказганларида, соқоллари қонга бўялган ҳолда бундай дедилар: «Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ. Сен барча айбу нуқсонлардан поксан. Мен золимлардан бўлиб қолдим. Ё Аллоҳ, уларга қарши Ўзингдан мадад тилайман, барча ишларимда ёрдамингга муҳтожман ва бу синовларингда Ўзинг мени сабрли қилгин».

Мадоиний айтадилар: «Мен саҳрода (саҳройи араблар масканида) бир аёлни учратдим. Ундай гўзал ва ранги тиниқ аёлни сира кўрмагандим. Ундан: «Шодлик сабабли шу қадар гўзалмисан?» деб сўрадим. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, бундай эмас. Мен ғам ва қайғуга нишонман. Бошимдан ўтганини сенга сўзлаб бераман. Менинг эрим ва икки ўғлим бор эди. Отаси қурбонлик кунда бир қўйни қурбонликка сўйди. Болалар нарироқда ўйнаб юришган эди. Каттаси кичигидан: «Отам қўйни қандай сўйганини кўрсатайми?» деб сўради. Укаси: «Ҳа», деди. У билмай укасини сўйди ва қонни кўриб кўрқиб тоққа қочиб кетди. У ерда бўрига ем бўлди. Отаси уни қидириб кетди ва адашиб, ташналикдан вафот этди. Шундай қилиб, мен эрим ва икки фарзандимдан айрилдим», дея жавоб берди. Ундан: «Қандай қилиб сабр қиляпсан?» деб

сўрадим. У: «Агар мушибат тўхтамасдан давом этса ҳам, мен сабр қилавераман. Жароҳатим битиб кетган», деди.

Фасл

Абу Ҳассон Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилади: «Менинг иккита ўғлим вафот этди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: «Ўликларимиз хусусида қалбимизга ором бахш этадиган бирор ҳадис айтасизми?» деб сўрадим. У зот (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. – Гўдақлар жаннатнинг ажралмас аҳлларидир. Улардан бири отасини (ёки ота-онасини) қарши олиб, худди мана шу кийимингни четидан ушлаганимдек, унинг кийимидан (ёки қўлидан) тутади. Ҳатто Аллоҳ уни ва отасини жаннатга дохил қилмагунича тўхтамайди» (Имом Муслим ривояти).

Муовия ибн Қурра ибн Иёс отасидан ривоят қилади: «Бир киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига ўғлини олиб келарди. У зот (алайҳиссалом): «Уни яхши кўрасанми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа, ё Расулуллоҳ, уни яхши кўрганимдек, Аллоҳ сизни яхши кўрсин», деди. Бир қанча вақт ўтгач, ўғлон кўринмай қолди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Фалончи ўғли фалончига нима қилди?» деб сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, у вафот этди», дея жавоб беришди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отага: «Ўғлингни жаннатнинг қайси эшигига борсанг, ўша ерда сени кутиб турган ҳолида учратишни ёқтирмайсанми?» дедилар. Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, (бу башорат) унинг ўзигагина тааллуқлими ёки барчамизгами?» деб сўради. У зот (алайҳиссалом): «Барчангизга тегишли», дея жавоб бердилар (Имом Аҳмад ва Насоий ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси жуфт (яъни, эр-хотин) мусулмоннинг учта фарзанди ўлса, Аллоҳ икковини айрича меҳрибонлик билан жаннатга киргизади». «Ё Расулуллоҳ, иккита бўлса-чи?» деб сўрашди, «Иккита бўлса ҳам» дедилар. «Битта бўлса-чи?» дея сўрашди, «Битта бўлса ҳам», дедилар ва қўшиб: «Жоним измида бўлган Зотга қасамки, ҳатто чала туғилган бола ҳам онасини, модомики савоб умидида сабр қилар экан, киндик ичаги билан жаннатга тортади» (*Имом Аҳмад ва Табароний ривояти*).

Вакиъ (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Иброҳим Ҳарбийнинг ўн бир яшар ўғли бор эди. У Қуръонни тўлиқ ёд олган, фикҳ ва ҳадисдан кўп нарсга ўрганганди. Бир куни унинг вафот этганини эшитиб таъзия билдиргани келдим. Иброҳим Ҳарбий менга: «Ўзи шу ўғлимнинг вафот этишини истардим», деди. «Эй Абу Исҳоқ, ўзингиз дунё олимисиз-ку, яна гапираётган сўзингизни қаранг. Ахир ўғлингиз Қуръонни ёд олган, фикҳ ва ҳадисни ўрганган ажойиб ўғлон эди-ку!» дедим. «Тўғри, – деди у. – Бироқ мен бир куни туш кўрдим. Тушимда гўёки қиёмат қоим бўлибди. Бир тўда ёш болалар одамларни қарши олиб, қўлларидаги сув тўла кўзаларни уларга тутишарди. Кун ҳаддан ташқари иссиқ эди. Мен болалардан бирига: «Сувингдан бер», деб сўраган эдим, менга қараб: «Сиз отам эмассиз-ку», деди. Ундан: «Сизлар кимсиз?» деб сўрадим. У: «Бизлар Исломда вафот этган гўдаклармиз. Ота-оналаримиз ортимиздан келишади. Биз уларни кутиб олиб, сув берамиз», дея жавоб беришди. Шунинг учун ҳам ўғлимнинг вафот этишини орзу қилардим».

Ҳикоя

Молик ибн Динордан тавба қилишига нима сабаб бўлганини сўрашди. У бундай жавоб берди: «Илгари мен ўйин-кулги ва ичкиликка қаттиқ берилган эдим. Кўнгил хуши учун бир жория сотиб олдим. Маълум муддат ўтиб, қизчалик бўлдик. Мен қизимни жуда яхши кўрардим. Ўсиб-улғайиб эмаклайдиган, кейин юрадиган бўлди. Қачон мен ароқ ичмоқчи бўлсам, у кўлимдан тортиб ароқни тўкиб юборар эди. У икки ёшга етгач, вафот этди. Мен қайғуда қолдим... Шаъбон ойи эди. Бир куни ярим тунда ичиб маст бўлиб ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Гўёки қиёмат қоим бўлибди. Қабримдан чиқиб келибман. Бундай қарасам, ёнимда катта аждар мени емоқчи бўлиб турибди. Ундан кўрқиб қочдим, у эса орқамдан қувлай бошлади. Ҳар қанча тез чопсам ҳам, ундан бутунлай қочиб кетолмасдим. Қоча туриб йўлда оппоқ либосли мункиллаган чолни учратдим. Унга: «Эй отахон, мени анави аждардан қутқаринг. У мени емоқчи, ҳалок қилмоқчи», деб ялиндим. У: «Эй ўғлим, мен қариб, кучдан қолганман, у мендан қувватли, унга кучим етмайди. Сен қочиб, йўлингда давом этавер-чи, шояд Аллоҳ сени ундан халос этса», деди. Мен тезроқ чопа бошладим. Аждар ҳам изимдан қолмай келар эди. Югура-югура дўзах табақаларига келиб қолдим. Дўзах қизиб, қайнаб ётарди. Унга тушиб кетишимга бир оз қолди. Шунда кимдир: «Сен менинг аҳлимдан эмассан», деди. У ердан бурилиб, яна қоча бошладим. Аждар ҳамон қувлаб келар эди. Қоча-қоча кўзни қамаштирадиган нурли тоққа яқинлашдим. Тоғда қасрлар бўлиб, уларнинг эшик ва пардалари кўзга

ташланиб турарди. Шу пайт кимдир: «Душмани етиб, ҳалок этмасдан туриб манави бечорани қутқаринглар!» деди. Эшиклар очилиб, пардалар кўтарилди, у ердан юзлари ойдай болалар чиқиб келишди. Қизим ҳам улар билан бирга эди. Мени кўриб, олдимга тушди. Ўнг қўли билан аждарни урган эди, қочиб кетди. Кейин тиззамга ўтирди-да: «Эй отажон,

أَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ

«Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳақ (Қуръон)га мойил бўлиш (вақти) келмадими?!» (Ҳадид сураси 16-оят) деди. «Эй қизим, сизлар ҳам Қуръонни биласизларми?» деб сўрасам, «Ҳа, сизлардан кўра яхшироқ биламиз», деб жавоб берди. «Бу ерда нима қиласизлар?» «Биз мусулмонларнинг вафот этган ёш болаларимиз. Қиёмат кунигача шу ерда сизларни кутиб яшаймиз». «Эй қизим, мени қувлаб, ҳалок этмоқчи бўлган аждар нима эди?» «Эй отажон, у сизнинг ёмон амалларингиз. Уни кучайтириб – кўпайтириб юбордингиз. Шунинг учун сизни ҳалок қилмоқчи бўлди». «Ҳалиги мункиллаган чол ким эди?» «У сизнинг яхши амалингиз. Уни заифлаштириб – камайитириб қўйдингиз. Шу боис унинг ёмон амалингизга кучи етмади. Аллоҳга тавба қилинг. Ҳалокатга дучор бўладиганлардан бўлманг», деб юқорига кўтарилиб кетди. Мен чўчиб уйғондим ва дарҳол Аллоҳга тавба қилдим».

Эй биродар, хоҳ ўғилдир, хоҳ қиздир ёшлигида вафот этган фарзанднинг баракасини кўриб қўйинг. Агар ота-она савоб умидида сабр қилар ва «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг

ҳузурига қайтувчилармиз», дейишар экан, улар учун Аллоҳ ваъда қилган яна бошқа кўплаб манфаатлар ҳосил бўлади.

Фасл

Собит Жумаҳийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Агар бирор-тангизга мусибат етса, мендан (жудо бўлгандаги) мусибатини эсласин. Зеро, бу энг катта мусибатдир».

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмонга етган ҳар бир мусибат, ҳатто (баданига) санчилган тикан сабабли ҳам, Аллоҳ унинг гуноҳларини ўчиради» (*Имом Муслим ривояти*).

«Бирор кишига сабрдан кўра яхшироқ ва улканроқ неъмат берилмаган» (*Муттафақун алайҳ*).

Умму Салама (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Бирор бандага мусибат етса у: **Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз**», Ё Аллоҳ, мусибатим сабабли менга ажр бергин ва унинг ўрнига яхшироғини бергин», деса, Аллоҳ шу туфайли ажр ато қилади ва унинг ўрнига афзалроғини беради», деганларини эшитган эдим. Эрим Абу Салама вафот этгач, «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг соҳиблари ичида Абу Саламадан кўра яхшироқ ким ҳам бор», дедим. Кейинроқ Аллоҳ дилимга солиб, журъат пайдо бўлди ва шу дуони ўқидим. Бир оз ўтиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени ўз никоҳларига олдилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Анас (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабр тепасида йиғлаб ўтирган аёл ёнидан ўтаётиб: «Аллоҳдан қўрққин, сабр қилгин», дедилар. Аёл у зотни танимай: «Йўлингдан қолма, сенинг бошингга тушмаган-да», деди. Аёлга, бу киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўладилар, дейишди. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг эшигига келди. У ерда эшик оғаларни кўрмади. «Узр, сизни танимабман», деди: Набий (алайҳиссалом): «Илк зарба чоғидаги сабр сабрдир», дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Яъни, мусибатнинг дастлабки лаҳзаларидаги сабр гўзал сабрдир. Кейинроқ эса ҳамма ўз-ўзидан юпаниб қолади.

Анас (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Абу Талҳанинг Умма Сулаймдан кўрган ўғли вафот этди. Умму Сулайм яқинларига: «Ўзим айтмагунимча, Абу Талҳага ўғли ҳақида ҳеч нарса деманглар», деди. Абу Талҳа келгач, кечки овқатни келтирди. У овқатланди. Сўнг Умму Сулайм унга одатдагидан яхшироқ муносабатда бўлди. Улар бирга бўлишди. Абу Талҳани тўйдириб, шахватини қондиргач, аёли сўради: «Эй Абу Талҳа, нима деб ўйлайсиз, агар бир киши бошқа бировга омонатга бирон нарса берса, сўнг уни талаб қилса, омонатни эгасига қайтариб бермасликка ҳақи борми?» «Йўқ». «Ундай бўлса, ўғлингиз учун сабр этиб, савоб умид қилинг». Абу Талҳа: «Булғанганимдан кейин бу хабарни айтяпсанми?» деди ғазабланиб. Сўнг бориб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бўлган воқеани сўзлади. У зот (алайҳиссалом): «Аллоҳ сизларга шу кечангизни баракотли этсин», дея дуо қилдилар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Агар бир банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло

фаришталаридан: «Бандам фарзандини олдиларингми?» деб сўрайди. Улар «Ҳа», дейишади. «Қалб мевасини олдиларингми?» деб сўрайди. Улар: «Ҳа», дейишади. «Бандам нима деди?» деб сўрайди. Улар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандамга жаннатда бир бино қурунглари ва уни «ҳамд уйи» деб номланглари», дейди» (*Имом Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: «Дунёда яхши кўрган одамнинг жонини олганимда, ундан савоб умид қилган мўмин бандам учун ҳузуримда жаннатдан бўлак мукофот йўқ» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ривоят қилинади: «Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиш Одам фарзанди учун саодатдир. Аллоҳнинг ҳукмидан норози бўлиш Одам фарзанди учун бахтсизликдир» (*Имом Термизий ривояти*).

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Ўлим фариштаси (алайҳиссалом) мўминнинг жонини олгач, эшик олдида туради. Уйдагилар эса шовқин солади: айримлари юзини юлади, баъзилари сочини тўзғитади, яна бири ўзига ўлим тилайди. Шунда ўлим фариштаси айтади: «Нега бунча шовқин, недан бунча сабрсизлик?! Аллоҳга қасамки, биронтангизнинг умрини қисқартирганим йўқ, биронтангизнинг ризқини олиб қўйганим ҳам, биронтангизга қилча зулм қилганим ҳам йўқ. Агар мендан шикоят қилиб, норози бўлсангиз, Аллоҳга қасамки, мен фақат маъмурман (яъни, менга шу иш буюрилган). Борди-ю маййитингиздан норози бўлсангиз, у мажбур – ихтиёрсиздир. Мабодо Парвардигорингиздан норози бўлсангиз, унда сизлар кофирдирсизлар. Мен сиз-

ларга қайта-қайта келавераман, ҳатто биронтангиз тирик қолмайсиз».

Шурайҳ (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Менга бир мусибат етса, Аллоҳга тўрт марта ҳамд айтаман: бундан-да каттароқ мусибат бермагани учун, унга яраша сабр бергани учун, савоб умидида истиржоъ айтишга муваффақ қилгани учун ва ниҳоят, мусибатни динимга тааллуқли қилмагани учун».

Хуллас, мусибат етган одам ўзига ўлим, вайл тилаб дуо қилса, ёки юзига урса, ё ёқасини йиртса, ёки сочини юлса, ёхуд тўзғитиб, кесиб юборса, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлади.

Мусибат етганида сонга уриш ҳам ажрни кетказиши, шунингдек, мусибатга учраган одам кийимини йиртса, ё юзига шапатиласа, ёки ёқасини йиртса, ёхуд сочини юлса, гўё найза олиб Рабби билан жанг қилмоқчи бўлгандай кўриниши ҳам ривоят қилинган.

Ҳикоя

Солиҳ Муррий бундай ҳикоя қилади: «Жума кечаларидан бирида қабристонда тунаб қолдим. Туш кўрдим: қабрлар ёрилиб, ўликлар чиқиб келди ва ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришди. Сўнг уларга тепадан оғзи ёпиқ товоқлар тушди. Улар орасида бир йигит бўлиб, унга турли қийноқлар билан азоб бериларди. Унга яқинлашиб: «Эй йигит, бу қавм орасида нега фақат сен азобланыпсан?» деб сўрадим. «Эй Солиҳ, Аллоҳ ҳақи сенга тайинлайдиган ишларимни бажар, омонатни адо эт, аҳволимга раҳминг келсин. Шояд Аллоҳ азза ва жалла сен туфайли мени бу азоблардан халос этса. Мен вафот этганимдан буён онам йиғловчи, гўянда – айтиб йиғловчи аёлларни

тўплаб, улар жўрлигида кунига дод-вой солмоқда. Шу сабабли мен азобдаман. Онамнинг ёмон, бемаъни гап-сўзи, азаси боис олд тарафиму ортим, ўнгу сўлимда олов. Аллоҳ уларга менинг номимдан яхши мукофотлар бермасин», деб йиғлади у. Унинг йиғисини кўриб мен ҳам кўз ёшларимни тийиб туролмадим. «Эй Солих, Аллоҳ ҳақи, онамнинг олдига боргин. Улар фалон жойда турадилар», деб манзилни тушунтирди ва давом этиб деди: «Уларга менинг номимдан айтгинки, эй она, нега фарзандингизга азоб берасиз. Мени нақадар ёмон тарбияладингиз, қанчалар хунук сақладингиз, ўлганимдан сўнг эса азобга ташладингиз. Эй она, аҳволимни кўрсангиз эди: бўйнимда кишан, оёғимда тахтакач, азоб фаришталари бақириб, уриб азоб беришмоқда. Аҳволимни кўрсангиз эди, менга раҳмингиз келарди. Агар ҳозирги азадорлигу, дод-войларингизни бас қилмас экансиз, у ҳолда осмонлар ёриладиган, барча халойиқ ҳисобкитобга рўбарў бўладиган куни иккимиз орамизда Аллоҳ ҳакам бўлур!»

Чўчиб уйғондим ва кўрган тушимдан таъсирланиб саҳаргача ухлолмадим. Тонг отгач, шаҳарга кирдим. Менинг бирдан-бир мақсадим йигитнинг уйини топиш эди. Сўраб-суриштириб, манзилни топиб бордим. Дарвоза қорага бўялган, ҳовлидан гўяндалару азадорлар йиғиси эшитиларди. Эшикни қоққан эдим, бир кампир чиқиб: «Сизга ким керак?» деб сўради. «Ўлган йигитнинг онаси керак эди», дедим. «Унда нима юмушингиз бор, у ўз қайғуси билан машғул?» деди у. «Уни менга чақиринг, унга ўғлидан хабар келтирдим», дедим. Кампир ҳовлига кириб кетди. Бир оздан кейин қоп-қора либос кийган, йиғлайвергани ва шапатайвергани сабабли юзи ҳам қорайган аёл чиқди. «Сиз кимсиз?»,

деб сўради у. «Мен Солиҳ Миррийман. Кеча кечкурун қабристонда шундай-шундай воқеалар рўй берди. Ўғлингизни кўрдим. У азобда қолган», деб тушимда кўрганларимни сўзлаб бердим. Аёл гапимни эшитгач, ерга йиқилиб ҳушидан кетди. Ўзига келгач: «Эй ўғлим, мени кечир. Агар бу аҳволда эканингни билганимда эди, бу ишларни қилмас эдим. Мен қилган амалларимдан Аллоҳ таолога тавба қилдим», дея қаттиқ йиғлади. Сўнг ичкарига кириб гўяндаларни тарқатиб юборди ва бошқа либос кийди. Бир ҳамён дирҳам узатиб: «Эй Солиҳ, буни ўғлим номидан эҳсон қил», деди. Дуо айтиб пулларни олдим ва ўғли номидан садақа қилдим. Кейинги жума кечасида, одатдагидек қабристонга бориб тунадим. Тушимда маййитларни кўрдим. Улар қабрларидан чиқиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришди. Уларга товоқлар тушди. Ҳалиги йигит шод-хуррам, хушчақчақ эди. Унга ҳам товоқ келди. Мени кўриб ҳузуримга келди ва: «Эй Солиҳ, Аллоҳ сени мукофотласин. Онам қилаётган номаъқул ишларини тарк этгани учун Аллоҳ азобни енгиллатди. Менинг номимдан қилган садақанг ҳам етиб келди», деди. «Булар қанақа товоқлар?» деб сўрадим: У: «Булар тирикларнинг ўликларга қилган хайр-эҳсони, Қуръон хатми ва дуолардан иборат ҳадяларидир. Ҳар жума кечаси уларга олиб келиб, бу сенга фалончининг ҳадяси, дейишади. Энди онамнинг олдига қайтиб борганингда, унга саломимни ва ушбу гапларимни етказ. Онажон, Аллоҳ сизни мукофотласин, менинг номимдан қилган садақангиз етиб келди. Сиз менга яқинсиз, тай-ёргарлигингизни кўринг», деди. Кейин уйғониб кетдим. Бир неча кун ўтгач, аёлнинг уйига бордим. Эшик олдига тобут турган эди. Ким қазо қилди, деб сўраган эдим, йигитнинг онаси, дейишди. Унга жаноза ўқиб, ўғлининг

ёнига дафн қилдик. Унинг ҳақиға дуо қилиб, ўз йўлимга равона бўлдим».

Аллоҳ таоло бизни мусулмон ҳолимизда вафот этиришини, солиҳлар сафига қўшишини ва дўзахдан сақлашини сўраймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли, раҳмли ва меҳрибон Зотдир.

Йигирма иккинчи гуноҳи кабира

БЕРГАН НАРСАНИ МИННАТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يُبْطِلُوا صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي
يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

«Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!..» (Бақара сураси 264-оят).

Ушбу оятни Калбий: «Қилган садақасини Аллоҳга миннат қилиш ва олган одамга озор бериш билан», деб тафсир қилганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Қиёмат кунида Аллоҳ уч тоифа одамга гапирмайди, қарамайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди ва уларга аламли азоб бордир: кийимини узун қилиб ерга судраб юрувчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи» (Имом Муслим ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: «Қиёмат куни Аллоҳ уч тоифа одамга – ота-онасига оқ бўлган, маст қилувчи нарсаларга муккасидан кетган ва берган нарсасини миннат

қилганга қарамайди. Шунингдек, уч тоифа кимса жаннатга кирмайди: ота-онасига оқ бўлган, даюс ва эркакшода аёл», дейилган (*Имом Насоий ва Баззор ривояти*).

Эркакшода аёлдан мурод эркакларга тақлид қиладиган аёлдир.

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Маккор-алдамчи, миннатчи ва бахил жаннатга кирмайди» (*Имом Термизий ривояти*).

«Яхшиликни миннат қилишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у шукрни йўқ қилади, ажрни кетказди», деган ривоят ҳам бор.

Ибн Сийрин бир кишининг бошқа бировга, сенга яхшилик қилдим, ундай қилдим, бундай қилдим, деяётганини эшитиб, унга: «Жим бўл. Агар саналадиган бўлса, яхшиликларда наф йўқ», дедилар.

Айрим уламолар айтганлар: «Ким қилган яхшиликни миннат қилса, ношукр бўлади, ким ўз амалидан ғурурланса, ажри кетади».

Имом Шофиъий ушбу маънодаги мисраларни айтганлар: «Одамларга оғирлигинг тушмасин, токи сенга миннат қилишмасин. Ўзингнинг улушингни ихтиёр қилиб, сабр эт, зеро сабр жаннатдир. Бировларнинг миннати тишлагандан кўра қалбга қаттиқроқ таъсир қилади».

Йигирма учинчи гуноҳи кабира

ЭХТИЁЖДАН ОРТИҚЧА СУВНИ ҚИЗҒАНИШ

Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَصْبَحَ مَاؤُكُمْ غَوْرًا فَمَنْ يَأْتِيكُمْ بِمَاءٍ مَعِينٍ ﴿٣٠﴾

«Айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар сувингиз (ер қаърига) сингиб кетса, бас, ким сизларга оқин сувни келтира олур?!» (Ўзидан бошқа ҳеч ким)» (Мулк сураси 30-оят).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Яйловни хароб қилиш мақсадида ортиқча сувни тўсманглар» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда-ким ортиқча сувини ёки ортиқча ўт-ўланини ман қилса (яъни, бошқаларга бермаса), қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла ундан Ўз фазлини ман қилади» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Яна у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: «Қиёмат куни Аллоҳ уч тоифа одам билан гаплашмайди, уларга қарамайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди ва уларга аламли азоб бўлади. Улар: саҳрода ортиқча суви бўлатуриб, йўловчига бермаган, асрдан кейин бирортаси билан моли устида савдолашган киши».

Йигирма бешинчи гуноҳи кабира

РАМАЗОНДА УЗРСИЗ РЎЗА ТУТМАСЛИК

Аллоҳ таоло буюради:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى
الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ
فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам

рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда. Бас, сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир...» (Бақара сураси 183–184-оятлар).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ислом беш асос устига бино қилинган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ҳамда Муҳаммад Унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бериш, намозни қойим қилиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва рамазонда рўза тутиш» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Ким рухсатсиз ва касал бўлмай туриб, рамазонда бирор кун рўза тутмаса, гарчи бир умр рўза тутса ҳам, ўша куннинг қазосини ўтай олмайди» (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ухлаб ётган эдим. Ёнимга икки киши келиб билакларимдан тутиб, мени чиқиш қийин бўлган тоғ олдига олиб бориб, унга чиқинг, дейишди. «Тоқатим етмайди», дедим. «Сизга чиқишни осон қилиб қўямиз», дейишди. Мен кўтарилиб, тоғнинг текис жойига (устига) етганимда кучли шовқин эшитилди. «Бу қандай шовқин?» деб сўрадим. Улар: «Бу дўзахийларнинг фарёди», дейишди. Сўнг мени у ердан олиб кетишди. Бир жойда оёқларидан осиб қўйилган, лунжлари йиртилиб, қон оқиб турган қавмга дуч келдим. «Улар ким?» деб сўрадим. «Улар рўзалари ниҳоясига етмай туриб ифтор қиладиган кимсалардир», дейилди (Имом Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Наҳаъий рамазоннинг рўза тутилмаган ҳар бир кунни учун уч минг кун рўза тутиб беришни вожиб деб билганлар.

Саид ибн Мусаййаб: «Ҳар бир кун ўрнига ўттиз кун рўза тутиб бериш вожиб» деган, Имом Моликнинг усто-зи Робийъа (розияллоҳу анҳу): «Ҳар бир кун эвазига ўн икки кун рўза тутати», деганлар.

Йигирма еттинчи гуноҳи кабира

АЛЛОҲДАН БОШҚАГА АТАБ ЖОНЛИҚ СЎЙИШ

Аллоҳ таоло Анъом сурасида бундай буюради:

وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يَذْكُرْ أَسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ

«Аллоҳнинг номи айтилмаган нарсалардан ема-нгиз!...»

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) ушбу ояти кари-манинг тафсирида бундай деганлар: «Бундан мурод ўлимтик, бўғилиб ўлган ва бут-санамларга атаб сўйилган жониворлардир».

Калбий айтганлар: «Улар Аллоҳ таоло номи зикр қилинмаган ёки У Зотдан бошқага атаб сўйилган жони-ворлардир».

Ато айтганлар: «Қурайш қабиласи ва бошқа араблар бутларга атаб сўйган жонлиқлар».

وَإِنَّهُ لَفِسْقٌ وَإِنَّ الشَّيْطَانَ لِيُؤْخُونَ إِلَىٰ أَوْلِيَآئِهِمْ لِيُجَدِّدُوا لَهُمْ

«...Зеро, у фосиқликдир. Шайтонлар эса, ўз дўст-лари (мушриклар)ни сизлар билан баҳслашишлари учун васваса қилурлар...»

Яъни, мушриклар мўминлар билан ўлимтиклар хусу-сида тортишадилар.

وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ

«...Агар уларга итоат қилсангиз, албатта, сизлар (ҳам) мушрикларсиз» (121-оят).

Яъни, сизлар ҳам ўлимтикни ҳалол деб билсангиз, унда сизлар мушриклардан бўласизлар.

Зажжож (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Ушбу оят Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан бирортасини ҳалол деб билган ёки У Зот ҳалол қилган нарсалардан бирортасини ҳаром деб санаган кимса мушрик бўлишига далилдир».

Мусулмон одам унутиб «басмала» («Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим»)ни айтмай сўйган жонлиғи ҳалол ҳисобланади. Чунки муфассирлар мазкур оятдаги: **«Аллоҳнинг номи айтилмаган нарсалар»**ни ўлим-тиклар, деб тафсир қилишган. Бирорта муфассир уни мусулмон одам «басмала»сиз сўйган жонивор демаган. Шунингдек, мусулмоннинг «басмала»сиз сўйган жонлиғидан еган киши итоатсиз бўлмайди. Қолаверса, муфассирлар мусулмонлар мушриклар билан «басмала»сиз сўйилган жонлиқ хусусида эмас, балки ўлимтик борасида тортишганларига иттифоқ қилишган.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: «Бир қавм аҳли: «Ё Расулуллоҳ, бизга бир қабила аъзолари гўшт олиб келди. Унга Аллоҳнинг исмини зикр қилишганми, йўқми, билмаймиз» дейишди. У зот (солаллоҳу алайҳи ва саллам): «Унга ўзинглар «басмала»ни айтиб, еяверинглар», дедилар» (*Имом Бухорий ва Насоий ривояти*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтганлар: «Ким жонлиқ сўйса-ю, «басмала» айтишни унутса, унга Аллоҳнинг исмини зикр қилиб еяверсин. Модомики уни фитрат (суннат)га биноан сўйган экан, шайтонга бериб қўймасин» (*Имом Байҳақий ривояти*).

Асарда келишича, «Аллоҳнинг исми ҳар бир мусулмоннинг оғзидадир» («Найлул автор»).

Йигирма саккизинчи гуноҳи кабира

СУДХЎРЛИК

Аллоҳ таоло айтади:

يَتَّيْهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً
وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٣﴾

«Эй имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангиз» (Оли Имрон сураси 130-оят).

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ
الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا ۚ

«Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: «Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи» деган гаплари (ақидалари)дир...» (Бақара сураси 275-оят).

Яъни, улар Аллоҳ ҳаром қилган иш – судхўрликни ҳалол санашди. Шу сабабли қиёмат қоим бўлиб, Аллоҳ бандаларни қайта тирилтирганида судхўрлардан ташқари барча одамлар қабрларидан тезда туриб кетадилар.

Судхўрлар худди тутқаноғи бор кишидек ўринларидан туриши билан йиқилашади. Қиёмат куни Аллоҳ уларнинг дунёда судхўрлик орқали еган ҳаром

нарсаларини қоринларида кўпайтириб қўяди, бу уларга оғирлик қилади. Улар турмоқчи бўладилар-у, бироқ йиқилиб тушаверадилар.

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кечқурун (тушимда) икки кишини кўрдим. Улар келиб мени муқаддас ерга олиб чиқишди. Юриб-юриб қонли дарёга дуч келдик. Дарёда бир киши бор эди. Соҳилда бошқа одам харсанг тош ушлаб турарди. Дарёдаги киши келиб чиқмоқчи бўлганди, нариги одам тош билан оғзига уриб келган жойига қайтарарди. У қачон келиб чиқмоқчи бўлса, тош билан оғзига урар ва у яна олдинги ўрнига қайтиб кетарди. «Дарёдаги киши ким?» деб сўрадим. «Судхўр», дея жавоб беришди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Судхўр ўлган вақтидан қиёмат кунигача қонли дарёда сузиб, тош билан «сийланади». Бу азоб барзах-қабрда бўлади. Бундан ташқари, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) судхўр (фоиз еювчини), олдирувчи, котиб ва гувоҳ бўлувчининг барчаси (гуноҳда) баробар», деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси қавм орасида зино ва судхўрлик авж олса, улар ўзларига Аллоҳнинг азобини ҳалол қилган бўлишади» (*Имом Абу Яъло ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кишининг билатуриб судхўрликдан еган бир дирҳами ўттиз олти марта зино қилганидан оғирроқдир» (*Имом Аҳмад ва Табароний ривояти*).

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

айтдилар: «Судхўрликнинг етмиш иккита тури бўлиб, уларнинг энг кичиги кишининг онасига яқинлик қилиши билан баробардир. Судхўрликнинг энг ярамаси эса, инсоннинг биродари номусига тажовуз қилишидир» (*Имом Табароний ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Судхўрликда етмиш иккита гуноҳ бўлиб, уларнинг энг кичиги мусулмоннинг онасига яқинлик қилиши билан баробардир. Судхўрликдан топилган бир дирҳам ўттиздан ортиқ зино қилишдан оғирроқдир».

Яна айтганлар: «Қиёмат куни Аллоҳ яхши-ю ёмонга туриш учун изн беради. Судхўрлар эса бундан мустасно. Чунки улар: «жин чалган – мажнун каби турадилар» (*Имом Ибн Абу Дунё ва Бағавий ривояти*).

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Фоиз олувчи (судхўр) ҳам, берувчи ҳам дўзахдадир».

Қатода (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Судхўрлар қиёмат кунида жинни ҳолида тирилади. Маҳшаргоҳдагилар уларни шу аломатдан таниб олишади».

Хабарларда айтилишича, судхўрлар ўз қилмишларида ишлатган ҳийлалари сабабли «шанба соҳиблари» каби ит ва тўнғиз суратида қайта тириладилар. «Шанба соҳиблари» ҳаддан ошган яҳудий кимсалар бўлиб, аввалига Аллоҳ уларни шанба куни балиқ овлашдан қайтарган эди. Улар ҳовузлар қазиб, унга шанба куни балиқларни қамаб олар ва кейинги куни овлардилар. Шундай ҳийла ишлатиб ҳадларидан ошгани сабабли Аллоҳ уларни маймун ва тўнғизларга айлантириб қўйган эди.

Судхўрлар ҳам ўзларича турли ҳийлаларни ишлатишади. Аллоҳ таолога уларнинг найранглари махфий эмас.

Айюб Сахтиёний айтадилар: «Улар худди ёш болани алдамоқчи бўлгандек, Аллоҳни алдамоқчи бўлишади. Агар ишга онгли равишда ёндошганларида эди, ўзларига осон бўларди».

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Сендан қарздор киши бирон нарса ҳадя қилса, олма. Чунки бу иш судхўрликдир».

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) яна айтадилар: «Ким бир киши учун воситачалик қилса-ю унга (нариги киши) ҳадя берса, у (ҳадя) ҳаромдир. Ушбу ҳадис га-пимни тасдиқлайди: «Ким бир киши учун воситачилик қилса, эвазига унга ҳадя беришса, қабул этса, батаҳқиқ, судхўрлик эшикларининг каттасига яқинлашган бўлади» (Имом Абу Довуд ривояти).

Дин, дунё ва охират ишларида Аллоҳ таолодан афв ва офият тилаймиз.

Йигирма тўққизинчи гуноҳи кабира

ҲАРОМ ЕЙИШ ВА ҲАРОМДАН ТОПИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ

«Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз!..» (Бақара сураси 188-оят).

Яъни, бир-бирингизнинг молингизни – ҳақингизни емангиз.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Яъни, ноҳақ, ёлғон қасам билан киши биродарининг молини ўзиники қилиб олишдан қайтарди».

Бировнинг ҳақини ейиш икки хил бўлади: биринчиси, зулм орқали – тортиб олиш, хиёнат ва ўғрилиқ қилиш каби, иккинчиси, ҳазил ва ўйин орқали – қимор ва бошқа бекорчи эрмаклар сингари.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Айрим кишилар Аллоҳнинг молига ноҳақ шўнғийдилар. Қиёмат кунда уларга дўзах бўлур» (*Имом Бухорий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна айтганлар: «Бир киши узоқ сафар қилади, сочи тўзғиб, уст-боши чанг бўлади. Қўлларини осмонга чўзиб: «Эй Раббим, эй Раббим», дейди. Ҳолбуки, егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ҳаромдан озиқланган. Бас, унинг дуоси қандай ижобат бўлсин» (*Имом Муслим ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Албатта, Аллоҳ ўртангизда ризқларингизни тақсимлаганидек, хулқларингизни ҳам тақсимлагандир. Албатта, Аллоҳ мол-дунёни яхши кўрган ва кўрмаган бандаларига бераверади, динни эса фақат суйган бандасига беради. Аллоҳ кимга динни ато этган бўлса, ҳақиқатда уни яхши кўрибди. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, дили ва тили мусулмон бўлмагунча ҳеч бир банда мусулмон бўлмайди, қўшниси «бавоиқ»идан омонда бўлмагунча имонли бўлмайди». «Бавоиқ» нима?» дея сўрашди. «Алдов ва зулм», деб: «Қайси бир банда ҳаромдан мол топиб, садақа қилса, қабул қилинмайди, инфоқ-эхсон қилса, баракаси бўлмайди, ўзидан кейин қолдирса, дўзах учун ҳозирлаган озуқаси бўлади. Аниқки, Аллоҳ ёмонликни ёмонлик билан ўчирмайди, аксинча, ёмонликни яхшилик ила ўчиради. Шубҳасиз,

нопок нопокни ўчирмайди, деб қўшиб қўйдилар» (*Имом Аҳмад ва бошқалар ривояти*).

Каъб ибн Ужра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Эй Каъб ибн Ужра, ноҳақ – ҳаромдан ўсган гўшт (жасад) жаннатга кирмайди» (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)нинг хирож тўлайдиган ғуломи – қули бор эди. У зот унинг хирожидан истеъмол қилар эдилар. Бир куни у олиб келган таомни тановул қила бошладилар. Ғулом Абу Бакрдан сўради: «Бу нима-лигини биласизми?» «Йўқ, у нима?» «Жоҳилиятда бир кишига фол очган эдим. Фолбинлик яхши бўлмаган, мен уни алдаган эдим. Ҳалиги киши менга йўлиқиб, ўша ишим учун шу сиз еган нарсани берди», деган эди. У зот қўлларини оғизларига тиқиб, қоринларидаги бор нарсани қайт қилдилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ҳаромдан озиқланган ҳеч бир жасад жаннатга кирмайди» (*Имом Абу Яъло, Баззор ва бошқалар ривояти*).

Ривоят қилинишича, дунё ҳаловатли, ям-яшил маскандир. Ким унда ҳалолдан мол топиб ўрнига сарфласа, Аллоҳ уни шу иши учун мукофотлайди ва жаннатига киритади. Ким дунёда ҳаромдан бойлик орттириб, ўринсиз ишлатса, Аллоҳ уни дўзахга туширади. Қиёмат куни Аллоҳ ва Расулининг молига тажовуз қилганлар дўзахга маҳкум бўлади.

Яна бир ривоятда келади: «Кимда-ким қаердан мол топаётганига эътибор бермаса, Аллоҳ ҳам уни дў-

захнинг қайси эшигидан киришига эътибор бермайди». Шунингдек, ким ўн дирҳамга кийим сотиб олсаю, пулнинг бир дирҳами ҳаромдан топилган бўлса, модомики ўша кийим эғнида экан, Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) айтадилар: «Сизлардан бирингиз оғзига тупроқ солиши, ҳаром лукма солишидан кўра хайрлироқдир».

Юсуф ибн Асбот (розияллоҳу анху) айтганлар: «Агар бирорта йигит ибодатга берилса, шайтон ёрдамчиларига: «Қаранглар-чи, лукмаси қандай экан?» дейди. Агар таоми ёмон (ҳаром) бўлса, шайтон: «Уни ўз ҳолига қўйинглар, қийналиб ҳаракат қилаверсин. Сизларга унинг нафси кифоя қилади. Унга ҳаромдан еб туриб қилаётган хатти-ҳаракати фойда бермайди», дейди».

Ривоят қилинади: «Ҳар кеча-кундуз Байтул Макдисда бир фаришта: «Ким ҳаром нарсаси, Аллоҳ ундан нафл ибодатларни ҳам, фарз ибодатларни ҳам қабул қилмайди», деб нидо қилади».

Абдуллоҳ ибн Муборак айтганлар: «Шубҳали бир дирҳамни тарк этишим юз минг дирҳам садақа қилишимдан кўра афзалроқдир».

Ваҳб ибн Вард айтади: «Гарчи устундек қоим бўлсанг ҳам, қорнингга ҳалолми ёки ҳаромми – нима кираётганига қарамас экансан, фойдаси йўқ».

Ибн Аббоснинг бу ҳақдаги сўзларига қулоқ тутинг: «Аллоҳ таоло қорнида ҳаром лукмаси бўлган кишининг намозини У Зотга тавба қилмагунича қабул қилмайди».

Суфёни Саврий (розияллоҳу анху) айтганлар: «Кимда-ким тоат учун ҳаром нарсани инфоқ-эхсон қилса, худди кийимни бавл ила ювгандек бўлади. Зеро, либос-

ни фақатгина сув поклайди. Гуноҳ эса фақатгина ҳалол туфайли ювилади».

Умар (розияллоҳу анҳу) дедилар: «Биз ҳаром иш қилишдан қўрқиб, ўнта ҳалолдан тўққизтасини тарк қилардик».

Ривоят қилинишича, ким ҳаром мол-дунё билан ҳаж қилса ва «лаббайка» деса, бир фаришта: «Сенга «лаббайка» бўлмасин, ҳажинг мардуддир (яъни мақбул эмас)», дейди.

Солиҳлардан бири вафот этгач, бир киши уни тушида кўриб: «Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?» деб сўрабди. У киши: «Яхши. Аммо, мен бировдан қарзга игна олиб, қайтармаган эдим. Шу игна сабабли жаннатга киролмай турибман», деб жавоб берибди.

Уламолар фатаволарида ушбу сўзлар бор: «Хоин, алдоқчи, ўғри, баттол, фоиз олувчи (судхўр) ва берувчи, етим молини еювчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, қарзга нарсга олиб, ундан тонувчи, порахўр, ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи, молининг айбини яшириб сотувчи, қиморбоз, сеҳргар, мунажжим, фоҳиша, дод солиб йиғловчи, сотувчидан сўрамай ҳақини олиб қолувчи даллол ва хур-озод одамни сотиб пулини еювчи кимсалар ҳам бошқаларнинг ҳақини ноҳақ еювчилар сирасига киради».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат куни айрим кишилар келтирилади. Уларнинг Тухома тоғича келадиган хайрли амаллари бўлади. Улар келтирилгач, Аллоҳ уларнинг яхшиликларини тўзғиган ғуборга айлантириб, ўзлари дўзахга улоқтирилади». «Ё Расулуллоҳ, бундай бўлишининг боиси недур?» деб сўралди: «Улар намоз ўқир, рўза тутар ва ҳаж қилар эдилар. Аммо, бирор-бир ҳаром нарсга дуч келсалар,

уни олишарди. Шу боис, Аллоҳ уларнинг амалларини беҳуда қилади», деб жавоб бердилар» (Имом Табароний ривояти).

Аллоҳ таолодан афв, офият ва Ўзи суйган, рози бўлган ишларга муваффақ қилишини тилаймиз. Албатта, У саноатли, марҳаматли, меҳрибон ва раҳмли Зотдир.

Ўттизинчи гуноҳи кабира

ТАРОЗИ ВА ЎЛЧОВ КАБИ НАРСАЛАРДАН УРИБ ҚОЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:


وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾ وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾

«(Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир» (Мутаффифин сураси 1-3-оятлар).

Яъни, улар шундай кимсаларки, агар ўзлари бошқалардан бирор нарса олишса, тўлиқ қилиб оладилар, ўзгаларга бирор нарса сотишса, уриб қолишади.

Суддий (розияллоху анху) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Мадинага келган вақтларида у ерда Абу Жуҳайна исмли киши бор эди. Унинг иккита «микёли» (ўлчов асбоби) бўлиб, бири билан одамларга ўлчаб берар, иккинчиси билан ўзига ўлчаб олар эди. Шу боис Аллоҳ мазкур оятни нозил қилди».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Беш иш беш амалга боғлиқ». «Ё Расулуллоҳ, беш иш беш амалга боғлиқ нарса нима?» деб сўрашди. «Қайси қавм аҳдини бузса, Аллоҳ уларга душманларини ҳукмрон қилиб қўяди. Аллоҳ нозил этган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилса, уларда фақирлик ёйилади. Фаҳш ишлари авж олса, Аллоҳ уларга ўлат юборади, яъни ўлим кўпаяди. Ўлчов ва тарозидан уриб қолса, набототлар ўсмай, бир неча йил қурғоқчиликка дучор бўлишади. Закот бермасалар, ёмғир ёғмай қўяди», дедилар» (Имом Табароний ривояти).



«Улар (ўлгандан кейин) қайта тирилувчи эканларини ўйламайдиларми Улуғ кунда (қиёматда) – одамлар (бутун) оламлар Парвардигори ҳузурида (ҳисобкитоб бериш учун) тик турадиган кунда?!» (Мутаффифин сураси 4–6-оят).

Зажжож айтганлар: «Агар ўйлаганларида эди, ўлчов ва тарозидан уриб қолмаган бўлишарди».

Молик ибн Динор айтадилар: «Кўшнимнинг ҳузурига кирдим. У ўлими яқинлашиб қолган, қайта-қайта: «Иккита оловли тоғ, иккита оловли тоғ», дер эди. Ундан: «Нима деяпсан?» деб сўрадим. У: «Эй Абу Яхё, менинг иккита ўлчов асбобим бўлиб, бири билан ўзимга ўлчаб олар, иккинчиси билан бошқаларга ўлчаб берар эдим», деди. Ўрнимдан туриб ўлчов асбобининг бири билан иккинчисини ура бошладим. Шунда у: «Эй Абу Яхё, бири билан иккинчисини урганингиз сайин, иш – ҳолатим

шиддийлашиб, қийинлашиб кетяпти», деди. Кейинроқ шу касали сабабли вафот этди».

Бировларнинг ҳақидан уриб қолиш ўғрилиқ, хиёнат ва ҳаром ейишнинг бир кўриниши бўлиб, бу ишни қилганларга Аллоҳ «вайл» билан таҳдид солди. Вайл – шиддатли азоб, бошқа ривоятда айтилишича, жаҳаннамдаги водий бўлиб, агар унга дунёдаги тоғлар туширилса, ҳароратининг юқорилиги боис тошларини ғиритади.

Салафлардан бири айтган: «Ҳар бир (ўлчов асбобида) ўлчовчи ва (тарозида) тортувчи кишининг дўшманӣ эканига гувоҳлик бераман. Чунки бундан Аллоҳ сақлаганлардан ташқари бирон кимса саломат қолмайди».

Солиҳлардан яна бири айтади: «Бир беморни кўргани бордим. Ўлими яқинлашиб, ўзини билмай ётган экан. Унга ҳар қанча «Шаҳодат» калимасини талқин қилсам ҳам, тили ҳеч айланмасди. Ўзига келгач: «Биродар, шаҳодатни шунча талқин қилсам ҳам, тилингиз сира айланмади-я. Тинчликми ўзи?» деб сўрадим. «Тарозининг тили (палласи) тилимни босиб, гапиртирмай қўйди», деди. «Нима, тарозидан уриб қолармидингиз?» дея сўрадим. «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ундай эмас. Бироқ вақтида тарозимнинг тўғрилигини текшириб турмас эдим», деб жавоб берди».

Тарозининг тўғрилигига эътибор бермаган кишининг ҳоли шу бўлса, ундан уриб қоладиганларнинг аҳволи қандай бўлар экан?!

Нофиъ (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) бир сотувчи олдидан ўтаётиб: «Аллоҳдан кўрк, ўлчов ва тарозини тўғри қил. Чунки тарозидан уриб қолувчилар, терлари қулоқларининг

ярмигача кўмиб юбормагунича тўхтатиб турилади», дедилар.

Салафлардан бири айтган: «Кам қилиб берган битта дони сабабли кенглиги осмонлару ерча келадиган жаннатни сотган кимсага вайл бўлсин. Ортиқча олган битта дони сабабли вайлни сотиб олган кимсанинг ҳолига вой бўлсин».

Аллоҳ таолодан афв ва барча балою офатлардан офият тилаймиз. Албатта, У саховатли ва марҳаматли Зотдир.

Ўттиз биринчи гуноҳи кабира

ЕТИМ МОЛИНИ ЕЙИШ ВА УНГА ЗУЛМ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло бундай дейди:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَى ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

«Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар» (Нисо сураси 10-оят).

Етимларнинг молларини ноҳақ ейдиган кимсалар аслида олов еган бўлиб, қиёмат куни қоринларида алангаланиб туради.

Суддий (рахматуллоҳи алайҳ) айтганлар: «Етим молини зулм йўли билан ейдиган кимса қиёмат кунида қайта тирилганида, олов алангаси унинг оғзи, бурни, қулоқ ва кўзларидан чиқиб туради. Уни кўрган ҳар бир одам, етим молини еганини дарҳол тушунади».

Аллоҳ таоло етим моли ҳақида:

وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَنْ يَكْبَرُوا وَمَنْ كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ
وَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ

«Уларни исроф қилиб ва (улғайиб қолмасинлар деб) шошқалоқлик билан еб юбормангиз! Ким бой бўлса, (етимнинг мулкидан ейишдан) сақлансин. Агар камбағал бўлса, яхшиликча (меъёрида олиб) есин...» (Нисо сураси 6-оят).

Уламолар: «Яхшиликдан ортиқчасини ейиш ҳаром бўлади», дейишган. Ибн Жавзий ўз тафсирида яхшилик билан ейиш ҳақидаги тўрт хил қарашни келтирганлар:

1. Қарз ҳисобида олиш.
2. Исроф қилмасдан эҳтиёжига яраша олиб ейиш.
3. Етим учун қилган хизматига яраша олиш.
4. Зарурат бўлганида фойдаланиб, имкон топганида қайтариш. Акс ҳолда, қайтармайди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Етимни қарамоғига олган одам мен билан жаннатда мана бундаймиз» деб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилиб, орасини сал очиб қўйдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ўзига қариндош ёки бегона бўлган етимни қарамоғига олувчи киши, жаннатда мен билан мана бундайдир». Сўнг ровий – Молик ибн Анас кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилдилар, деди (Имом Муслим ривояти).

Етимни қарамоғига олиш дегани, уни тарбиялаш, едириб-ичириш, кийдириш ва агар мол-мулки бўлса, уни кўпайтиришдир. Борди-ю мол-мулки бўлмаса, унга

Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида инфоқ-эҳсон қилинади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда ким мусулмонлар орасидаги етимни ўз таоми ва ичимлигига (яъни, ўз қарамоғига) олса, мабодо кечирилмайдиган гуноҳ (яъни, ширк) қилмас экан, албатта, Аллоҳ уни жаннатга киритади» (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мен жаннат эшигини биринчи бўлиб очувчи шахсман. Фақат бир аёл мендан илдамроқ эканини кўраман. Ундан: «Сен кимсан?» деб сўрайман. У: «Мен етимларимга қараб ўтирган аёлман», дейди» (*Имом Абу Яъло ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қалби қаттиқлигидан шикоят қилди. У зот (алайҳиссалом): «Етим бошини сила ва мискинга таом бер», дедилар» (*Имом Аҳмад ривояти, саҳиҳ ҳадис*).

Ҳикоят

Салафлардан бири ҳикоя қилади: «Мен илгари гуноҳ ишларга, ичкиликка берилган эдим. Бир куни муҳтож етим болани учратдим. Уни уйимга олиб келиб, қорнини тўйдирдим, ҳаммомда чўмилтириб, сочларини олиб, кийим кийдирдим. Қисқаси ота ўз фарзандига марҳамат кўрсатганидек, балки ундан ҳам зиёдароқ марҳамат кўрсатдим. Шундан сўнг кечаси ухладим. Туш кўрдим. Гўёки, қиёмат қоим бўлибди. Мен ҳисоб-китобга чақирилдим ва қилган гуноҳларим туфайли дўзахга ҳукм қилиндим. Забониялар (азоб фаришталари) мени

дўзахга судраб кета бошлади. Уларнинг қўлларида мен шайф, ҳақир эдим. Шу пайт йўлда ҳалиги етим рўбарў келди ва: «Эй Раббимнинг фаришталари, уни қўйиб юборинглар. Мен Раббимдан унга шафоат тилайман. Зеро, у менга яхшилик қилди ва марҳамат кўрсатди», деди. Фаришталар: «Бу бизга буюрилмаган», дейишди. Шу пайт Аллоҳ таоло тарафидан: «Уни қўйиб юборинглар. Етимга яхшилик қилгани ва унинг шафоати туфайли унга сўраган нарсаларини бердим», деган нидо келди. Кейин уйғониб, Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилдим ва бутун куч-ғайратимни етимларга марҳамат кўрсатишга сарфладим».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ходимлари Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Уйларнинг яхшиси унда етим бўлиб, унга яхшилик қилинадиган уйдир. Уйларнинг ёмони унда етим бўлиб, унга ёмонлик қилинадиган уйдир. Аллоҳ таолога бандаларининг энг суюқлиси етим ёки бевага яхшилик қилган кишидир».

Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Довуд (алайҳиссалом)га: «Эй Довуд, етимга меҳрибон отадек, бевага шафқатли эрдек бўл. Билгинки, нима эксанг шуни ўрасан», деб ваҳий қилган.

Яъни, бошқага қандай муносабатда бўлсанг, сенга ҳам шундай муносабатда бўлишади. Кунни келиб, сен ҳам вафот этасан ва етим фарзандинг ёки бева аёлинг қолади.

Довуд (алайҳиссалом) ўз муножотларида: «Эй Илоҳим, розилигингни истаб етим ва бевани қўллаб-қувватлаган кишининг мукофоти нима?» деб сўрадилар. Ҳот: «Мукофоти – уни соямдан ўзга соя йўқ кунда соямга олишимдир», дея жавоб берди.

Маъноси, қиёмат кунда аршим соясида бўлади, деганидир.

Ҳикоят

Алавийлардан бири Балхда истиқомат қилар эди. Унинг хотини ҳам алавий бўлиб, қизлари билан роҳат-фароғатда яшар эди. Ажали етиб, вафот этди ва хотинию қизлари қийинчилик, фақирликка мубтало бўлишди. Душманларнинг ичиқоралигидан қўрқиб, аёл қизларини олиб, бошқа шаҳарга равона бўлди. Унинг сафари қаттиқ совуққа тўғри келди. Шаҳарга киргач, қизларини эски, кишилардан холи масжидлардан бирига жойлаштириб, уларга егулик истаб йўлга тушди ва икки одам олдидан ўтди. Бири мусулмон бўлиб, у шаҳар оқсоқоли эди. Иккинчиси мажусий бўлиб, у шаҳар нозири эди. Аёл дастлаб мусулмонга ўз ҳолини баён қилиб: «Мен алавий аёлман. Етим қизларим бор. Уларни эски масжидлардан бирига жойлаштириб, шу кечага егулик истаб келувдим», деди. У киши: «Олижаноб алавий эканингга ҳужжат келтир», деди. Аёл: «Мен ғариб аёлман, бу шаҳарда ҳеч ким мени танимайди», деди. Ҳалиги киши ундан юз ўгирди. Унинг ҳузуридан аёл қалби ўксиб узоқлашди ва мажусий ҳузурига бориб ҳолини баён қилди. Етим қизлари борлигини, ўзи олийнасаб, ғариб аёллигини ва мусулмон киши билан ўрталарида кечган суҳбатни сўзлаб берди. Мажусий бориб, аёл билан қизларини ҳовлисига олиб келишга хотинини жўнатди. Келишгач, уларга мазали таомлар ва яхши-яхши либослар тортиқ қилди. Аёл ва қизлари мажусий хонадонида мўл-кўлчилик ва эҳтиром ичра тунадилар.

Кечаси ҳалиги мусулмон тушида қиёмат қоим бўлганини кўрди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тепаларига алвон қадалган эди. Шунда яшил зумраддан бино қилинган, айвонлари лаъл ва ёқутдан ишланган, лаъл ва маржон куббали қасрга кўзи тушди. «Ё Расулуллоҳ, бу қаср кимга?» деб сўради. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳни бир деб билувчи мусулмонга», дея жавоб бердилар. «Ё Расулуллоҳ, мен Аллоҳни бир деб билувчи мусулмонман», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга жавобан: «Алавий аёл сенга мурожаат қилганида, унга: «Алавий эканингга ҳужжат келтир», деган эдинг. Худди шундай, сен ҳам менга мусулмон бўлганинг ҳақида ҳужжат келтир», дедилар. Киши бева аёлни ноумид қайтарганидан маҳзун бўлиб уйғонди ва шаҳарни айланиб, уни суриштира бошлади. Аёл мажусийникида экани маълум бўлгач, мажусийни чақиртириб келди-да, унга: «Сендан олийнасаб алавий аёл ва қизларини меникига жўнатишингни хоҳлайман», деди. У: «Бунинг сира иложи йўқ, чунки уларнинг баракотидан мен кўп нарсаларга эришдим», деди. «Уларни менга топшир, эвазига минг диноҳ бераман», деди, «Йўқ, бундай қилолмайман», деди. У яна такрорлади: «Уларни менга бермасанг бўлмайди». Шунда у: «Сен хоҳлаётган нарсага мен ҳақлироқман. Тушингда кўрган қаср мен учун яратилган. Мени Исломга даъват қиласанми? Аллоҳга қасамки, мен ва хонадоним аҳли – барчамиз кеча кечқурун алавий аёл қўлида мусулмон бўлдик. Ухлаб, сен тушингда кўрган нарсани мен ҳам кўрдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан: «Алавий аёл ва қизлари сеникидами?» деб сўрадилар. «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедим. «Қаср сенга ва хонадонинг аҳлига. Сен ва хонадонинг аҳли жаннат аҳлидандирсиз. Аллоҳ

сени азалда мўмин қилиб яратган эди», дедилар», деди. Мусулмон киши уйига қайтди. У қанчалар афсус-надомат чеккани ва қайғуга ботгани Аллоҳга аён.

Биродар, тул ва етимларга қилинган яхшиликнинг шарофати ва баракотини кўриб қўйинг. Зотан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бежизга: «Бева ва етимга яхшилик қилиш йўлида ҳаракат қилувчи Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи кабидир», демаганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Мазкур ҳадис ровийси бундай дейди: «Толмайдиган қоим (намоз ўқувчи) ва ифтор қилмайдиган соим (рўзадор) кабидир» ҳам дедилар, деб ҳисоблайман».

Бева ва етим йўлида ҳаракат қилувчи Аллоҳ таоло розилигини истаб, уларнинг оғирини енгил қиладиган, ташвишларини ҳал этадиган, улар фойдасини кўзлаб, яхшилик қиладиган кишидир.

Аллоҳ лутф ва марҳамати ила бизни шундай хайрли ишларга муваффақ айласин. Албатта, У саховатли, раҳмли, меҳрибон ва мағфиратли Зотдир.

Ўттиз иккинчи гуноҳи кабира

ҚЎШНИГА ОЗОР БЕРИШ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳга қасамки, мўмин эмас. Аллоҳга қасамки, мўмин эмас. Аллоҳга қасамки, мўмин эмас», дедилар. «Ким, ё Расулуллоҳ?» деб сўрашди. «Ёмонлигидан қўшниси хотиржам бўлмаган кимса», дея жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: «Ёмонлигидан қўшниси эмин бўлмаган кимса жаннатга кирмайди», дейилган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: «Аллоҳ наздидаги энг улкан гуноҳ қайси?» деб сўрашди. У зот учта гуноҳни зикр қилиб: «Аллоҳга бошқа нарсани шерик қилишинг. Ҳолбуки, У сени яратган; овқатингга шерик бўлишидан кўрқиб фарзандингни ўлдиришинг ва кўшнинг жуфти ҳалоли билан зино қилишинг», дея жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган киши кўшнисига озор бермасин» (*Муттафақун алайҳ*).

Кўшни уч тоифа бўлади: мусулмон, кофир, қариндош.

Мусулмон кўшнининг кўшнилик ва мусулмонлик ҳақлари бор.

Кофир кўшнининг кўшнилик ҳақи бор.

Қариндош кўшни – унинг қариндошлик, кўшнилик ҳақлари (агар мусулмон бўлса, мусулмонлик ҳақи ҳам) бор.

Ибн Умарнинг яҳудий кўшниси бор эди. Қачон жонлиқ сўйсалар: «Яҳудий кўшнимизга ундан олиб беринглар», дер эдилар.

Ривоят қилинишича, қиёмат кунида камбағал кўшни бой кўшнисига осилиб: «Эй Раббим, мана бундан сўрачи, нима учун эшигини қулфлаб, мендан фазлини тўсди экан», дейди.

Киши кўшнисининг озор-азиятларига сабрли ва бардошли бўлиши лозим. Бу иш кўшнига яхшилик қилиш жумласидандир.

Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, менга жаннатга дохил этадиган амални ўргатинг», деди. «Мухсин (яхшилик қилувчи) бўл», дедилар. «Мухсинлигимни қандай биламан?» деб сўради. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

«Қўшнилари́нгдан сўра, агар сени муҳсин дейишса, демак, муҳсинсан. Борди-ю сени ёмон дейишса, демак ёмонсан», дедилар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Ривоят қилинишича, кимда-ким аҳли (оила аъзолари) ва мол-мулкидан қўрқиб, қўшнисидан эшигини бекитса, мўмин эмас. Шунингдек, ёмонлигидан қўшниси эмин бўлмаган киши ҳам мўмин эмас.

Миқдод ибн Асвад (розияллоҳу анҳу) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларидан: «Зино ҳақида нима дейсизлар?» деб сўрадилар. Улар: «У ҳаром иш. Уни Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган бўлиб, қиёмат кунигача ҳаромдир», дея жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кишининг ўнта аёл билан зино қилиши қўшнисининг хотини билан зино қилишидан енгилроқдир», дедилар. Яна: «Ўғрилиқ ҳақида нима дейсизлар?», деб сўрадилар. «Уни Аллоҳ ва Расули ҳаром қилгандир. У ҳаром иш», дея жавоб беришди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кишининг ўнта уйдан ўғрилиқ қилиши қўшнисининг уйдан ўғрилиқ қилишидан енгилроқдир», дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, қўшнисидан шикоят қилди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бор, сабр қил», дедилар. Ҳалиги киши яна икки ё уч марта келди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охири: «Бор, матоҳларингни кўчага улоқтириб ташла», деб маслаҳат бердилар. Сўнг у киши шундай қилди. Кўчадан ўтаётган кишилар ундан нима учун бундай қилганини сўрашар, у эса қўшниси ҳақида сўзлаб берар эди. Улар бу жавобни эшитиб, қўшнисини лаънатлашар, айримлари дуойибад қилишарди. Шунда

кўшниси келиб, унга: «Уйингга қайтақол, бундан кейин сира мендан ёмонлик кўрмайсан», деди» (Имом Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти).

Кўшни гарчи зиммий бўлса ҳам, ундан етадиган озор у азиятларга сабр қилиш лозим.

Ривоят қилинишича, Саҳл ибн Убайдуллоҳ Тустарийнинг зиммий кўшниси бўлиб, унинг ҳожатхонасидан Саҳлнинг уйига ифлос-нопок нарсалар сизиб чиқарди. Саҳл ҳар куни унинг тагига идиш қўяр, мажусийнинг ҳожатхонасидан чиққан нарсалар унга тўпланар ва кеч-курун ҳеч ким кўрмайдиган жойга олиб бориб ташлар эдилар. Ҳазрат Саҳл узоқ муддат шу тарзда иш юритдилар. Вафотлари яқинлашгач, мажусий кўшнисини чорлаб: «Мана бу уйга кириб, у ерда нима борлигини кўриб қўй», дедилар. У кириб идишга тушаётган ифлос, нопок нарсаларни кўрди ва: «Бу нима?» деб сўради. «Бу узоқ муддатдан бери ҳовлингдан шу уйга тушиб турадиган нарса. Уни кундузлари шу идишга тўплаб, кечалари олиб чиқариб ташлар эдим. Мабодо ажалим яқинлашиб қолмаганида, буни сенга айтмас эдим. Бошқа бирор кишининг хулқи буни сингдира олмаслигидан қўрқдим. Энди хоҳлаганингни қил», дедилар. Шунда мажусий: «Эй шайх, мен кофир бўлсам ҳам, менга узоқ вақтдан бери шундай гўзал муносабатда бўлиб келаётган эдингизми?! Қўлингизни беринг, мен Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик бераман», деб мусулмон бўлди. Саҳл (розияллоҳу анҳу) шундан сўнг вафот этдилар.

Аллоҳ таолодан барчамизни хулқларнинг, амалларнинг ва сўзларнинг энг гўзалига йўллашини тилаймиз. Албатта, У саховатли, меҳрибон ва раҳмли Зотдир.

Ўттиз учинчи гуноҳи кабира

МУСУЛМОНЛАРГА ОЗОР БЕРИШ ВА УЛАРНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بِغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا
فَقَدْ أَحْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٨﴾

«Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўҳтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар» (Аҳзоб сураси 58-оят).

Яъни, имон аҳлига ҳеч бир гуноҳ-жиноят қилмасалар-да, озор берадиган кимсалар елкаларига ёлғон, бўҳтон ва улкан гуноҳни юклаб олган бўладилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَن يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ
وَلَا نِسَاءٌ مِّنْ نِّسَاءٍ عَسَىٰ أَن يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا
تَنَابَرُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَن لَّمْ يَتُبْ
فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١١﴾

«Эй мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимол, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимол, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар би-

лан атамангиз! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Ким тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) **зулм қилувчилардир»** (*Хужурот сураси 11-оят*).

Яъни, ким масхаралаб кулиш, мазах қилиш ва лақаб қўйишдан тавба қилмас экан, ана ўша кимсалар ўзларини азобга гирифтор қилганлари сабабли ҳақиқий золимлардир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат куни Аллоҳ наздида энг ёмон даражали кимса – одобсизлиги-уятсизлигидан сақланиш мақсадида одамлар тарк қилган ёки ўз ҳолига ташлаб қўйган кишидир» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмонга мусулмоннинг номуси, моли ва қони ҳаромдир. Тақво шудир. Кишининг мусулмон биродарини ҳақорат қилиши унинг ёмонлигига етарли далилдир» (*Имом Термизий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм қилмайди, уни таҳқирламайди, ёрдамсиз ташлаб қўймайди». Сўнг: «Тақво мана бу ердадир», дея кўксиларига уч марта ишора қилиб: «Кишининг мусулмон биродарини ҳақорат қилиши унинг ёмонлигига етарли далилдир», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир» (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: «Фалончи аёл кечалари намоз ўқиб, кундузлари рўза тутади. Бироқ

тили ёмон, қўшнилариға ҳаёсизлик билан озор беради», дейишди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Унда яхшилик йўқ, у дўзахдадир», дедилар (*Имом Ҳоким ривояти, саҳиҳ ҳадис*).

Бошқа бир саҳиҳ ҳадисда: «Маййитларингизнинг яхшиликларини зикр қилинглар, ёмонликларидан тилингизни тийинглар», дейилган (*Имом Ҳоким ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда-ким бир кишини «кофир» ёки «Аллоҳнинг душмани» десаю, у шундай бўлмаса, айтгани ўзига қайтади» (*Муттафақун алайҳ*).

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мени юқорига олиб чиқишгач, бир қавм ёнидан ўтдим. Уларнинг тирноқлари мисдан бўлиб, юзлари ва кўкракларини тимдалар эдилар. «Эй Жаброил, улар ким?» деб сўрадим. У зот: «Улар одамларнинг гўштларини ейдиган ва номусларига тажовуз қиладиган кимсалардир», дея жавоб берди» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Фасл

Мўминларнинг орасига нифоқ солишдан, шунингдек, ҳайвонларни уриштиришдан огоҳлантириш хусусида

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Шайтон араб ярим оролида ўзига намозхонлар ибодат қилишидан умидини узди. Аммо улар орасига нифоқ солишидан умидини узгани йўқ» (*Имом Муслим ривояти*).

Икки одам орасига низо соладиган ва улар ўртасида бир-бирига озор берадиган гапларни ташийдиган ҳар кимса шайтон гуруҳидан бўлган чақимчидир, энг ярамас одамдир. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) айтганлар: «Сизларга энг ёмон, энг ярамасларингиз кимлар эканидан хабар берайми?! Улар чақимчилик қилиб юрувчилар, ёр-дўстлар орасини бузувчилардир» (Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Чақимчилар жаннатга кирмайди» (Муттафақун алайҳ).

Чақимчи – одамлар орасида «фалончи сен ҳақингда ундай деди», «пистончи бундай қилди» каби гапларни ташиб юрувчи кимсадир. Бирор ёмонликдан огоҳлантириш мақсадида ёки бирор фойдани кўзлаб келтирилган хабар бундан мустасно.

Жониворларни бир-бирига гижгижлаб уруштириш ҳам ҳаромдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хўроз, қўчқор, ит ва бошқа барча ҳайвонларни уриштиришдан қайтарганлар. Ким бу ишни қилса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлади. Шунингдек, хотинни эрига, қулни хўжайинига қарши қайраш ҳам ҳаромдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Алдаб хотинни эрига ва қулни хўжайинига қарши йўлдан урган кимса биздан эмас» (Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Фасл

Одамлар орасини ислоҳ этишга тарғиб қилиш хусусида

لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِّنْ نَّجْوَاهُمْ إِلَّا مَنَ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ
أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ
فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا

«Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз» (*Нисо сураси 114-оят*).

Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Одам фарзандининг ҳар бир каломи ўзига зиёндир. Магар яхшиликка буюриш ё ёмонликдан қайтариш ёки Аллоҳни зикр қилиш бундан мустасно» (*Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Ривоят қилинишича, бир киши Суфён Саврийга юқоридаги ҳадис ҳақида: «Бу ҳадис жуда шиддатли эканми?!» деди. У зот Аллоҳ таолонинг: **«Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга...»** деган каломини эшитмаганмисан? Ушбу оят мазкур ҳадисга ўхшашдир», дея жавоб берганлар.

Ҳадиси шарифда айтилади: «Яхшиликни ошириб ёки яхши гапириб одамлар орасини ислоҳ қиладиган киши ёлғончи эмас» (*Имом Бухорий ривояти*).

Умму Кулсум айтганлар: «Уч ўриндан ташқари одамлар гапирадиган бирор масалада (ёлғонга) рухсат берилганини эшитмадим». Рухсат этилган уч ўрин эса, уруш, одамлар орасини ислоҳ қилиш ва эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрига оилани сақлаб қолиш учун ёлғон гапиришидир.

Саҳл ибн Саъд Соъидий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Амр ибн Авф қабиласи орасига совуқчилик тушгани

хабари келди. У зот (алайҳиссалом) саҳобалари ҳамроҳлигида улар орасини ислоҳ қилиш учун йўлга тушдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ривоят қилинишича, намозга бориш, низолашганлар орасини ислоҳ қилиш ёки мусулмонлар ўртасида жоиз қасам ичишдан кўра афзалроқ амал йўқ.

Яна ривоят қилинишича, кимда-ким икки киши орасини ислоҳ қилса, Аллоҳ унинг ишини ислоҳ этади, гапирган ҳар бир сўзи эвазига бир қул озод қилганнинг савобини беради ва гуноҳлари кечирилган ҳолда қайтади.

Тавфиқ Аллоҳдан. Ё Аллоҳ, бизга лутф-марҳаматинг ила муомала қил. Эй раҳмлилар раҳмлиси, Ўзинг бизни афв айла.

Ўттиз тўртинчи гуноҳи кабира

АЛЛОҲНИНГ ДЎСТЛАРИ – АВЛИЁЛАРГА ОЗОР БЕРИШ

Аллоҳ азза ва жалла айтади:

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا
فَقَدْ أَحْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا

«Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўҳтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар» (Аҳзоб сураси 58-оят).

وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ

«Сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!» (Шуаро сураси 215-оят).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Ким менинг дўстимга душманлик қилса, ҳақиқатда Мен у билан жанг қилишга киришганимни билдирган бўламан», деди» (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ривоятда: «Менга қарши жангга киришибди», дейилган.

Ҳадисда айтилади, Абу Суфён бир неча шериклари билан Салмон, Суҳайб ва Билол ҳузурига келишди. Улар: «Аллоҳнинг қиличлари Аллоҳнинг душманидан оладиганини ҳали олиб бўлмади», дейишди. Шунда Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) уларга: «Курайш оқсоқоли ва саййидига шу гапни айтасизларми?!» деди. Сўнгра Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бориб, бўлган воқеани сўзлаб берди. У зот (алайҳиссалом): «Эй Абу Бакр, эҳтимол, уларни ғазаблантиргандирсиз?! Борди-ю уларни ғазаблантирган бўлсангиз, шак-шубҳасиз, Раббингизни ғазаблантирибсиз», дедилар. Абу Бакр уларнинг ҳузурига келиб: «Эй биродарлар, сизларни ғазаблантириб қўйдимми?!» деб сўради. Улар: «Йўқ, эй биродар, Аллоҳ сизни мағфират қилсин», дея жавоб беришди (Имом Муслим ривояти).

Фасл

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدْوَةِ وَالْعِشْيِ
يُرِيدُونَ وَجْهَهُ.

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорлари «юзи»ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг!..» (Каҳф сураси 28-оят).

Бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби бундай: Барча пайғамбарларда бўлганидек, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳам дастлаб фақир кишилар имон келтирган эди. У зот Салмон, Суҳайб, Билол ва Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳум) каби фақирлар билан мажлис қуриб ўтирардилар. Бошида фақирлар эргашиши пайғамбарлик аломати эканини эшитган мушриклар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофидаги камбағал мусулмонларни ҳайдамоқчи бўлишди. Шу мақсадда у зот (алайҳиссалом) ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад, атрофингдаги қашшоқларни ҳайдаб юбор. Биз улар билан бирга ўтиришдан жирканамиз. Агар уларни ҳайдасанг, сенга олийнасаб, олиймақом кишилар имон келтиради», дейишди. Бунга жавобан Аллоҳ таоло: **«Эртаю кеч (доимо) Парвардигорларининг «юзи»ни истаб, Унга дуо (ибодат) қилаётганларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг!»** (Анъом, 52) оятини туширди.

Фақир мусулмонларнинг ҳайдалишидан умидлари узилган мушриклар, у зотга: «Эй Муҳаммад, агар уларни ҳайдамасанг, унда бир кунни уларга, бир кунни бизларга тайин қил», деб шарт қўйишди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги ояти каримани нозил қилди:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ ۖ وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا

وَلَا تُطِيعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَنْ ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا
وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفِرْ ﴿٢٨﴾

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорлари «юзи»ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг! Дунё ҳаёти зийнати деб кўзларингиз улардан четламасин! Шунингдек, қалбини Биз зикримиздан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг! Айтинг: «(Бу Қуръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин»...» (Қаҳф сураси 28–29-оятлар).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақирларни улуғлар, ҳурмат қилар эдилар. У зот Мадинага ҳижрат қилганларида, фақир саҳобалари ҳам ҳижрат қилишди. Масжид супасига жойлашиб, дунё ташвишларидан узилишди. Уларга «Асҳоби суффа» – супа эгалари деб ном беришди. Ҳижрат қилиб келган фақирлар сафларига қўшилар ва улар сони кундан-кунга кўпайиб борар эди. Улар Аллоҳ ўз дўстлари – авлиёларига ҳозирлаган эҳсонга гувоҳ бўлиб, унга имон нури ила боқдилар ва борлиқдаги бирор нарсага диллари кетмади. Аксинча, улар: «Сенгагина ибодат қиламиз, Сен учун бўйсуниб сажда қиламиз, Сенинг ёрдамингда рушду ҳидоятга эришамиз, Сенга таваккул этиб суянамиз, Сенинг зикринг ила ҳузурланиб шод бўламиз, Сенинг муҳаббатинг майдонида сайру саёҳат қиламиз, Сен учун амал қилиб, ҳаракат этамиз ва Сенинг эшигингдан ҳаргиз кетмай-миз», дедилар.

Фақирлик икки хил – умумий ва хос бўлади.

Умумий фақирлик – Аллоҳ таолога муҳтожлик бўлиб, у барча махлуқотларнинг сифатидир. Бу Аллоҳ таолонинг: «Эй инсонлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз» (Фотир, 15) ояти каримасининг маъносидир.

Хос фақирлик – Аллоҳнинг дўстлари ва суюклиларига хос сифат бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла билан машғул бўлгани, Унга қаттиқ берилгани, Унинг зикри ила улфат бўлгани туфайли қўл ва дилнинг дунёга эҳтиёжи йўқлигидир.

Ё Аллоҳ, бизни Ўзинг суйган ва рози бўлган амалларга муваффақ айла, бизни, ота-онамизни ва барча мусулмонларни мағфират қил.

Ўтиз бешинчи гуноҳи кабира

ЗАРАРЛИ ВАСИЯТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةِ يُوصِي بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرَ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِنَ
 اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ خَلِيمٌ ﴿١٢﴾ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يُطِيعِ
 اللَّهَ وَرَسُولَهُ، يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
 الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ
 ﴿١٣﴾ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ، يُدْخِلْهُ
 نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ ﴿١٤﴾

«...(Бу тақсимот меросхўрларга) зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси)дан кейин

Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим Зотдир».

Яъни, Аллоҳ зарарли васиятни ҳам, бошқасини ҳам билувчидир, осийларни жазолашга шошилмайдиган ҳалим Зотдир.

«Ана шулар Аллоҳнинг ҳудуд (чегара)ларидир. Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга (жаннатга) киритур. (Улар) у ерда абадий (бўлурлар). Бу улкан ютуқдир. Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоатсизлик қилса ва ҳудудларидан тажовуз қилса, уни дўзахга абадий (қолиши учун) киритур ва унинг учун хор қилувчи азоб (бордир)» (Нисо сураси 12–14-оятлар).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир киши ёки аёл олтмиш йил Аллоҳ тоатида амал қилади. Сўнг уларга ўлим ҳозир бўлиб, зарарли васият қилиб, дўзахга маҳкум этиладилар». Сўнг-ра Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Нисо сурасининг 13–14-оятларини ўқидилар (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳақиқатда, Аллоҳ ҳар бир ҳақдорга ўз ҳақини берган. Шу боис меросхўрга васият қилинмайди», дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Ривоят қилинишича, ким ворисининг меросини олиб қочса (яъни меросидан маҳрум қилса), қиёмат куни Аллоҳ унинг жаннатдаги меросини узиб қўяди.

Ўтпиз олтинчи гуноҳи кабира

ОМОНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمْنَتَكُمْ
وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ


«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга (буйруқларига) хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги қўйган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!» (Анфол сураси 27-оят).

Воҳидий (раҳимахуллоҳ) айтадилар: «Бу оят Абу Лубоба хусусида нозил бўлган. Бани Қурайза яҳудийлари қамал қилинган, уларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишини элчи қилиб жўнатгандилар. Унинг аҳли ва фарзандлари Бани Қурайза яҳудийлари орасида эди. Улар: «Эй Абу Лубоба, бордию Саъднинг ҳукм қилишига рози бўлсак, нима бўлади деб ўйлайсан?» дея сўрашди. Абу Лубоба томоғига ишора қилди, яъни сўяди, демоқчи бўлди. Бу иши билан у Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилган эди. Абу Лубобанинг ўзи: «Турган жойимдан кўзгалмай туриб, Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилганимни билдим», деган эди».

Ибн Аббос (розияллоҳу анхумо) айтадилар: «Омонатлар – Аллоҳ омонат қилиб берган амаллар, яъни фарзлардир».

Калбий айтадилар: «Аллоҳ ва Расулига хиёнат этиш уларга осийлик қилишдир. Ҳар бир инсон Аллоҳ фарз қилган ишларда омонатдордир, хоҳласа, хиёнат қилади, йўқса, адо қилади, уни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди».

Яъни, бу ва бошқа ҳар қандай омонатга хиёнат қилмаслик даркор.



«...ва Аллоҳ (Зулайхо ва аёллардек) хиёнатчилар макрини раво қилмас» (Юсуф сураси 52-оят).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мунофиқнинг аломати учта: гапирса, ёлғон сўзлайди; ваъда берса, вафо қилмайди, омонат қўйилса, хиёнат қилади» (Муттафақун алайҳ).

Анас (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон бизга мурожаат қилсалар: «Омонати йўқ кишининг имони йўқ, аҳди йўқ одамнинг дини йўқ», дер эдилар» (Имом Табароний ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Яъни, омонатга хиёнат қиладиган кимса имонсиз, аҳдига вафо қилмайдиган киши динсиздир.

Ҳар қандай масаладаги хиёнат қабиҳ бўлиб, баъзиси ёмонроқдир. Аҳлинг ва мол-мулкингга хиёнат қилган кимса билан арзимас пулингга хиёнат этган киши баробар эмас.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Сенга омонат қўйган кишининг омонатини адо эт, сенга хиёнат этган кимсага хиёнат қилма!» (Имом Термизий ривояти).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Мўмин ҳар қандай хислатга табиатан мойил бўлиши мумкин, бироқ хиёнат ва ёлғонга мойил бўлмайди», дейилган (Имом Абу Яъло ва Баззор ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ: «Мен шеригига хиёнат қилмаган икки

шерикнинг учинчисиман. Агар хиёнат қилса, улар орасидан чиқиб кетаман», дейди» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо қилиб: «Ё Аллоҳ, менга очликдан паноҳ беришингни сўрайман. Зеро, у жуда ёмон ҳамхонадир. Хиёнатдан паноҳ беришингни сўрайман. Зотан, у жуда ёмон астар-ёпинчикдир», дер эдилар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дўзах аҳли бештадир», дея бир неча тоифани зикр қилиб: «Арзимаган бўлса-да, ўзи ёқтирган нарсага хиёнат қиладиган хоин», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Аллоҳ йўлида қатл этилиш барча гуноҳларга каффорат бўлади. Бироқ омонат бундан мустасно. Қиёмат куни бир бандани олиб келишади. Гарчи Аллоҳ йўлида ўлдирилган бўлса-да, унга: «Омонатингни адо эт», дейилади. У: «Ё Раббим, дунё ўтган бўлса, мен қандай қилиб омонатни адо этаман», дейди. Уни «Ховия»га олиб боришади. Унга омонати кўринади. У ўзига берилган кундаги шаклда бўлади. Уни кўрибоқ танийди. Унинг изидан «Ховия»га тушиб, унга етиб, елкасига ортиб, олиб чиқа бошлайди. Энди чиқаман деганида, омонат елкасидан тушиб кетади. У абадулабад унинг изидан пастга тушиб бораверади». Сўнг: «Намоз омонатдир, таҳорат омонатдир, тарози омонатдир, ўлчов омонатдир», деб бир қанча нарсаларни санаб: «Буларнинг энг ашаддийси ваъдадир», дедилар (*Имом Аҳмад ва Байҳақий ривояти*).

Ривоят қилинишича, одамлардан биринчи бўлиб кўтариладиган нарса омонатдир. Охирида қоладигани эса намоздир. Ҳолбуки, кўпчилик намозхонларда хайр – яхшилик бўлмайди.

Ё Аллоҳ, бизга лутф марҳаматинг ила муомала қилгин ва барчамизни афв айлагин.

Ўттиз етинчи гуноҳи кабира

ЧАҚИМЧИЛИК

Аллоҳ таоло буюради:



«(Эй Муҳаммад!) Ҳар қандай тубан қасамхўрга (Валид ибн Муғирага) итоат этманг! (У) ғийбатчи, гап ташувчидир» (Қалам сураси 10–11-оятлар).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Чақимчи жаннатга кирмайди» (Муттафақун алайҳ).

Бошқа ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қабр ёнидан ўтаётиб: «Бу иккиси (яъни, қабрдаги маййитлар) азобланмоқда. Бироқ катта гуноҳ сабабли азобланаётгани йўқ. Улардан бири сийдигидан сақланмас эди. Иккинчиси чақимчилик қиларди», дедилар. Сўнг ҳўл новдани олиб, иккига бўлдилар ва ҳар бир қабрга биттадан бўлакни санчиб қўйдилар. «Ё Расулуллоҳ, нима учун бундай қилдингиз?» деб сўрашди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Шояд бу новдалар қуригунича улардан азоб енгиллатиб турилса», дея жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

«Бироқ катта нарса сабабли азобланаётгани йўқ» жумласини бундай тушуниш мумкин: бу нуқсонларни тарк этиш улар учун жуда қийин ёки уларнинг назарида жуда мушкул эмас эди. Шу боис бошқа ривоятда: «Йўқ, у катта гуноҳдир», дейилган.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: «Баъзи инсонлар (хузури)га у юзи билан, бошқаларига бу юзи билан борадиган энг ёмон кимсаларни кўрасиз» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимнинг бу дунёда иккита юзи бўлса, қиёмат кунида унинг оловдан иккита тили бўлади» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Яна ривоят қилинишича, кимнинг иккита тили бўлса, қиёмат куни Аллоҳ унга оловдан иккита тил қилиб беради.

«Иккита тил» деганда, бир тоифа одамлар билан бир хил, бошқалари билан яна ўзгача гаплашадиган кимса тушунилади.

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий айтганлар: «Одатда, бировнинг гапини иккинчи кишига: «Фалончи сен ҳақингда бундай деди», дея етказувчи кимсага «чақимчи» дейилади. Аммо чақимчилик шунинг ўзи билангина чекланмайди. Чақимчилик – ошкор қилиниши жирканч саналган нарсани очишдир. (Чақимчиликда) ёмон кўрувчи гапирувчи бўладими, гапирилувчими ёки гаплашувчими, фарқи йўқ. Шунингдек, ошкор қилинадиган ёқимсиз нарса сўз, ёзув, ишора ва ҳоказолар билан бўладими, барибир. Чақимчилик қилинган – ташилган нарса сўз бўладими ёки амал, айб ёхуд бошқасими, барчаси баробардир».

Чақимчиликнинг моҳияти сирни фош этиш ва ошкор қилиниши ёмон саналган нарсани эълон қилишдир. Инсон тилини бошқаларда кўрган ҳар қандай нарсаси ҳақида гапиришдан тийиши лозим. Гапирса, мусулмонларга фойдали ёки маъсиятни даф қиладиган сўзларни айтиши мумкин.

Кимга биров гап ташиб: «Фалончи сен ҳақингда бундай деди», деса, у киши қуйидаги олтита ишни қилиши лозим:

1. Уни тасдиқламаслик. Чунки у чақимчи, фосиқ бўлиб, гапи эътиборга олинмайди.

2. Уни бундан қайтариб, насиҳат қилиши ва бу ишни қоралаши.

3. Уни Аллоҳ учун ёмон кўриши. Зеро, у Аллоҳ ҳузурида ёқимсиз бўлиб, уни Аллоҳ учун ёмон кўриш вожибдир.

4. Гапирилаётган киши ҳақида ёмон гумонга бормаслиги. Зеро, Куръони каримда:

أَجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ

«...Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир...» дейилган (*Хужурот* сураси 12-оят).

5. Эшитган гапи уни жосуслик қилишга ва сўзнинг тагига етиш учун ҳаракат қилишга ундамаслиги. Чунки юқоридаги оят давомида: «... (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз...», дейилган.

6. Чақимчи келтирган гапларни бошқаларга етказмаслиги.

Бир киши Умар ибн Абдулазиз (розияллоҳу анҳу) га бир одам ҳақида нимадир деди. Умар унга: «Эй сен, агар хоҳласанг, гапингни текшириб кўрамиз, борди-ю ёлғон сўзлаган бўлсанг, унда сен: **«Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!»** (*Хужурот* 6), деган оятдаги фосиқлардан бўласан. Агар рост айтган бўлсанг, унда сен «ғийбатчи, гап ташувчи» кимсалардан бўласан.


Хоҳласанг, афв қиламиз», деди. Шунда ҳалиги киши: «Афв айланг, эй амирул мўминин. Энди сира бу ишга қайтмайман», деди.

Бир киши Соҳиб ибн Уббодга етим молини олишга ундовчи варақа кўтариб келди. Ҳолбуки, унинг мол-мулки кўп эди. У зот варақанинг орқа томонида: «Чақимчилик, гарчи рост бўлса ҳам, қабиҳ амалдир. Маййитни Аллоҳ раҳмат қилсин, етимни ўнгласин, мол Аллоҳнинг инъоми, унга кўз олайтирувчини Аллоҳ лаънатласин», деб ёзди.

Ҳазрат Ҳасан Басрий айтганлар: «Ким сенга бир гапни етказса, билгинки, у сенинг гапингни ҳам бошқаларга етказди».

Одамлар орасида: «Ким сенга гап ташиша, сенинг гапингни бошқага ташийди», деган жумла кенг тарқалган.

Ибн Муборак (раҳимаҳуллоҳ): «Ҳароми (зинодан бўлган) бола гап яширмайди», деб чақимчилик қиладиган ҳар бир инсон ҳароми бўлиши мумкинлигига қуйидаги оятни далил қилганлар:



«Кўпол ва булардан ташқари бенасаб (ҳароми)-дир» (Қалам сураси 13-оят).

Ривоят қилинишича, салафи солиҳлардан бири биродарини зиёрат қилганида, ҳалиги киши у зотга бошқа дўсти ҳақида ёмон гапларни сўзлабди. Шунда у зот: «Эй биродар, ғийбатни жуда чўзиб юбордингиз ва учта жиноят содир этдингиз: менга дўстимни ёмон кўрсатдингиз, у билан қалбимни машғул қилдингиз ва ўзингизга бўлган ишончдан маҳрум қилдингиз», деган экан.

Бир киши Али ибн Хусайн (розияллоҳу анҳумо)га: «Фалончи сизни ҳақорат қилиб, сиз ҳақингизда ундай, бундай деди», деган экан. У зот: «Мени унинг олдига олиб бор», дебдилар. У ўзини ҳимоя қилса керак, деб ўйлабди. Ҳақорат қилган кишининг ҳузурига боришгач, у зот: «Эй биродар, агар мен ҳақимда айтган гапинг ҳақ бўлса, Аллоҳ мени мағфират қилсин. Борди-ю мен ҳақимда гапирган сўзинг тўғри бўлмаса, Аллоҳ сени мағфират этсин», деганлар.

Абу Лаҳабнинг хотини чақимчилик қилиб, гап ташиб юргани учун Қуръони каримда **«ЎТИН ТАШУВЧИ»**, деб васф қилинган. Чақимчилик адоватга сабаб бўлгани боис «Ўтин», деб номланган. Маълумки, ўтин оловнинг алангаланишига сабаб бўлади.

Айтилишича, чақимчининг иши шайтоннинг амалидан ҳам зарарлироқдир. Чунки Иблиснинг иши вас-васа билан бўлса, чақимчининг амали бевосита бўлади.

Ҳикоят

Ривоят қилинишича, бир киши сотилаётган қулни кўриб қолди. Эгаси: «Унинг чақимчиликдан бошқа айби йўқ», деб жар соларди. Киши ғуломнинг айбини писанд қилмади ва уни сотиб олди. Қул хўжайинининг уйида бир неча кун турганидан кейин унинг хотинига: «Хожам сизнинг устингизга бошқа хотин олмоқчи ёки ўйнаш тутмоқчи. У сизни яхши кўрмайди. Агар сизга меҳри тушиб, ўйлаган ниятидан қайтишини истасангиз, унда хожам ухлаган пайтида устарани олиб, соқолининг тагидан бир неча тукни қириб олинг-да, уларни асранг», деди. Хотин паришон ҳолда: «Хўп», деди ва эри ухлагач, қули ўргатган ишни қилишга

жазм этди. Кейин ғулом хўжайинининг олдига келиб: «Хожам, бекам ўзига ўйнаш тутиб, унга жуда ўрганиб қолган. Шунинг учун сиздан халос бўлмоқчи, бу кеча сизни сўйишга жазм қилган. Агар гапимга ишонмасангиз, унда кечқурун ўзингизни ухлаганга солиб ётинг. Шунда сизни сўйиш учун қўлида нимадир кўтариб келаётганини кўрасиз», деди. Хўжайини унга ишонди. Қоронғи тушгач, ўзини ухлаганга солиб ётди. Хотини унинг соқоли остидаги туклардан қирқиб олиш учун устара кўтариб келиб, қўлини эрининг томоғига чўзган эди, у сакраб туриб, хотинидан устарани тортиб олдида, уни сўйиб ташлади. Хотинининг қариндошлари бу воқеадан хабар топиб, уни ўлдиришди ва икки уруғ орасида қирғин бошланди. Биргина чақимчи, ёлғончи кулнинг касофати билан шундай фалокат рўй берди.

Шу боис Аллоҳ таоло чақимчини «фосиқ» деб номлаган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا
بِجَهْلَةٍ فَتُصِيحُوا عَلَى مَا فَعَلْتُمْ نَدَمِينَ ﴿٦﴾

«Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!» (Хужурот сураси 6-оят).

Ўттиз саккизинчи ғуноҳи кабира

ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Таҳлил – хотинини уч талоқ қилган кишига уни ҳалоллаб бериш мақсадида, никоҳига олиб, сўнг талоқ қилишдир.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалол қилувчини ҳам, ҳалол қилдирувчини ҳам лаънатладилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Имом Термизий айтадилар: «Аҳли илм наздида, ушбу ҳадисга амал қилинади. Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳум) шулар жумласидандир. Шунингдек, фуқаҳо тобеинлар ҳам шу сўзни айтганлар».

Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга аҳмоқ ижарачи ҳақида хабар берайми?» деб сўрадилар. «Ҳа, ё Расулуллоҳ» дейишди. У зот (алайҳиссалом): «У ҳалол қилувчидир. Аллоҳ ҳалол қилувчини ҳам, ҳалол қилдирувчини ҳам лаънатлаган», дедилар (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ҳалол қилувчи ҳақида сўрашди. У зот: «Йўқ, фақат рағбат-хоҳиш билан қилинган никоҳ жоиз. Алдов-ҳийла никоҳи тўғри эмас. Аллоҳ азза ва жалланинг китобини истехзо қилиш мумкин эмас. Токи асалдонидан татиб кўрсин», дедилар (*Имом Абу Исҳоқ Жузжоний ривояти*).

Бир одам Ибн Умардан сўради: «Бир киши хотинини уч талоқ қилди. Биродари у билан маслаҳатлашмасдан,

ҳалоллаб бериш мақсадида унинг хотинига уйланди. Энди у биринчисига ҳалол бўладими?». У зот: «Йўқ, фақат рағбат-хоҳиш билан қилинган никоҳ жоиз. Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида бу ишни фоҳишабозлик деб ҳисоблардик», дедилар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Асрам ва Ибн Мунзир ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу): «Ҳалол қилувчи ва ҳалол қилдирувчини ҳузуримга келтиришса, иккаласини ҳам тошбўрон қилган бўлардим», деганлар.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан аёлни эрига ҳалоллаб бериш ҳақида сўрашганида: «Бу иш фоҳишабозлик», деб жавоб берганлар.

Абдуллоҳ ибн Шарик Омирий айтадилар: «Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан: «Бир киши амакисининг қизини (яъни, хотинини) талоқ қилиб, сўнг афсусланиб, хотинига рағбат билдирди. Бошқа одам унга ҳалоллаб бериш учун аёлга уйланмоқчи. Шундай қилиш мумкинми? деб сўрашди. У зот: «Агар у ҳалоллаб бермоқчи эканини билса, гарчи йигирма йил ёки шунга яқин муддат яшаса-да, иккаласи ҳам зинокордир», дея жавоб бердилар.

Бир киши Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)га: «Амакимнинг ўғли хотинини уч талоқ қилиб, энди афсусланиб турибди», деди. У зот: «Амакиннинг ўғли Раббига осийлик қилган эди, Парвардигори уни надомат чектирди. Шайтонга итоат қилган эди, Иблис унга (бу мушкул ҳолатдан) чиқар йўлни пайдо қилмади», дедилар. «Бирор киши унга хотинини ҳалоллаб берса бўлмайдими?» деб сўради. У зот: «Ким Аллоҳни алдамоқчи бўлса, Аллоҳ уни алдаб қўяди», дея жавоб бердилар.

Иброҳим Наҳаъий айтганлар: «Биринчи ё иккинчи эр ёки аёл – уювларидан бирортасининг нияти ҳалоллаб бериш бўлса, иккинчисининг никоҳи ботил бўлади ва биринчисига ҳалол бўлмайди».

Ҳасан Басрий: «Агар уювларидан бирортаси ҳалоллашни истаса, (никоҳни) фосид қилган – бузган бўлади», деганлар.

Тобеинларнинг имоми Саид ибн Мусаййаб: «Аввалги эрига ҳалоллаб бериш мақсадида бирор хотинга уйланган кишининг никоҳи ҳалол эмас», деганлар.

Молик ибн Анас, Лайс ибн Саид, Суфён Саврий ва Имом Аҳмад ҳам шу фикрни айтишган.

Исмоил ибн Саид айтади: «Имом Аҳмаддан: «Бир киши аёлга аввалги эрига ҳалол қилиб бериш мақсадида уйланмоқчи. Бироқ аёл бундан хабарсиз. Шу иш жоизми?» деб сўрагандим. У зот: «У ҳалол қилувчидир. Агар бу билан ҳалоллаб беришни хоҳласа, малъундир», дедилар».

Имом Шофиъий мазҳабига биноан, агар никоҳ вақтида ҳалоллаб бериш шарт қилинса, никоҳ ботил бўлади.

Аллоҳ таолодан бизларни Ўзи рози бўлган амалларга муваффақ айлашини, гуноҳ ишлардан йироқ қилишини сўраймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли, мағфиратли ва раҳмли Зотдир.

Қирқинчи гуноҳи кабира

ХОТИННИНГ ЭРИГА ИТОАТСИЗЛИК ҚИЛИШИ

Аллоҳ таоло айтади:

وَالَّذِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَاهْجُرُوهُنَّ فِي
الْمَضَاجِعِ وَاضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ
سَبِيلًا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا ﴿٣٤﴾

«...Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало, уларга насиҳат қилингиз, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтармангиз. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ Зотдир» (Нисо сураси 34-оят).

Воҳидий (рахимахуллоҳ) айтганлар: «Оятдаги «итоатсизлик»дан мурод – эрга осийлик қилиш, яъни, такаббурлик билан эрининг буйруқларига хилоф иш юритишдир».

Ато (рахматуллоҳи алайх) айтадилар: «У (яъни, итоатсизлик) – эри учун ўзига оро бермаслик (хуш-бўйлик сепмаслик), ўзи билан ҳузурланишига йўл қўймаслик ва илгариги мутеълик ҳолати ўзгариб қолишидир. Шундай хотинларга Аллоҳнинг Китоби ила «панд-насиҳат қилинглар», Аллоҳ уларга буюрган ишларни эслатинглар».

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): «Уларни ётоқларда тарк қилиш – тўшакда хотинига орқасини ўгириб, гапирмай ётишидир», деган бўлсалар, Шаъбий ва Му-

жохид: «Хотини билан бир жойда ётмаслик, яқинлашмаслик», дейишган.

Уларни уришдан мурод қаттиқ, бирор аъзосига жароҳат етказадиган қилиб эмас, балки секин уришдир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо): «Одоб бериш учун кафти билан кўксига туртиш каби», деганлар.

Эр хотинининг итоатсизлигини ушбу оятда зикр қилинганидек, Аллоҳ изн берган суратда тузатиши, бар-тараф этиши лозим.

«...Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтармангиз...»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Эр хотинини тўшагига чорлаган вақтда келмаса ва эри ундан норози бўлиб тунаса, фаришталар тонг отгунча у аёлни лаънатлайди» (*Муттафақун алайҳ*).

Бошқа бир ривоятда «Аллоҳга қасамки, қайси бир киши хотинини тўшагига чорласа-ю, хотини бош тортса, эри ундан рози бўлмагунича, осмондаги Зот ундан рози бўлмайди», дейилган (*Муттафақун алайҳ*).

Яна бир ривоятда: «Агар аёл эрининг тўшагини тарк этган ҳолда тунаса, фаришталар тонг отгунча у аёлни лаънатлайди», дейилган (*Имом Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Уч тоифа одамнинг намози мақбул бўлмайди ва бирорта яхшилиги осмонга кўтарилмайди: қочоқ қулнинг хўжайинларига қайтиб, қўлини уларнинг қўлларига қўймагунича; эрини ғазаблантирган – норози қилган аёлнинг эри ундан рози бўлмагунича ва маст ўзига келмагунича» (*Имом Ибн Ҳиббон ва Ибн Хузайма ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Эри ҳозир бўлган (сафарда бўлмаган) аёлга эрининг

рухсатисиз рўза тутиши ва унинг изнисиз бировнинг уйига киришига рухсат бериши ҳалол эмас» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ушбу ҳадиси шарифдаги ҳукм ихтиёрий-нафл рўзаларга тааллуқлидир. Эрнинг ҳақи улуғ ва итоати вожиб бўлгани учун хотинга унинг рухсатисиз нафл рўза тутиши мумкин эмас.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Агар бирор бандани бошқасига сажда қилишга буюрганимда эди, шубҳасиз, хотинни эрига сажда қилишга буюрган бўлардим» (*Имом Термизий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таборака ва таоло эрига ношукрлик қиладиган хотинга қарамайди. Ҳолбуки, у эридан беҳожат эмас» (*Имом Насоий ва Баззор ривояти*).

Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси аёл вафот этса-ю эри ундан рози бўлса, жаннатга киради» (*Имом Ибн Можа ва Термизий ривояти*).

Ривоят қилинади, аёл қиёмат куни биринчи бўлиб намози ва эридан сўралади.

Ривоят қилинишича, аёл уйидан чиқса-ю, эри норози бўлса, (уйига) қайтгунича, унга осмондаги барча фаришталар ҳамда инсу жиндан ташқари, ёнидан ўтган ҳар бир нарса лаънат айтади.

Аёл эрини норози қилишдан, ғазаблантиришдан сақланиши ва эри уни хоҳлаган вақтида бош тортмаслиги лозим. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Агар эр хотинини ҳожати учун чорласа, гарчи ўчоқ бошида бўлса ҳам келсин» (*Имом Термизий, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Уламолар айтадилар: «Магар аёл узрли (ҳайз ёки нифос кўрган) бўлса, эрининг чақириғига жавоб бермаслиги лозим. Шунингдек, эр ҳам аёли узрли бўлган пайтда бу ишни талаб қилмаслиги ва узрли ҳолати тугаб, ғусл қилмагунича унга яқинлик қилмаслиги даркор. Зотан, Аллоҳ таоло бундай деган:

فَاعْزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ

«...Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва покланмагунларича, уларга яқинлашмангиз!...» (Бақара сураси 222-оят).

Ривоят қилинади: «Кимда-ким ҳайзли аёлга ёки хотинининг орқасига яқинлик қилса ёхуд фолбинга бориб, гапини тасдиқласа, батаҳқиқ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил қилинган нарсаса куфр келтирибди».

Бошқа бир ҳадисда: «Аллоҳ аёлларининг орқасига яқинлик қиладиган кимсаларни лаънатлайди», дейилган (Имом Табароний ривояти).

Хуллас, хотин узрли ҳолатида эри унга яқинлик қилишни хоҳласа, бўйсунмаслиги, бундан бошқа барча ҳолатда итоат этиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, аёл ўз нафсида ва эрининг молида ундан изн сўрамай туриб, тасарруф қила олмайди. Эрининг ҳақи ўзининг ҳақидан, эрининг қариндошлари ҳақи ўз қариндошлари ҳақидан устун туради. Эри у билан ҳузурланиши учун, доим покликтозаликка эътибор бериб, тайёр туриши лозим. Эрига ҳусн-жамоли билан такаббурлик қилмаслиги, мабодо эри хунук бўлса, уни айбламаслиги даркор.

Асмаъий айтадилар: «Саҳройи араблар маконига боргандим. У ерда бир эр-хотинни учратдим. Хотин иўзал, эри эса хунук эди. Хотиндан: «Мана шундай кишининг қўл остида яшашга қандай рози бўлдинг?» деб сўрадим. У: «Яхшилаб эшит, эҳтимол, эрим ўзи билан Яратувчиси орасини яхшилагани учун Парвардигор мени унга мукофот этиб бергандир. Эҳтимол, мен осий бўлганим сабаб уни менга жазо қилиб бергандир», деди.

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Эй аёллар жамоаси, агар эрларингизнинг сизлар устингиздаги ҳақларини билганингизда эди, сизлардан ҳар бир аёл эрининг оёқларидаги чангни юзининг ёноқлари билан артиб қўйган бўларди».

Ривоят қилинади: «Сизларнинг жаннатдаги аёлларингиз – ҳар бир суювчию болажон (серфарзанд) аёллардир. Мабодо ғазабланса ё унга ёмон муомала қилинса ёки эри ғазабланса: «Қўлим қўлингизда, рози бўлмагунингизча киприк қоқмайман», дейди».

Шунингдек, аёл эридан доимо ҳаё қилиши, унинг ҳузурида ерга боқиб туриши, буйруғига итоат этиб, гапираётганида сукут сақлаши, кириб келганида ёки чиқиб кетаётганида ўрнидан туриши, унга ёқмайди-ган барча нарсалардан узоқ бўлиши, ухлаши олдидан унга ўзини арз қилиши, унга тўшаги ва мол-мулкида хиёнат этмаслиги, доимо покиза бўлиши, мисвок ишлатишга одатланиши, у ҳозир бўлганида ўзига оро бериб, хушбўйликлар сепиб, йўқлигида зийнатни тарк этиши, унинг аҳли ва қариндошларини иззат-икром қилиши, озгина нарсасини ҳам кўп ўрнида кўриши вожиб бўлади.

Фасл

Эрига итоатли хотиннинг фазилати ва осий аёлнинг уқубати хусусида

Тақводор аёл Аллоҳга ва эрига астойдил итоат қилиши, розилигини қозонишга жидду жаҳд билан ҳаракат қилиши лозим. Зеро, эр аёлнинг жаннати ёки дўзахидир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Қайси аёл вафот этса-ю, эри ундан рози бўлса, жаннатга киради» (*Имом Термизий ва Ҳоким ривояти*).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Агар аёл беш вақт намазини ўқиса, фаржини – иффатини сақласа ва эрига итоат қилса, жаннатнинг истаган эшигидан киради», дейилган (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ривоят қилинади, эрига итоаткор аёл ҳақиқа, модомики эри ундан рози экан, ҳаводаги қушлар, сувдаги балиқлар, осмондаги фаришталар ҳамда қуёш ва ой истиғфор айтади.

Қайси бир аёл эрига осийлик қилса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати ёғилади.

Қайси бир аёл эрининг юзига хўмрайиб қараса, эрига табассум қилиб, кўнглини олмагунича Аллоҳ ундан рози бўлмайди.

Қайси бир аёл уйидан эрининг рухсатисиз чиқса, қайтгунича фаришталар унга лаънат айтади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Дўзахга боқиб, унинг кўпчилик аҳли аёллар эканини кўрдим».

Эркаклар номахрам аёллардан кўзларини тийишга буюрилганидек, аёллар ҳам бегона эркаклардан кўзларини тийишга амр қилинган.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анху) ривоят қилдилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бирорта аёл дунёда эрига озор берса, у (киши)нинг ҳурул айнлардан бўлган хотини: «Аллоҳ ҳалок қилгур, унга озор берма. У сенинг олдингда вақтинча меҳмон, холос. У яқинда сендан ажраб, бизга келади», дейди» (Имом Термизий ривояти).

Фасл

Аёл эрига итоат этишга, розилигини қозонишга буюрилганидек, эр ҳам хотинига эҳсон қилишга, лутф-марҳамат кўрсатишга, унинг айрим ножўя ҳаракатларига сабр қилишга, яхши, тинч-тотув яшаш, едириб-ичириш ва кийдириш каби ҳақларини адо этишга амр қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«...Улар билан тотув турмуш кечирингиз...» (Нисо сураси 19-оят).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Огоҳ бўлинглар, аёлларга доимо яхши муносабатда бўлинглар. Улар сизларнинг қўл остингиздаги асирлар, холос. Бундан бошқа уларнинг бирор нарса-сига эғалик қила олмайсизлар. Магар улар очик фаҳш иш қилсалар (унда ҳақингиз бор). Агар итоатсизлик қилсалар, уларни ётоқларида тарк этинглар, сўнгра жароҳат етказмайдиган қилиб уринглар. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар.

Огоҳ бўлинглар, аёлларингиз устида сизларнинг ҳақингиз бор ва сизларнинг устингизда аёлларингизнинг ҳақи бор. Улар устидаги ҳақларингиз – тўшагингизни сиз ёқтирмайдиган кимсага бостирмаслиги ва сиз хушламайдиган кимсани уйингизга киритмаслигидир. Сизнинг устингиздаги ҳақлари – уларга кийимлари ва таомларини эҳсон қилишингиздир» (*Имом Ибн Можа ва Термизий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Яхшиларингиз аҳлига яхши бўлганларингиздир», дедилар (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўминларнинг энг имони мукаммали хулқи гўзалроқ бўлгандир. Яхшиларингиз хотинларига яхши бўлганларингиздир» (*Имом Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Асарда келган: «Қайси эркак хотинининг ёмон хулқига сабр қилса, Аллоҳ унга Айюб (алайҳиссалом)га балолари эвазига берилган миқдорда ажр беради. Қайси аёл эрининг ёмон хулқига сабр қилса, Аллоҳ унга Фиръавннинг хотини Осиё бинт Музоҳимга берилган миқдорда савоб ато этади».

Ривоят қилинишича, бир киши Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)га хотинининг хулқи ёмонлигидан шикоят қилиш учун келиб, у зотнинг эшиги ёнига туриб, чиқишини кутди. Шу пайт Умарга хотини қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб, ҳеч нарса демай, жим бўлиб қолди ва: «Амирул муъминин бўлатуриб, яна шунчалик шиддати ва салобати билан Умарнинг ҳоли шу бўлса, менинг аҳволим нима бўларди?» деб изига қайтди. Шунда Ҳазрат Умар уйдан чиқиб, ҳа-

лиги одамнинг қайтиб кетаётганини кўрибоқ, ёнига чорладилар-да: «Нима эҳтиёжинг бор?» деб сўрадилар. У «Эй амирул мўминин, хотинимнинг хулқи ёмонлиги ва тили узунлигидан сизга шикоят қилиш учун келган эдим. Қарасам, сизнинг хотинингиз ҳам шундай экан. Ўзимча, амирул мўмининнинг ҳоли шу бўлса, менинг аҳволим нимаям бўларди, дедим», дея жавоб берди. Шунда Умар: «Эй биродар, хотинимнинг менда бир қанча ҳақлари бўлгани боис бу қилиғига сабр қилдим. Зеро, у овқатимни пиширади, нонимни ёпади, кийимларимни ювади, боламни эмизади. Ҳолбуки, буларнинг барчаси ҳам унга вожиб эмас. У сабабли қалбим таскин топади, ҳаромдан сақланаман. Шу боис сабр қилдим», дедилар. У: «Эй амирул мўминин, менинг хотиним ҳам шундай», деганида Умар (розияллоху анху): «Эй биродар, сабр қил. Бу озгина муддат, холос», дедилар.

Ҳикоят

Ҳикоя қилинишича, бир кишининг Аллоҳ йўлида солиҳ дўсти бўлиб, уни ҳар йили бир марта зиёрат қилар эди. Бир куни биродарини кўргани келиб, эшигини тақиллатди. Хотини: «Ким?» деб сўради. У: «Эрингнинг Аллоҳ йўлидаги дўстиман, уни зиёрат қилиш учун келдим», деди. Шунда хотини: «Ўтин теришга кетганди. Аллоҳ уни соғ қайтармасин, саломат қилмасин, ундай қилсин, бундай қилсин», дея қарғай кетди. У киши эшик олдида турган вақтда тоғ тарафдан биродари шерга бир қучоқ ўтин ортиб келди. У билан саломлашгач, хуш келибсиз деб, ўтинни ичкарига киргизиб, шерга: «Баракаллоҳ, энди бора қол», деди. Сўнг бирода-

рини ичкарига таклиф қилди. Хотини ҳануз қарғанар, тили билан озор берар, эри эса бир сўз қайтармай, сукут сақларди. Солиҳ киши дўсти билан бир оз тамадди қилган бўлди. Сўнг уйига қайтди ва биродарининг шундай бемаъни хотинига сабр қилиб яшаётганидан ажабланарди.

Орадан бир йил ўтгач, у киши одатига биноан, дўстини зиёрат қилиш учун келиб эшигини қоқди. Хотини: «Ким?» деди. У: «Эрингизнинг Аллоҳ йўлидаги биродари, фалончиман», деди. Хотини: «Марҳабо, хуш келибсиз. Ўтириб тулинг, у киши, иншааллоҳ, соғ-саломат келадилар», деди. У зот аёлнинг ширинсўз ва одоблигидан ажабланди. Шу пайт улфати ўтин орқалаб келди. У бундан ҳам ҳайратга тушди. Биродари келиб у билан саломлашиб, ичкарига таклиф қилди. Хотини уларга таом ҳозирлади ва уларни ширинсўзлик билан таомга таклиф қилди. Киши кетиши олдидан дўстига: «Сиздан бир нарсa сўрамоқчи эдим», деди. Биродари: «Нима?» деди. У киши: «Ўтган йили келганимда хотинингиз одобсиз, кўп қарғанарди, сиз эса ўтинни шерга ортиб келдингиз. Ваҳший ҳайвон амрингизга мунтазир эди. Бу йил эса, хотинингиз ширинсўз, қарғанмайди. Бироқ ўтинни ўзингиз орқалаб келдингиз. Бунинг боиси нима?» деб сўради. Шунда улфати жавобан: «Эй биродар, ўша бемаъни хотиним вафот этди. Унинг ахлоқсизлиги ва қилиқларига сабр қилар эдим. У билан яшаш беҳузурлик берса-да, чидаганим туфайли шекилли, Аллоҳ таоло менга ўша шерни бўйсундириб қўйган, у оғиримни енгил қиларди. Хотиним вафот этгач, мана шу солиҳа аёлга уйландим. Бу муборак, мутеъ аёл билан роҳат-фароғатда яшаяпман. Шу боис, шер келмай қўйди ва ўтинни ўзим орқалаб келишга мажбур бўляпман», деди.

Аллоҳ таолодан Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган нарсаларга сабр-бардошли этишини сўраймиз. Албатта, У марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Қирқ биринчи гуноҳи кабира

ДАЮСЛИК ВА ҚЎШМАЧИЛИК

Аллоҳ таоло айтади:

الزَّانِي لَا يَنْكِحُ إِلَّا زَانِيَةً أَوْ مُشْرِكَةً وَالزَّانِيَةُ لَا يَنْكِحُهَا إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ وَحُرِّمَ ذَلِكَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ

«Зинокор эркак фақат зинокор аёлни ёки мушрикани никоҳлаб олур. Зинокор аёлни ҳам фақат зинокор эркак ёки мушрик никоҳлаб олур. Бу (иш) мўминларга ҳаром қилинди» (Нур сураси 3-оят).

Мазкур ояти каримада ифодаланишича, зинокор, фосиқ кимса солиҳа аёлларга уйланишга рағбат кўрсатмайди. Ақсинча, ўзига ўхшаган нопок, фосиқа аёлга ёки мушрикага уйланишни хоҳлайди. Шунингдек, солих кишилар фосиқа, нопок аёлга уйланишга рағбат билдиришмайди. Уларга фосиқ ва мушриклар рағбат-хоҳиш билдиради.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Уч тоифа одам жаннатга кирмайди: ота-онасига оқ бўлган, даюс, эркакшода аёл» (Имом Насоий, Баззор ва Ҳоким ривояти).

Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Уч тоифа одам ҳеч қачон жаннатга кирмайди: даюслар, эркакшода аёллар, хамр (маст қилувчи нарс)га мукка-

сидан кетганлар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, хамрга мук-касидан кетганни, биламиз. Даюс ким?» деб сўрашди. У зот: «Аҳлининг ҳузурига ким кираётганига парво қилмайдиган кимса», деб жавоб бердилар. «Эркакшода аёл ким?» деб сўрашди: «Ўзини эркакларга ўхшатадиган аёл», дедилар (*Имом Табароний ривояти*).

Мусанниф (рахматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Ким хотинини фоҳишалик қилади, деб ўйласа-ю, бироқ уни яхши кўргани ёки маҳрини тўлашга қурби етмаслиги ё ёш болалари бўлиб, ажрашган тақдирда, уларнинг нафақасини талаб қилишдан қочгани сабабли хотинининг хиёнатини билмаганга олса, ундай кимса бу хотин билан яшашга лойиқ эмас. Ғайурлиги – рашки йўқ кимсада ҳеч бир яхшилик бўлмайди.

Покиза аёлни ўз ҳолига қўймай, фоҳишага айланишига сабабчи бўладиган қўшмачига икки ҳисса гуноҳ бўлади.

Аллоҳдан барча бало-офатдан омон сақлашни сўраймиз. Албатта, У саховатли ва марҳаматли Зотдир.

Қирқ иккинчи гуноҳи кабира

ПОКИЗА АЁЛЛАРГА ТУҲМАТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لُعْنُوا فِي الدُّنْيَا
وَالْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٢٣﴾ يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ
وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾

«Албатта, (фаҳш ишлардан) беҳабар, иффатли мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар

дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатланурлар. Уларга улкан азоб бордир. (У кун) уларнинг қилиб ўтган иш (бўхтон)лари билан тиллари, қўл ва оёқлари уларга гувоҳлик берадиган кундир» (Нур сураси 23–24-оятлар).

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً
وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٤١﴾

«Иффатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан урингиз ва абадулабад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз! Ана ўшалар фосиқ кишилардир» (Нур сураси 4-оят).

Аллоҳ таоло ҳаромдан сақланган, покиза, ҳур аёлни «зинокор» ёки «фоҳиша» деб тухмат қилган кимсага дунёю охиратда лаънат ва улкан азоб бўлишини, бу дунёда эса саксон дарра урилиб, гарчи ишончли бўлса-да, гувоҳлиги бошқа қабул қилинмаслигини баён қилди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглар», деб: «(Бузуқ ниятлардан) ғофил, покиза, мўмина аёлларга тухмат қилиш»ни ҳам санаб ўтганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Тухмат қилиш – покиза, ҳур, муслима аёлга «эй зинокор» ёки «эй фоҳиша» ё шу каби маънодош сўзларни айтиш, эрига «эй фоҳишанинг эри», ўғлига «эй фоҳишанинг ўғли», қизига «эй фоҳишанинг қизи» дейиш каби ибораларни сўзлашдир.

Бирорта эркак ё аёл бошқа эркак ёки аёлга ёхуд ёш болага бу ва шунга ўхшаш сўзларни айтса, шуларнинг ростлигига тўртта гувоҳ келтириши лозим.

Шунингдек, қулига туҳмат қилган кимса ҳам азобга гирифтор бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Ким қулига «зинокор», деб туҳмат қилса, қиёмат кунда унга ҳад (жазо) қўлланади. Агар гапи рост бўлса, (жазо) қўлланмайди» (*Муттафақун алайҳ*).

Кўп жоҳиллар ҳаёсиз сўзларни айтишга одатланишган. Ҳолбуки, улар шу сўзлари билан дунёда гуноҳкор, охиратда азобга гирифтор бўладилар. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Банда ўйламасдан бир сўзни айтади-да, у сабабли машриқ билан мағриб оралиғидан кўра узунроқ масофага дўзахга қулайди» (*Муттафақун алайҳ*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Одам фарзанди хатоларининг аксарияти тилидандир», дедилар» (*Имом Табароний ва Байҳақий ривояти*).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Аллоҳга ва охират кунига ишонган киши яхшиликни гапирсин ёки сукут сақласин», дейилган (*Муттафақун алайҳ*).

Савбон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Тилига эғалик қилган, уйи сиғдирган ва хатоларига йиғлаган кишига жаннат бўлсин», дедилар (*Имом Табароний ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўмин таъна қилувчи, лаънат айтувчи, ахлоқсиз ва ҳаёсиз сўзларни гапирувчи бўлмайди» (*Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳ таоло лутф-марҳамати ила барчамизни тилларимиз ёмонлигидан сақласин. Албатта, у саховатли ва марҳаматли Зотдир.

Қирқ учинчи гуноҳи кабира

ЛАЪНАТ АЙТИШ

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўминни лаънатлаш уни ўлдириш билан баробардир» (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Лаънатловчилар қиёмат кунда шафоатчи ҳам, гувоҳ ҳам бўлмайдилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Имом Муслим ривоят қилган бошқа ҳадисда: «Сиддиқ киши лаънатловчи бўлиши тўғри эмас», дейилган.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўмин таъна қилувчи, лаънат айтувчи, ахлоқсиз ва ҳаёсиз сўзларни гапирувчи бўлмайди» (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Агар банда бирон нарсани лаънатласа, лаънат осмонга кўтарилади. Шунда осмон эшиклари унинг қаршисида ёпилади. Сўнг ерга қайтади. Унинг қаршисида ер эшиклари ҳам ёпилади. Кейин ўнгга-сўлга юради. Агар бирор имконият (қўнимгоҳ) тополмаса, лаънатланган киши муносиб бўлса, унга қайтади. Акс ҳолда, айтган одамга қайтади» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туясини лаънатлаган аёлни ундан маҳрум қилиш билан жазолаганлар.

Имрон ибн Хусойн (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафарда эдилар. Бир вақт ансорий аёллардан бири аччиқланиб, миниб келаётган туясини лаънатлади. У зот (алайҳиссалом) буни эшитиб: «Устидаги нарсаларни олиб, ўзини қўйиб юборинглар. Зеро, у малъун (лаънатланган)дир», дедилар. Имрон: «Мен эса, ўша туя одамлар орасида юргани-ю, унга ҳеч ким тегмаганини ҳозир ҳам кўриб тургандекман» (*Имом Муслим ривояти*).


Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Киши биродарининг ор-номусига тажовуз қилиши энг катта судхўрлиқдир» (*Имом Баззор ривояти*).

Амр ибн Қайс айтганлар: «Агар киши уловига минса, у (улови): «Ё Аллоҳ, уни менга меҳрибон ҳамроҳ қилгин», дейди. Агар уни лаънатласа: «Аллоҳ ва Расулига осий бўлганларимизга Аллоҳ азза ва жалланинг лаънати бўлсин», дейди.


Фасл

Муайян, маълум бир шахсни номламай, гуноҳкорларни лаънатлаш жоизлиги хусусида

Аллоҳ таоло айтади:



«...Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати золиmlарга (бўлур)» (*Худ сураси 18-оят*).



«...сўнгра (биргаликда) илтижо қиламиз, бас, ёлғончиларга Аллоҳ лаънати тилаймиз» (Оли Имрон сураси 61-оят).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рибо еювчини, едирувчини, котибини ва гувоҳларини лаънатлаганлар» (Имом Муслим ривояти).

Яна у зот (алайҳиссалом): «Аллоҳ ҳалол қилувчини ҳам, ҳалоллатувчини ҳам лаънатлади», дедилар (Имом Ибн Можа ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзини юлувчи, ёқасини йиртувчи ва ўзига ўлим тиловчи аёлларни лаънатладилар (Имом Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Отасини сўккан кимса малъундир. Онасини сўккан кимса малъундир. Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйган кимса малъундир. Ер чегараларини ўзгартирган кимса малъундир. Ҳайвонга яқинлик қилган кимса малъундир. Лут қавми амалини қилган кимса ҳам малъундир», дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Набий (алайҳиссалом) айтганлар: «Аллоҳ таоло ота-онасига оқ бўлган кимсани лаънатлади» (Имом Табароний ва Ҳоким ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хотинининг орқасига яқинлик қилган кимса малъундир», дедилар (Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дод солиб йиғловчи ва уни тингловчи аёлни лаънатлаганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ўғри ҳам лаънатлангандир.

Ойша (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Саҳобаларимни сўк-

манглар. Саҳобаларимни сўккан кимсани Аллоҳ лаънатласин», дедилар» (*Имом Табароний ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларга тақлид қиладиган эркакларни ва эркакларга ўзларини ўхшатадиган аёлларни ҳамда сахрога ёлғиз сафар қилган кишини лаънатлаганлар» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларини аёлларга ўхшатадиган эркакларни ва ўзларини эркакларга тақлид қиладиган аёлларни лаънатлаганлар» (*Имом Бухорий ва бошқалар ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатлаганлар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Ҳузайфа ибн Усайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мусулмонларга йўлларида озор берадиган кимсага уларнинг лаънати вожиб бўлади», деганлар (*Имом Табароний ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким биродарига темир парчаси билан ишора қилса, (бу ҳаракатидан) тўхтамагунича фаришталар унга лаънат айтиб туришади. Гарчи у ота бир ёки она бир акаси бўлса ҳам», деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзига тамға босилган эшак ёнидан ўтаётиб: «Унинг юзига тамға босган кимсани Аллоҳ лаънатласин», дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзга тамға босадиган кимсани лаънатлаганлар (*Имом Табароний ривояти*).

Эрининг тўшагини тарк этган ҳолда тунайдиган аёл қайтмағунича лаънатланади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Эр хотинини тўшагига чорлаганида келмаса ва эри ундан норози бўлиб тунаса, тонг отгунча фаришталар у аёлни лаънатлайди» (*Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аёл уйдан чиқса-ю, эри норози бўлса, унга уйига қайтгунича осмондаги барча фаришталар ва инсу жиндан ташқари ёнидан ўтган ҳар бир нарса лаънат айтиб туради» (*Имом Табароний ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Сизлардан илгари ўтган Бани Исроил қавмида бирор киши хато иш қилса, бошқа бири уни койиб, бу амалдан қайтарарди. Эртасига эса, унинг кечаги айбини кўрмагандай, у билан бирга ўтирар, еб-ичар эди. Аллоҳ таоло уларнинг бу амалини кўргач, баъзиларининг қалбини айримлари сабабли муҳрлади ҳамда уларни Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатлади. Улар осийлик қилгани ва ҳадларидан ошгани боис шу балоларга дучор бўлишди. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, албатта, яхшиликка буюрасизлар, ёмонликдан қайтарасизлар, хатокорнинг қўлидан тутиб, Ҳаққа, албатта, йўллайсизлар. Йўқса, Аллоҳ, албатта, баъзиларингиз қалбини айримларингиз сабабли муҳрлайди ва уларни лаънатлаганидек, сизларни ҳам лаънатлайди» (*Имом Табароний ривояти*).

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча қурайшлик ўтирган уйга кириб, эшикнинг икки ёндо-
ридан тутиб: «Уйда фақат қурайшликлар борми?» деб сўрадилар. Улар: «Йўқ, синглизмининг ўғли ҳам бор», дейишди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қавм синглизининг ўғли ҳам улардандир», дедилар. Сўнг: «Албатта, бу иш раҳм-шафқат сўрашганида раҳм-шафқат кўрсатар, ҳукмда адолат қилар ва тақсимотда тўғри, ҳалол тақсимлар экан, Қурайш қўлида бўлади. Ким буни қилмас экан, унга Аллоҳнинг, фаришталар-нинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлур» (*Имом Табароний ривояти*).

Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинади: Зубайр (ро-
зияллоҳу анҳу) бир ўғрини учратиб, уни шафоатига олди. Ундан: «Имомга (бошлиққа) олиб боргунча шафоа-тингизга олдингизми?» деб сўрашди. У зот: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек, Аллоҳ (имомга) етган вақтда шафоат қилувчини ҳам, шафоат қилдирувчини ҳам лаънатлайди», дея жавоб бердилар (*Имом Табароний ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расу-луллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор ҳукм бора-сида пора берувчини ҳам, олувчини ҳам лаънатлаганлар» (*Имом Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Бошқа ривоятда: «Улар орасини келиштирувчи – дал-лолни ҳам лаънатлаганлар», дейилган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қили-нади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аёл ва қизи орасини жамлаган (яъни, иккаласини ҳам ни-коҳига олган) кимса малъундир», дедилар (*Имом Таба-роний ривояти*).

Илмни яширган кимса ҳам малъундир.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ
لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعْنُونَ ﴿١٥٩﴾

«Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни (Мухаммаднинг барҳақ пайғамбар эканини) одамларга Китоб (Таврот)да аниқ қилиб берганимиздан кейин (уни) яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар (фаришталар ва мўминлар) ҳам лаънатлагайлар» (Бақара сураси 159-оят).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларга тақлид қиладиган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатадиган аёлларни, «турмуш қурмай ўтаман», дейдиган зоҳид эркакларни ва шундай зоҳида аёлларни ҳамда ёлғиз мусофирни лаънатладилар. Бу (яъни, ёлғиз мусофирни лаънатлаганлари) саҳобаларга ёқмади. Бу уларнинг юзларидан билиниб турарди. Кейин у зот: «Ёлғиз ўзи ухловчи ҳам (малъундир)», дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Қирқ тўртинчи гуноҳи кабира

ИНСОННИНГ ЎЗ НАСАБИДАН ТОНИШИ

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Ким билатуриб, отасидан бошқа кишини «отам» деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Оталарингдан юз ўғирманглар, ким отасидан воз кечса, кофир бўлибди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Язид ибн Шурайк айтадилар: «Али (розияллоҳу анҳу) минбарда хитоб қилиб бундай дердилар: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, бизнинг ҳузуримизда Аллоҳнинг Китобидан ва ушбу саҳифадаги нарсадан бошқа ўқийдиган китобимиз йўқ». Сўнг саҳифани очдилар. Унда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу сўзлари бор эди: «Мадина Айрдан Савргача ҳурматлидир. Ким бу ерда янги иш (бидъат) пайдо қилса ёки бидъатчига жой (бошпана) берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлур. Аллоҳ қиёмат кунида бундай кимсанинг на фарз, на нафл ибодатларини қабул қилур. Ким отасидан бошқа кишини «отам» деб даъво қилса ёки ўзини хўжайинларидан бошқа кишиларга мансуб деб билса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлур. Аллоҳ қиёмат кунида бундай кимсанинг на фарз, на нафл ибодатларини қабул қилур» (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қайси бир кимса билатуриб, отасидан бошқа кишини «отам» деса, аниқ кофир бўлибди. Ким ўзиники бўлмаган нарсани «меники» деб даъво қилса, биздан эмас. Ундай кимса ўзига дўзахдан жой ҳозирлайверсин. Ким бир кишини «кофир» ёки «Аллоҳнинг душмани» деса, ҳолбуки, у бундай бўлмаса, айтган сўзи унинг ўзига қайтади» (*Имом Муслим ривояти*).

Аллоҳдан афв, офият ҳамда Ўзи суйган, рози бўлган амалларга муваффақ этишини сўраймиз. Албатта, У саховатли ва марҳаматли Зотдир.

Қирқ бешинчи гуноҳи кабира

ОТА-ОНАГА ОҚ БЎЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ
عِنْدَكَ الْكَبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍ وَلَا
تَنْهَرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَآخِضْ لَهُمَا جَنَاحَ
الذِّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилиши-
нгизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр
этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси
ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!...»
дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз
айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини
паст тут ва (дуода) айт: «Эй Раббим! Мени (улар)
гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам
уларга раҳм қилгин!...» (Исро сураси 23–24-оятлар).

Фарзанд ҳамиша ота-она хизматига тайёр туриши
лозим. Чунки улар боласининг хизматини қойиллатиб
қилишган. Шунингдек, улар фарзанд камоли, униб-
ўсиши умидида, унинг ҳар хил қилиғу озорларини кў-
таришган. Фарзанд эса, гарчи улар озорига сабр қилса
ҳам, бу уларнинг ўлимигача давом этади, холос. Қай би-
рининг ҳақи-хизмати улуғ эканига ўзингиз баҳо беринг.

أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَى الْمَصِيرِ ﴿١٤﴾

«...(Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг хузуримгадир»» (Луқмон сураси 14-оят).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтганлар: «Уч оят уч нарсга боғлиқ бўлиб тушган. Уларнинг бири шеригисиз қабул қилинмайди.

Биринчиси:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз!..» (Муҳаммад сураси 33-оят).

Ким Аллоҳга итоат этса-ю Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га итоат қилмаса, мақбул эмас.

Иккинчиси:

وَأَقِمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الزَّكَاةَ

«Намозни баркамол ўқингиз, закот берингиз...» (Бақара сураси 43-оят).

Ким намоз ўқиса-ю закот бермаса, қабул қилинмайди.

Учинчиси:

أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَلَدَيْكَ

«...(Биз инсонга буюрдикки) “Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин!..”» (Луқмон сураси 14-оят).

Ким Аллоҳга шукр қилса-ю ота-онасига шукр этмаса, мақбул эмас».

Шунинг учун Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Парвардигор розилиги отанинг розилигидадир.

Парвардигор норозилиги отанинг норозилигидадир (Ота рози – Худо рози, ота норози – Худо норози)», деганлар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, жиҳодга боришга изн сўради. У зот (алайҳиссалом): «Ота-онанг ҳаётми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа», деди. «Улар йўлида жиҳод қилгин», дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онага яхшилик қилиш, хизматларига шай туришни жиҳоддан устун қўйганларига эътибор беринг-а!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттаси ҳақида хабар берайми? (Улар) Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш», дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Ота-онага ёмон муносабатда бўлиш, уларга яхшилик қилмасликни ширкдек энг улкан гуноҳ билан ёнма-ён зикр қилинганига ҳам эътибор беринг-а!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қиёмат куни Аллоҳ уч тоифа одам: ота-онасига оқ бўлган, ичкиликка муккасидан кетган ва берган нарсасини миннат қилганга қарамайди», дедилар (*Имом Насоий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ ота-онасига оқ бўлган кимсани лаънатлади», дедилар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кишининг ўз ота-онасини сўкиши гуноҳи кабиралардандир», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, инсон ўз ота-онасини ҳам сўкадами?» деб сўрашди. У зот (алайҳиссалом): «Ҳа, бировнинг отасини сўкканида, у бунинг отасини сўкади.

Онасини сўкканида эса, у бунинг онасини сўкади», дедилар. (*Муттафақун алайҳ*).

Мухтож бўлиб қолган ота-онага инфоқ-эҳсон қилиш ҳам уларга яхшилик қилиш жумласидандир.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг мол-мулким ва болаларим бор. Отам эса мол-мулкимни олиб қўймоқчи», деди. У зот (алайҳиссалом): «Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир», дедилар» (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Бир киши Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)нинг ҳузурига келиб: «Эй Абу Дардо, мен бир аёлга уйландим. Лекин онам уни талоқ қилишимни буюрди», деди. Абу Дардо: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Ота-она жаннатнинг энг ўрта эшигидир», деганларини эшитганман. Хоҳласанг шу эшикни бузиб ташла, йўқса, сақлаб қол», дедилар (*Имом Термизий ва Ҳоким ривояти*).

Амр ибн Мурра Жуханий (розияллоҳу анҳу) дедилар: «Бир киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, сиз шубҳасиз, У Зотнинг элчисидирсиз, деб гувоҳлик бердим, беш вақт намозни ўқидим, молимнинг закотини бердим ва рамазонда рўза тутдим. Менга нима (қандай мукофот) берилади?» деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом): «Ким мана шу ҳолатда вафот этса, қиёмат кунда пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан ана шундай бирга бўлади», деб икки бармоқларини тикладилар ва: «Модомики ота-онасига оқ бўлмаса», деб қўшиб қўйдилар» (*Имом Аҳмад ва Табароний ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Уч хил дуонинг ижобат бўлишида шак-шубҳа йўқ,

(улар): мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг фарзанди ҳақиға қилган дуоси» (*Имом Термизий ривояти*).

Ривоят қилинишича, Аллоҳ гуноҳлардан хоҳлаганини қиёмат кунига олиб қўяди. Аммо ота-онасига оқ бўлиш бундан мустасно. Аллоҳ ота-онасига оқ бўлган одамни ўлмасидан олдин шу дунёнинг ўзидаёқ жазолайди.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан: «Аъроф нима? У ерда кимлар бўлади?» деб сўрашди. У зот: «Аъроф жаннат билан дўзах орасидаги тоғ бўлиб, жаннат ва дўзахдан баландроқ бўлгани боис «аъроф» (тепалик) деб номланган. У ерда дарахтлар, мевалар, анҳорлар ва булоқлар бор. Аърофда ота-оналарининг розилигисиз жиҳодга чиқиб, ўлдирилган кишилар бўлади. Уларни Аллоҳ йўлида қатл қилинганлари дўзахга тушишидан тўсса, ота-оналарига оқ бўлганлари жаннатга киришдан ман қилади. Аллоҳ улар хусусида ҳукмини чиқармагунича, улар Аърофда бўлурлар», дедилар.

Каъбул Аҳбор (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Аллоҳ таоло ота-онасига оқ бўлган бандани тезроқ жазолаши учун уни эртароқ ҳалок этади. Аллоҳ таоло ота-онасига меҳрибон бандани эса, янада кўпроқ яхшилик ва меҳрибонлик қилиши учун унинг умрини узун қилиб қўяди».

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га: «Ё Мусо, ота-онангни эҳтиром қил. Зеро, ким ота-онасини эҳтиром этса, унинг умрини зиёда қиламан ва унга ҳам ўзини ҳурмат қиладиган фарзанд бераман. Ким ота-онасига оқ бўлса, унинг умрини қисқа қиламан ва унга ҳам ўзига итоатсизлик қиладиган фарзанд бераман», деб ваҳий қилди.

Абу Бакр ибн Абу Марям айтадилар: «Тавротда: «Ким отасини урса, ўлдирилади», дейилганини ўқидим».

Ваҳб айтади: «Тавротда: «Ким ота-онасига қўл кўтарса, тошбўрон қилинади», дейилган».

Ривоят қилинишича, ота-онасини ҳақорат қилган кимса қабрига, осмондан ерга тушадиган ҳар бир томчи миқдорича қизиган чўғ тушади.

Ривоят қилинади, ота-онасига оқ бўлган кимсанинг қабри қаттиқ сиқади. Ҳатто, қовурғалари бир-бирига кириб кетади. Қиёмат кунида энг қаттиқ азобга гирифтор бўладиган инсонлар уч тоифа бўлиб, улар мушрик, зинокор ва ота-онасига оқ бўлган кимсалардир.

Каъбул Аҳбордан: «Ота-онага оқ бўлиш нима?» деб сўрашди. У киши: «Агар отаси ёки онаси унинг номидан қасам ичса, қасамини оқламайди. Бирор ишга буюрса, буйруғига итоат этмайди. Бирор нарса сўраса, бермайди ва омонат қўйса, хиёнат қилади», деб жавоб бердилар.

Онанинг фазилати

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, гўзал муомала-муносабатда бўлишимга энг ҳақдор инсон ким?» деб сўради. У зот: «Онанинг», деб жавоб бердилар. «Кейин-чи?» деди. Яна: «Онанинг», дедилар. «Кейин-чи?» деб сўради. Яна такрор: «Онанинг», дедилар. «Кейин-чи?» деди. «Онанинг» дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) онага яхшилик қилишга уч бора буюриб, кейин отага яхшилик қилишни айтдилар. Чунки она фарзанд ўстиришда

кўпроқ қийинчиликни бошидан кечирази ва отага нисбатан меҳрибонроқ бўлади.

Муовия ибн Жохима айтадилар: «(Отам) Жохима Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Мен ғазот қилмоқчиман, сиздан маслаҳат сўрагани келувдим», деб сўради. У зот (алайҳиссалом): «Онанг ҳаётми?» дедилар. «Ҳа», деди. У зот (алайҳиссалом): «Бориб онангни лозим тут (мудом хизматида бўл). Зеро, жаннат онанг оёғи остидадир», дедилар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир аёл: «Ё Расулуллоҳ, мана бу ўғлимга қорним жой, бағрим бошпана, кўкрагим эса суғорадиган меш бўлган эди. Энди уни отаси тортиб олмоқчи», деди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Модомики никоҳланмас бошқа эрга тегмас экансан, сен унга ҳақди роқсан», дедилар» (*Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Ҳоким ривояти*).

Шунингдек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хола она мақомидадир», деганлар (*Имом Аҳмад, Бухорий ва Муслим ривояти*).

Яъни, холага ҳам яхшилик, хайр-эҳсон, ҳурмат кўрсатиш лозим.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) онасини елкасига миндириб, Каъбани тавоф қилдираётган кишини кўрдилар. У одам: «Эй Ибн Умар, мен онамнинг ҳақини адо қила олдими?» деб сўради. У зот: «Тўлғоқларидан бир тўлғоқ ҳақини ҳам адо эта олмадинг. Аммо, яхши иш қилдинг. Аллоҳ сенинг озгина яхшилигингга кўп савоблар берур», дедилар.

Бишр айтганлар: «Қайси бир киши онасига гапини эшитадиган даражада яқин бўлса, бу унга Аллоҳ йўлида қилич чопишгандан кўра афзалроқдир. Онасига назар солиш эса барчасидан аълодир».

Аллоҳдан бизни Ўзининг розилигига муваффақ этишини, ғазабига учрашдан сақлашини сўраймиз. Албатта, У марҳаматли, меҳрибон ва раҳмли Зотдир.

Қирқ олтинчи гуноҳи кабира

ҚАРИНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАНИ УЗИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ

«...Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз!...» (Нисо сураси 1-оят).

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ
أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَرَهُمْ ﴿٢٢﴾

«Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз, албатта. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) «кар», кўзларини «кўр» қилиб қўйгандир» (Муҳаммад сураси 22–23-оятлар).

Қуртубий (раҳимахуллох) айтадилар: «Аллоҳ таоло бу ишни қилган кимса лаънатга дучор бўлишини, кўзи ва қулоғидан ҳақиқий суратда фойдаланишдан маҳрум этилишини, гарчи кўрса ҳам, яхши эшитса ҳам, Ҳаққа эргашмаслигини ва уни ақл юритмайдиган ҳайвон каби қилиб қўйишини хабар берди».

الَّذِينَ يُؤْفُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَلَا يَنْقِضُونَ الْمِيثَاقَ ﴿٢٠﴾ وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ

اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْهُمْ رَيْبَهُمْ وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ ﴿٢١﴾

«Улар Аллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва «ал-Мийсоқ»ни (ваъдани) бузмайдиганлардир. Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни қариндошлар билан алоқани) боғлайдилар, Парвардигорларидан кўрқадилар ва (охиратда) ҳисоб-китобнинг нохуш кечишидан чўчийдилар» (Раъд сураси 20–21-оятлар).

يُضِلُّ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا وَمَا يُضِلُّ بِهِ إِلَّا الْفَاسِقِينَ ﴿٢٦﴾ الَّذِينَ يَتَقَضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٢٧﴾

«...У (масал) билан Аллоҳ кўпларни адаштиради ва у билан кўпларни (тўғри йўлга) ҳидоят қилади. Лекин (Аллоҳ) у билан фақат (аслида бетавфиқ бўлиши муқаррар) фосиқларнигина адаштиради, қайсики, (улар) Аллоҳ аҳдини, унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер (юзи)да бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Улар, албатта, зиён кўрувчилардир» (Бақара сураси 26–27-оятлар).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қариндош-уруғчилик алоқаларини узувчи кимса жаннатга кирмайди», деганлар (Мутаффақун алайҳ).

Бой киши такаббурлик қилиб камбағал қариндошларидан алоқани узса, уларга хайр-эҳсон қилмаса, мазкур ҳадиси шарифдаги таҳдид унга ҳам тааллуқлидир. У

жаннатга киришдан маҳрум бўлади. Аммо Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилиб, қариндошларига эҳсон қилганлар бундан мустасно.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мени ҳақ (дин) билан юборган Зотга қасамки, Аллоҳ силаи раҳмга (хайр-эҳсонга) муҳтож қариндошлари бўлатуриб, бошқаларга эҳсон қиладиган кишининг садақасини қабул қилмайди. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ қиёмат куни бундай кимсага қарамайди», деганлар (*Имом Табароний ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қайси бир инсон қариндошининг олдига бориб, Аллоҳ унга ато этган фазл-бойлигидан сўраса-ю, у бахиллик қилса, Аллоҳ унга жаҳаннамдан «шужоъ» деб номланган илон чиқаради. Илон уни чақиб, бўйнига ўралиб олади», деганлар (*Имом Табароний ривояти*).

Киши фақир бўлса-да, қариндошлар билан алоқани боғлаши буюрилган. Шу боис уларни зиёрат қилиш, улар ҳолидан хабар олиш билан алоқани ўрнатиши керак. Зеро, бу иш имондандир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқани боғласин», дедилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Қариндошлар билан алоқани боғлаш ризқнинг зиёда, умрнинг узун бўлишига сабабдир ва ёмон ўлимдан сақлайди.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимни умри узун, ризқи кенг бўлиши ва ёмон ўлимдан сақланиши хурсанд қилса, Аллоҳга тақво қилсин ва

қариндошлари билан алоқани боғласин», деганлар (Абдуллоҳ ибн Имом Аҳмад ва Баззор ривояти).

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Раҳм (қариндошлик) Аршда муаллақ туради ва: «Мени боғлаганни Аллоҳ боғласин, мени узганни Аллоҳ узсин», дейди», деганлар» (Муттафақун алайҳ).

Қариндошлар билан алоқани узиш тез орада жазоланиш ва уқубатга учрашнинг асосий сабабларидандир.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ охи-ратда ҳозирлаб қўйган уқубатдан ташқари бу дунёда ҳам жазо беришига зўравонлик ва қариндошлар билан алоқани узишдан кўра муносиброқ гуноҳ йўқ», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Жавоб қайтарувчи (келганникига борувчи) қариндошлик алоқаларини боғловчи эмас. Бироқ қариндошлик алоқаси узилса, уни боғлаган киши қариндошлик алоқаларини боғловчидир» (Имом Бухорий ва бошқалар ривояти).

Умму Кулсум бинт Уқба (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Гина сақловчи қариндошга қилинган садақа-эҳсон энг афзал садақадир», дедилар (Имом Ибн Хузайма ва Ҳоким ривояти).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «Сендан узилган кишига боғлангин», дейилади.

Силаи раҳм қилиб, қариндошлик алоқаларини боғлаш вожиб бўлган қариндошлар – опа-сингиллар, хола-лар, аммалар ва опа-сингилларнинг қизларидир.

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу)нинг мавло-
си – озод қилган қул Сулаймон айтади: «Пайшанба
оқшоми – жумага ўтар кечаси даврамизга Абу Ҳурай-
ра келиб: «Орамиздан туриб кетмагунча қариндоши
билан алоқани узган ҳар бир киши қийин аҳволда
қолади», дедилар. Бу сўзни уч маротаба такрорла-
салар-да, ҳеч ким ўрнидан қимирламади. Кейин бир
йигит туриб, икки йилдан бери алоқасини узиб қўй-
ган аммасининг олдига келди. Ҳузурига киргач, ам-
маси: «Эй жиян, қайси шамол учирди?!» деб сўради.
У: «Абу Ҳурайра шундай-шундай айтди», деди. Ам-
маси: «Бориб сўра-чи, нега бундай деган экан?» де-
ди. У бориб сўради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)
жавоб берди: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам)нинг бундай деганларини эшитдим: «Бани Одам
амаллари ҳар пайшанба оқшоми (жумага ўтар кечаси)
Аллоҳ таборака ва таолога рўбарў қилинади. Шунда
қариндошлари билан алоқани узган кишининг амали
қабул қилинмайди», дедилар» (Имом Бухорий «Адабул
муфрад» китобида келтирган).

Аллоҳ таолодан тоатига муваффақ этишини ти-
лаймиз. Албатта, У саховатли ва марҳаматли Зотдир.

Қирқ саккизинчи гуноҳи кабира

ЗАИФЛАР ВА ҚЎЛ ОСТИДАГИЛАР ҲАҚИНИ ПОЙМОЛ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي
الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ

الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّيْلِ وَمَا مَلَكَتْ
أَيْمَنُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُحْتَالًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди» (Нисо сураси 36-оят).

Аллоҳ Ўзини яккаю ёлғиз деб билиш, улуғлаш билан бирга қуйидагиларга яхши муносабатда бўлишни буюрди:

Ота-онага – уларга меҳрибонлик ила яхши муносабатда бўлиш, қўпол муомала қилмаслик, ҳузурларида баланд овозда гапирмаслик ва қул хўжайинига бўйсунганидек итоаткор бўлиш лозим.

Қариндош-уруғларга – улар билан алоқани мустаҳкамлаш, уларга яхши муносабатда бўлиш кераклиги ҳам таъкидланмоқда.

Етимларга – уларга меҳр-шафқат кўрсатиб, бошларини силаш зарур.

Мискинларга – имкони бўлса, уларга хайр-эҳсон қилиш, бўлмаса, яхши сўз айтиш даркор.

Қариндош қўшни – насабда ёки динда қариндош бўлган қўшни. Унинг иккита ҳақи бор. Мабодо ҳам динда, ҳам насабда қариндош бўлса, учта ҳақи бўлади.

Бегона қўшни – насабда ёки динда қариндош бўлмаган қўшни.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшнининг ҳақи хусусида бундай деганлар: «Жаброил менга қўшни ҳақида тўхтовсиз васият қилаверганидан яқинда қўшнини ҳам меросхўр деб атаса керак, деб ўйладим» (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳамроҳ – сафардаги йўлдош бўлиб, унинг қўшнилик ва ҳамроҳлик ҳақлари бор.

Йўловчи мусофир – мусофир кўзлаган манзилига етиб боргунича, унга таом ва бошпана бериш вожиб.

Қўллариингиздаги қўллариингиз – қўл (чўри)ларнинг ризқини яхшилаб, хатоларини афв этиш лозим.

Зеро, Аллоҳ Ўзининг кўрсатмаларига амал қилишдан бўйин товлайдиган мутакаббир ва берган неъматлари сабабли бошқалардан ўзини устун қўювчи мақтанчоқ кимсаларни суймас.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунёдан кетиш олдидан, сўнгги касаллик чоғларида намоз ва қўл-чўриларга яхши муносабатда бўлиш ҳақида васият қилиб: «Намоз, намоз (яъни, намозга қаттиқ эътибор беринглар). Қўл остингиздагилар хусусида Аллоҳдан кўркинлар», дедилар (*Имом Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Ривоят қилинишича, яхши хулқ – бахт, ёмон хулқ эса – кўнгилсизлик (бахтсизлик)дир.

Яна бир ҳадиси шарифда: «Ёмон хулқли киши жаннатга кирмайди», дейилган (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Масъуд Бадрий айтадилар: «Бир қўлимни қамчи билан ураётган эдим. Ортимдан: «Эй Абу Масъуд, билиб қўй», деган товуш эшитилди. Ғазабдан уни англамай қолдим. Менга яқин келгач, қарасам у киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эканлар. У

зот: «Абу Масъуд, билиб қўй, сен бу ғуломдан қудратли бўлсанг, Аллоҳ сендан қудратлидир», дедилар. «Энди бирорта ҳам қулни урмайман, дедим».

Бошқа ривоятда: «У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳайбатларидан қўлимдан қамчи тушиб кетди», дейилган. Яна бир ривоятда: «Ё Расулulloҳ, у Аллоҳнинг розилиги учун озоддир», дедим. У зот: «Агар шундай қилмаганингда, шубҳасиз, дўзах оловида куйган бўлардинг», дедилар», дейилган (*Имом Муслим ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Ким қулини қилмаган иши учун жазолаб урса ёки калтакласа, уни озод қилиши билангина шу гуноҳи ювилади» (*Имом Муслим ривояти*).

Ҳаким ибн Ҳизом (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Дунёда одамларни азоблайдиган кимсаларни Аллоҳ, албатта, жазолайди» (*Имом Муслим ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким зулм қилиб қамчиласа, қиёмат куни ундан қасос олинади» (*Имом Баззор ва Табароний ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: «Хизматкорни неча марта афв этиш лозим?» деб сўрашди. «Ҳар куни етмиш маротаба», деб жавоб бердилар (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Бир куни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларида мисвок бўлганида хизматкорини чорладилар. У сусткашлик қилди. У зот: «Агар қасос олиш ҳафви бўлмаганида эди, шу мисвок билан сенга озор берардим», дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)нинг қора танли чўриси бор эди. Бир куни у зот чўрисиға қамчи кўта-

риб: «Агар қасос бўлмаганида, сени, албатта, савалар эдим. Лекин сени ҳақингни тўла қилиб берадиган Зотга сотаман. Аллоҳнинг розилиги учун озодсан», дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда-ким пок қулини бадном қилса (зинокор деб тухмат қилса), унга қиёмат кунда ҳад жорий қилинади. Аммо айтгани рост бўлса (жазоланмайди)» (*Муттафақун алайҳ*).

Бир ҳадиси шарифда: «Қулга таоми ва кийимидан берилади ҳамда у тоқати етмайдиган ишга буюрилмайди», дейилган (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қулларингиздан ўзингизга маъқул келганларига ейдиган нарсангиздан едиринглар, киядиган нарсангиздан кийдиринглар. Маъқул келмаганларини эса сотиб юборинглар. Аллоҳнинг бандаларини азобланглар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу) Мадоин шаҳрининг амири бўлиб турган даврида ҳузурларига бир жамоат ташриф буюрди. У ҳамир қориб турган эди. «Ўрингизга ҳамир қордирсангиз бўлмайдимиз?» дейишди. У зот (розияллоҳу анҳу): «Уни бир ишга жўнатган эдик. Унга яна бир ишни жамлаб қўйишни маъқул топмадик», деб жавоб бердилар.

Салафлардан бири айтган: «Қулингни ҳар бир гуноҳи учун ураверма-да, хатоларини эсингда сақлаб юр. Агар Аллоҳга осийлик қилса, уни ур ва сенга қилган итоатсизликларини эслат».

Фасл

Қул ва чўрини фарзанди ёки укасидан жудо қилиш уларга қилинган энг катта ёмонликдир. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Кимда-ким она билан болани бир-биридан жудо қилса, Аллоҳ қиёмат кунида уни суйганидан жудо қилади (*Имом Термизий ва Ҳоким ривояти*).

Али (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга икки ака-ука ғуломларимни сотишни буюрдилар. Мен уларни бошқа-бошқа кишига сотдим. Буни у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га айтган эдим: «Иккаласини битта одамга сот», дедилар» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Қул, чўри ва ҳайвонларни оч қолдириш ҳам катта зулмдир. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Қарамоғидагиларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя қилади» (*Имом Ҳоким, Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Ҳайвонни қаттиқ уриш ёки қамаб, қаровсиз қолдириш ёхуд тоқатидан ортиқча юк юклаш ҳам катта зулмдир.

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا طَيْرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّا أُمٌّ أَمْثَالُكُمْ

«Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки, (улар ҳам) сизлар каби умматлар бўлмасалар...» (*Анъом, 38*) ояти тафсирида бундай дейилган: «Қиёмат куни инсонлар тўпланган вақтда барча ҳайвонлар келтирилиб, улар орасида ҳукм қилинади. Ҳатто шохли қўчқордан шохсиз қўчқорнинг ўчи олиб берилади, ҳатто майда чумо-

лидан бошқа бир чумолининг қасоси олиб берилади. Сўнг уларга: «Тупроққа айланинглар!» дейилади. Ана шунда кофир: «Қанийди, мен ҳам тупроққа айлансам», дейди».

Бу тафсир ҳайвонларнинг ўзаро, шунингдек, ҳайвонлар билан инсонлар орасида ҳукм қилинишига далилдир. Бинобарин, одам бирорта ҳайвонни ноҳақ урса ёки ташна-оч қолдирса ё тоқатидан ташқари нарсани юкласа, қиёмат куни ўша ҳайвон ундан қасос олади.

Ушбу фикримизга Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадиси шариф далил бўлади. Унда келтирилишича: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир аёл мушук сабабли азобга гирифтор бўлди. Уни қамаб қўйганди, ўлиб қолди. Шу сабабли дўзахга кирди. Уни қамаганига яраша едириб ичирмади. Уни қўйиб ҳам юбормадики, ердаги ҳашаротлардан териб ерди».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир киши ҳўкиз етаклаб кетаётган эди. Бир вақт устига миниб олиб, уни урди. Шунда ҳўкиз: «Биз бу иш учун эмас, ер ҳайдаш учун яратилганмиз», деди» (*Мутта-фақун алайҳ*).

Абу Сулаймон Дороний айтадилар: «Бир марта эшакка миниб, уни икки-уч маротаба урдим. Шунда эшак бошини кўтариб менга қаради-да: «Эй Абу Сулаймон, бу иш учун қиёмат куни қасос олинади. Хоҳласанг кўп ур, йўқса, кам», деди. Шундан кейин бирор жониворни урмайдиган бўлдим, дедим».

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) Қурайш ёшлари ёнидан ўтдилар. Улар бир қушни осиб қўйиб, уни мўлжалга олишаётган экан. Хато кетган ҳар бир ўқни қушнинг эгасига беришга келишишган эди. Ибн Умарни кўргач,

тарқалиб кетишди. У зот: «Бу ишни ким қилди? Бу ишни қилган кимсани Аллоҳ лаънатласин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам жонли нарсани нишонга олган кимсани лаънатлаганлар», дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чорва ҳайвонларини ўлдириш учун сақлаб туришдан қайтарганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Шариатда илон, чаён, сичқон ва қутурган ит каби ўлдиришга изн берилган жониворларни ҳам ўлдираётганда, қийнамасдан, бир дафъада ўлдириш лозим. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар бирор нарсани ўлдирсанглар, унга яхшилик қилинглар. Агар бирор жонлиқ сўйсанглар, унга ҳам яхшилик қилинглар. Сўядиганингиз пичоғини ўткирлаб олсин ва қурбонлигини роҳатлантирсин», деганлар (*Имом Муслим ва бошқалар ривояти*).

Шунингдек, жониворни ёқиб ўлдириш ҳам мумкин эмас. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен сизларга фалончи ва фалончини ёқиб юборишни буюрган эдим. Ваҳоланки, олов билан фақат Аллоҳ азоблайди. Шунинг учун уларни топсангизлар, ўлдилинглар», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан сафарда эдик. Бир вақт кичкина қуш кўриб қолдик. Унинг иккита жўжаси бор эди. Жўжаларини олиб қўйган эдик, тепамизда гир айланиб уча бошлади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келиб, дедилар: «Ким буни боласи сабабли безовта қилди? Боласини унга қайтаринглар», дедилар. Сўнг биз ёндирган чумоли уясига кўзлари тушиб: «Бунга ким ўт қўйди?» деб сўрадилар. «Биз», дедик.

«Парвардигордан бошқанинг олов билан азоблашга ҳақи йўқ», дедилар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Мазкур ҳадис олов билан майда ҳашаротларни ҳам ўлдириш мумкин эмаслигига ҳужжатдир.

Фасл

Бирор-бир жониворни бекордан-бекорга ўлдириш макруҳдир.

Шарид (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Ким бирорта чумчуқни бекордан-бекорга ўлдирса, у қиёмат куни Аллоҳга: «Ё Раббим, фалончи мени бекордан-бекорга ўлдирди, бирор-бир мақсад – фойда учун ўлдирмади», дея чуғурлайди», деганларини эшитдим» (*Имом Насоий ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Кушларни жўжа очиш даврида овлаш ҳам, ҳайвонларни онаси кўз ўнгида сўйиш ҳам макруҳдир.

Иброҳим ибн Адҳам айтганлар: «Бир киши бузоқни онаси олдида сўйган эди, Аллоҳ унинг кўлини қуришиб қўйди».

Фасл

Қул-чўрини озод қилиш фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким бир мусулмон қулни озод қилса, Аллоҳ унинг ҳар бир аъзоси эвазига бунинг аъзосини, ҳатто фаржи эвазига фаржини дўзахдан озод этади» (*Имом Бухорий ривояти*).

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтди-

лар: «Қайси бир мусулмон киши бошқа бир мусулмон кишини озод қилса, у (қул) унинг дўзахдан халос бўлишига тўлов бўлади. Қулнинг ҳар бир аъзоси унинг аъзосига бадал бўлади. Қайси бир мусулмон киши иккита муслима аёлни озод қилса, улар унинг дўзахдан халос бўлишига тўлов бўлади. Уларнинг ҳар бир аъзоси унинг аъзосига кифоя қилади (бадал бўлади). Қайси бир муслима аёл бир муслима аёлни озод қилса, у (чўри) унинг дўзахдан халос бўлишига тўлов бўлади. У (чўри) унинг ҳар бир аъзосига (бадал бўлади)» (Имом Термизий ривояти).

Қирқ тўққизинчи гуноҳи кабира

ОДАМ ЎЛДИРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ
خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ
عَذَابًا عَظِيمًا ﴿١٣﴾

«Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай» (Нисо сураси 93-оят).

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي
حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾
يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِ مُهَكَمًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا

مَنْ تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ
سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ ۖ

«Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа «илоҳ»га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни (имонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (уқубатга) учрар, қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Илло, ким (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр...» (Фурқон сураси 68–70-оятлар).

مِنْ أَجْلِ ذَٰلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِي إِسْرَءِيلَ أَنَّهُ مَن قَتَلَ نَفْسًا
يَغْتَرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ
جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا

«Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукмни битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир»...» (Мо-ида сураси 32-оят).

Яъни, ким бир одамни қасос олиш ёки қилган жинояти учун жазолаш каби сабабларсиз, бекордан-бекорга ўлдирса, гўё барча инсонларни ўлдиргандек бўлади.

Чунки унинг учун одамнинг фарқи йўқ. Шунингдек, ким бошқа инсонни ўлдиришни ҳаром деб билса ва бу жинойтдан ўзини тийса, ундан барча кишилар саломат бўлишади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглар!» деб, уларнинг ичида «Аллоҳ (қатл этишни) ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш», дея зикр этганлар.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: «Аллоҳ наздидаги энг улкан гуноҳ қайси?» деб сўрадим. У зот (алайҳиссалом): «Аллоҳга бошқани тенг деб билишинг, ҳолбуки, У сени яратган», дея жавоб бердилар. «Ҳа, бу ростдан ҳам улкан гуноҳ, сўнг қайси?» деб сўрадим. «Овқатингга шерик бўлишидан қўриқиб, фарзандингни ўлдиришинг!» дедилар. «Кейин-чи?» дедим. «Қўшнингнинг хотини билан зино қилишинг», дея жавоб бердилар» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар икки мусулмон қиличлари билан тўқнашсалар, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахдадир», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бу-ку қотил, бироқ мақтулнинг гуноҳи нима?» деб сўрашди. Шунда у зот: «У ҳам биродарини ўлдиришга иштиёқманд эди», дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Имом Абу Сулаймон Хитобий айтадилар: «Бу ҳукм бирор таъвил туфайли эмас, балки ўзаро адоват, тарафкашлик ёки дунё, обрў, мансаб сабабли уришганларга тааллуқлидир. Бироқ кимда-ким боғийларга қарши жанг қилса ёки ўзини ё оиласини мудофаа этса, бу таҳдиднинг унга дахли йўқ. Чунки у ўзини ҳимоя этиш учун жанг қилишга буюрилган бўлиб, мақсади биродарини ўлдириш эмас. Ахир у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

«У ҳам биродарини ўлдиришга ҳарис – иштиёқманд эди», деганлар!»

Ким боғий ёки йўлтўсар мусулмонга қарши курашса, уни ўлдиришга ҳарис-иштиёқманд бўлмайди. Аксинча, ўзини мудофаа қилади, холос. Агар тажовузкор ишини тўхтатса, унга тегмайди, таъқиб этмайди. Ҳадис бундай кишилар ҳақида ворид бўлмаган, уларнинг дахли йўқ. Аксинча, ҳадисда бу сингари (шаръий) сабаб бўлмай туриб, жанг қилганлар ирода этилгандир. Валлоҳу аълам.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Огоҳ бўлинглар, мендан кейин айримларингиз бошқаларингизнинг бўйнига урадиган кофир бўлиб кетмангиз!» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Модомики мўмин ноҳақ қон тўкмас экан, динидаги кенгликда бардавом бўлаверади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Ноҳақ қон тўкиш сира қутулиб бўлмайдиган ҳалокатли ишлардандир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Қиёмат куни инсонлар орасида биринчи бўлиб қонлар хусусида ҳукм қилинади» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳга дунёнинг заволи топиши мусулмоннинг қатл этилишидан кўра енгилроқдир» (*Имом Муслим ва бошқалар ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Ғуноҳи кабиралар (булардир): Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, бирор жонни ўлдириш ва ёлғон қасам» (*Имом Бухорий ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Бирор-бир жон мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг қонидан бир қисми Одамнинг биринчи ўғли бўйнида бўлади. Чунки дастлаб, у қотилликни жорий этган эди» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким аҳдлашган кишини ўлдирса, жаннат ҳидини ҳидламайди. Ваҳоланки, унинг ифори қирқ йиллик масофадан келиб туради» (*Имом Бухорий ривояти*).

Муоҳид (аҳдлашган) деб Ислом давлатида яшаб, жизя тўлайдиган ғайридин тушунилади. Демак, аҳдлашган ғайридинни ўлдиришнинг оқибати шундай бўлса, мусулмонни қатл этишнинг натижаси қандай бўлар экан...

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Огоҳ бўлинглар, кимда-ким Аллоҳ ва Расулининг ҳимоясидаги аҳдлашган жонни ўлдирса, аниқки, у Аллоҳнинг кафолатини барбод қилибди. Бинобарин, у жаннат ҳидини тотмайди. Ваҳоланки, унинг ифори етмиш йиллик масофадан келиб туради» (*Имом Термизий ривояти*).

Муовия (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ барча гуноҳларни кечириши мумкин, аммо кофир ҳолида ўлган ёки мўминни қасддан ўлдирган кимса гуноҳларини кечирмайди» (*Имом Насоий ва Ҳоким ривояти*).

Ривоят қилинишича, «Ким бир мўминнинг қатл этилишига яримта сўз билан ёрдам берса, Аллоҳга икки кўзи орасига «Парвардигор раҳматидан умидсиз» деб ёзилган ҳолида йўлиқади».

Аллоҳ таолодан офият тилаймиз.

Эллигинчи гуноҳи кабира

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ

«...Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз!..» (Нисо сураси, 29-оят).

Яъни, ҳиндларнинг жоҳилларига ўхшаб, ўзингизни-ўзингиз ўлдирмангиз ёки ўзингизни ҳалокатга ташламангиз.

Мазкур фикрни Амр ибн Ос (розияллоҳу анху) бу оятни совуқ (шамоллаш) хавфи бўлганида таяммум қилишга таъвил этганлари ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунга эътироз билдирмаганлари тасдиқлайди.

Ёки қатл этилишга сабаб бўладиган жиноятни қилмангиз, маъносида.

Айрим уламолар: «Ўзларингиз»дан мурод диндошлардир. Зеро, мўминлар битта жон кабидир. Шунга кўра, оят бир-бирингизни ўлдирмангиз, деган маънодадир», дейишган.

إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

«...Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир» (29-оят).

Яъни, сизларга бошқача меҳрибон бўлгани туфайли баъзи ишларни буюрди ва айрим амаллардан қайтарди.

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصْلِيهِ نَارًا
وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

«Кимда-ким шу (қотиллик)ни адоват ва зулм юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда куйдирамиз. Бу (эса) Аллоҳга осондир» (30-оят).

Яъни, ким Аллоҳ қайтарган ишларни қилса, жумладан ботил йўллар билан мол еса ёки ноҳақ қон тўкса, Аллоҳ уни дўзахга маҳкум қилади.

Жундуб ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Сизлардан илгари ўтганлардан бир киши жароҳатланди. Сабрсизлик қилиб пичоқ олди-да, қўл(томири)ни кесди ва кўп ўтмай, қон йўқотиб вафот этди. Аллоҳ: «Бандам жонига қасд этди, унга жаннатни ҳаром қилдим», деди» (*Муттафақун алайҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким тоғдан ўзини ташлаб, жонига қасд қилса, у жаҳаннам оловида абадулабад ўзини пастга ташлайди. Ким заҳар ичиб жонига қасд қилса, у қўлида заҳарини тутиб, жаҳаннам оловида абадулабад ўзини заҳарлайди. Ким ўзини темир билан ўлдирса, у қўлида темирини тутиб, жаҳаннам оловида абадулабад у билан ўзини уради» (*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти*).

Собит ибн Заҳҳокдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўминни лаънатлаш уни ўлдириш билан баробардир. Ким бир мўминни кофирликда айбласа, уни қатл этгандек бўлибди. Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат кунини ўша нарса ила азобланади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Бир киши жароҳатининг оғриғига чидолмай, ўлимини тезлатиб, қиличининг тиғи билан ўзини ўлдирди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ҳақда: «У дўзах аҳлидандир», дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Аллоҳ таолодан бизларни ҳидоятига йўллашини, нафсимиз ёвузлиги ва амалларимиз ёмонлигидан сақлашини сўраймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли, мағфиратли ва раҳмли Зотдир.

Эллик биринчи гуноҳи кабира

СЕҲР

Сеҳргар, шак-шубҳасиз, кофирдир. Аллоҳ таоло Бақара сурасида бундай марҳамат қилади:

وَلَكِنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا يُعَلِّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ

«...лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ўргатадиган шайтонлар кофир бўдилар...» (102-оят).

Малъун шайтоннинг одамларга сеҳр ўргатишдан кўзлаган бирдан-бир мақсади – уларни мушрикка айлантиришдир.

Аллоҳ таоло Ҳорут ва Морут ҳақида хабар бериб бундай дейди:

وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ۖ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءِ وَزَوْجِهِ ۖ وَمَا هُمْ بِضَارِّينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ۖ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا

يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ ۚ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ اشْتَرَاهُ مَا لَهُ
 فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَقٍ

«...(У икки фаришта): «биз фақатгина синов (воситаси)миз, (бизга ишониб) кофир бўлиб қолма!», – деб (огоҳлантирмагунча) ҳеч кимга (сеҳрни) ўргатмас эдилар. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар. Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар. (Хуллас) ўзларига фойдаси йўқ, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар. Уни (Аллоҳ китобини сеҳрга) алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар...» (102-оят).

Кўплаб гумроҳ кимсаларнинг сеҳрга аралашиб юрганига гувоҳ бўласиз. Улар сеҳрни фақатгина ҳаром деб ўйлаб, унинг куфр эканини ҳис қилишмайди. Бу ҳол, айниқса, эр-хотин орасидаги муносабатларда – иссиқ-совуқ қилиш каби амалларда яққол намоён бўлади. Улар бу ишларида аксарият қисми ширк ва куфр ҳисобланган сўзларни қўллайдилар.

Сеҳргарнинг жазоси – ўлимдир. Чунки у Аллоҳга куфр келтирган ёки шунга яқинроқ иш қилган бўлади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Еттита ҳалокат қилувчи гуноҳлардан сақланинглар», деб улардан бири сеҳр эканини баён этганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ҳар бир банда Аллоҳ таолодан кўрқиши ва дунёю охиратини куйдирадиган ишлардан сақланиши лозим.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Айрим китобларда бундай дейилган: «Аллоҳ таоло: «Мендан ўзга илоҳ йўқ.

Сеҳр қилган ва сеҳр қилдирган, фол очган ва фол очдирган, шумланган ва шумлантирган кимсалар Мендан эмас», дейди».

Али ибн Абу Толиб (розиаллоҳу анҳу): «Фолбин сеҳргардир, сеҳргар эса кофирдир», деганлар.

Абу Мусо (розиаллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Уч тоифа одам: маст қилувчи ичимликка одатланиб қолган, қариндош-уруғлар билан алоқани узган ва сеҳрни тасдиқловчи кимса жаннатга кирмайди» (*Имом Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Ибн Масъуд (розиаллоҳу анҳу) айтадилар: «Албатта, дам солиш (афсун ўқиш), тумор тақиш ва иссиқ-совуқ қилиш ширкдир» (*Имом Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Ким тумор ёки мунчоқ тақиб, шу кўз тегишидан сақлайди, деб эътиқод қилса, ширк келтирган бўлади.

Баъзи инсонлар иссиқ-совуқни Аллоҳ таоло битган тақдирга таъсир этади, деб эътиқод қилишади. Бу эса ширкдир.

Хитобий (розиаллоҳу анҳу) айтадилар: «Агар Куръон ёки Аллоҳ таолонинг исмлари билан дам солса, мубоҳдир. Чунки Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳасан ва Ҳусайн (розиаллоҳу анҳумо)га дам солиб: «Сизларни Аллоҳнинг тўлиқ калималари ила ҳар бир шайтону ҳашаротдан ва барча ёмон кўздан Ўз паноҳида сақлашини сўрайман», дер эдилар» (*Имом Ҳоким ривояти*).

Аллоҳ паноҳ сўралувчи Зотдир, суянишга лойиқ Зот ҳам Удир.

Эллик иккинчи гуноҳи кабира

ФОЛБИН ВА МУНАЖЖИМНИ ТАСДИҚЛАШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ
أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴿٣٦﴾

«(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргаш-
ма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида
(ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)» (Исро су-
раси 36-оят).

Ушбу оят тафсирида Калбий: «Билмаган нарсанг
ҳақида гапирма», деб айтсалар, Қатода: «Эшитмаган
нарсангни эшитдим, кўрмаган нарсангни кўрдим ва
билмаган нарсангни биламан, демагин», деганлар.

«Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида
(ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)», оятини
тафсир қилиб, Ибн Аббос (розияллоху анху): «Аллоҳ бан-
даларидан бу аъзоларни қандай амалларга ишлатганини
сўрайди», деганлар.

Ушбу ояти карима ҳалол бўлмаган нарсага қараш,
ҳаром саналган нарсани эшитиш ва жоиз бўлмаган нар-
сани ирода қилишдан қайтаришга ҳужжатдир. Валлоҳу
аълам.

عَلِمُ الْغَيْبِ فَلَا يُظْهِرُ عَلَى غَيْبِهِ أَحَدًا ﴿٣٧﴾ إِلَّا مَنِ ارْتَضَى مِنْ
رَسُولٍ

«(У) ғайбни билувчидир. Бас, Ўз ғайбидан бирор кимсани хабардор қилмас. Фақат Ўзи рози бўлган (танлаган) пайғамбарнигина (икки дунёнинг баъзи сирларидан огоҳ этар)...» (Жин сураси 26–27-оятлар).

Мазкур ояти карима юлдузлар ғайбга далолат қилади, деб даъво қилган кимса кофир бўлишига далилдир. Валлоҳу аълам.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким башоратгўй ёки фолбин олдига бориб, айтаётган гапини рост деб билса, шубҳасиз, Муҳаммадга келган нарсга куфр келтирибди» (Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким башоратгўйнинг олдига бориб, ундан бирор нарсани сўраб, тасдиқласа, қирқ кунгача унинг бирорта ҳам намози қабул қилинмайди» (Имом Муслим ривояти).

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Одамлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан фолбинлар ҳақида сўрашди. У зот: «Улар ҳақ эмаслар», дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, улар гоҳида шундай гапларни айтадиларки, ҳақ бўлиб чиқади», дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу ҳақ калимани жин ўғринча билиб, уни дўсти – фолбинлар қулоғига қуяди. Улар эса унга юзта ёлғонни аралаштиради», дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Фаришталар булутга тушадилар ва осмонда ҳукм қилинган ишни зикр қиладилар. Шайтон ўғринча қулоқ тутиб, эшитиб олади-да, уни фолбинларга етказadi. Улар эса унга ўзларидан юзта ёлғон қўшиб, ёлғон гапирадилар» (Имом Бухорий ривояти).

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Фолбин сеҳргардир, сеҳргар эса кофирдир».

Аллоҳ таолодан икки дунёда офият ва паноҳ тилаймиз.

Эллик учинчи гуноҳи кабира

ҚЎЛ ОСТИДАГИЛАРНИ АЛДАШ ВА УЛАРГА ЗУЛМ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا السَّبِيلُ عَلَى الَّذِينَ يَظْلِمُونَ النَّاسَ وَيَبْعُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ
أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾

«Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳадларидан ошадиган кимсалар(ни айблаб жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир» (Шўро сураси 42-оят).

وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَفْلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ ﴿٤٣﴾

«(Эй Муҳаммад!) Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг!...» (Иброҳим сураси 42-оят).

وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ ﴿٢٢٧﴾

«...Зулм қилганлар эса, яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олурлар» (Шуаро сураси 227-оят).

Ушбу таҳдид барча золимга тааллуқлидир. Яъни, золим кимсалар хунук, ёмон оқибатга – азобга, дўзахга қараб кетмоқдалар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким бизни алдаса, у биздан эмас» (*Имом Муслим ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Зулм қиёмат куни зулмат бўлур» (*Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ҳар бирингиз нозир (бошлиқ) ва қўл остингиздагилар хусусида масъулдирсиз» (*Муттафақун алайҳ*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Ҳукмларида, аҳли оиласида ва раҳбарлик ишларида адолат қиладиган одил зотлар – Аллоҳ ҳузурида Раҳмоннинг ўнг тарафидаги (У зотнинг иккала Қўли ҳам ўнгдир) нурдан бўлган минбарларда бўлурлар», деганларини эшитдим» (*Имом Муслим ва Насоий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз (розияллоҳу анҳу)ни Яманга юбораётиб: «Мазлумнинг дуосидан қўрқ. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳ орасида тўсиқ йўқдир», деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Эллик тўртинчи гуноҳи кабира

ЗУЛМ

Зулм турлича бўлади. Ботил йўл билан бойлик орттириш, етим молини ейиш, одамларни ўлдириш, уриш, жароҳат етказиш, ҳақоратлаш, лаънатлаш, туҳмат қилиш ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَفْلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا

يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ ﴿٤٢﴾ مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي
رُءُوسِهِمْ لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ هَوَاءٌ ﴿٤٣﴾ وَأَنْذِرِ
النَّاسَ يَوْمَ يَأْتِيهِمُ الْعَذَابُ فَيَقُولُ الَّذِينَ ظَلَمُوا رَبَّنَا أَخْرِنَا إِلَى
أَجَلٍ قَرِيبٍ نَجِبْ دَعْوَتَكَ وَتَتَّبِعِ الرُّسُلَ أَوَلَمْ تَكُونُوا
أَفْئِسْتُمْ مِنْ قَبْلُ مَا لَكُمْ مِنْ زَوَالٍ ﴿٤٤﴾ وَسَكَنْتُمْ
فِي مَسْكِنٍ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ وَتَبَيَّنَ لَكُمْ كَيْفَ
فَعَلْنَا بِهِمْ وَضَرَبْنَا لَكُمْ الْأَمْثَالَ ﴿٤٥﴾

«(Эй Мухаммад!) Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг! Фақат Аллоҳ уларни (жазолашни) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган кунга (қиёматга) қолдирмоқда, холос. (У куни) улар бошларини (осмонга) кўтариб, (чорланган томонга) югурган ҳолда (бўлурлар). Кўзлари (қотганича) ўзларига қайтмайди. Юраклари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур. (Эй Мухаммад!) Одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келадиган куни (қиёматда) зулм қилганлар: «Эй Раббимиз! Бизларга озгина муҳлат бергин, Сенинг даъватингга ижобат қилурмиз ва пайғамбарларга эргашурмиз», дейдилар. (Уларга шундай жавоб қилинур): «Илгари (ёруғ дунёда) заволга юз тутмаслигингиз (ўлмаслигингиз) ҳақида қасам ичган эмасмидингиз?! Сизлар ўзларига зулм қилганларнинг масканларига (ўлганларидан кейин) жойлашган эдингиз. Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ бўлган эди. Биз сизлар

учун мисоллар ҳам келтирган эдик» (Иброҳим сураси 42–45-оятлар).

«(Эй Муҳаммад!) Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг!»

Яъни, Аллоҳ золимларнинг қилмишларини унутади, деб ўйламанг. Зеро, Аллоҳнинг суннати (одати) ўзи шундай – осийларни озгина муддат ўз ҳолига қўйиб, сўнг иззати ва қудратига хос тарзда тутади-жазолайди.

إِنَّمَا السَّبِيلُ عَلَى الَّذِينَ يَظْلِمُونَ النَّاسَ وَيَبْغُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ
أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾

«Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳадларидан ошадиган кимсалар(ни айблаб жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир» (Шўро сураси 42-оят).

وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ ﴿٢٢٧﴾

«...Зулм қилганлар эса, яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олурлар» (Шуаро сураси 227-оят).

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Зулмдан сақланинглар. Зеро, зулм қиёмат куни зулмат бўлур. Зиқналикдан тийилинглар. Зеро, зиқналик сизлардан олдингиларни ҳалок этди – уларни ўзаро қонларини тўкишга ва ҳаром ишларни ҳалол санашга олиб келди» (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Парвардигор азза ва жалла айтади: «Эй бандаларим,

Мен Ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва уни сизларнинг орангизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирингизга зулм қилманг» (Имом Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, Аллоҳ золимга узоқ умр беради. Уни ушлаган вақтда эса, қутулолмайди», дедилар ва Худ сурасининг 102-оятини ўқидилар:

وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرْآنَ وَهِيَ ظِلْمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ

«Аҳолиси золим юртларни (азобга) тутганда Раббингизнинг тутиши шундайдир. Албатта, Унинг (азобга) тутиши аламли ва шиддатлидир» (Муттафақун алайҳ).

Хавла бинт Омир Ансория (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Аллоҳнинг молига тажовуз қиладиган кимсаларнинг қиёмат куни борар жойи дўзахдир», деганларини эшитдим» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз (розияллоҳу анҳу)ни Яманга юбораётиб: «Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида тўсиқ йўқдир», дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким бир биродарининг номуси ёки бошқа нарсасига зулм қилган бўлса, динору дирҳам топилмайдиган (кундан) илгари қутулиб олсин. Акс ҳолда, унинг яхши амалларидан зулмига ярашаси мазлумга олиб берилади.

Борди-ю яхшиликлари бўлмаса, мазлумнинг ёмонликларидан олиниб, унга юкланади» (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Муфлис (ўта мискин, ночор) кимлигини биласизларми?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Бизнингча, муфлис чақаси ҳам, матоси ҳам йўқ кишидир», дея жавоб беришди. Шунда у зот (алайҳиссалом) айтдилар: «Менинг умматимдаги муфлис шундай кишики, у қиёмат куни намози, рўзаси ва закоти билан келади. Аммо, кимнидир ҳақорат қилган, бошқасини бадном этган, бунисининг молини еган, бошқасининг қонини тўккан, яна бировни урган бўлади. Кейин яхшиликларидан уларга олиб берилади. Мабодо бўйнидаги нарсалар битмай туриб, яхшиликлари тугаса, уларнинг хатоларидан олиниб унга юкланади. Сўнг дўзахга улоқтирилади» (*Имом Муслим ривояти*).

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Кимда-ким бир қарич ер устида зулм қилса (ўзиники қилиб олса), ўша ернинг етти қавати унинг бўйнига осиб қўйилади» (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Минода хитоб қилиб: «Огоҳ бўлинглар, Аллоҳ сизларга қонларингизни ва молларингизни ушбу кунингиз ва ушбу ойингиз ҳурмати каби ҳаром (ҳурматли) қилди. Етказдимми?» дедилар. Улар: «Ҳа», дейишгач, уч маротаба: «Ё Аллоҳ, Ўзинг гувоҳ бўл», дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Унайс (розияллоҳу анху) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ қиёмат куни бандаларни (ёки инсонларни) яланғоч, хатна қилинмаган ва йўқсил ҳолда тирилтиради», дедилар. Биз: «Йўқсиллик нима?» деб сўраган

эдик, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Уларнинг ҳеч нарсаси бўлмайди. Сўнг уларга узоқдаги кимса ҳам яқиндаги каби эшитадиган овозда: «Мен ҳакамман, мен подшоҳман. Бирорта дўзахийнинг жаннатийлардан бирида ҳақи бўлса, унга қасосини олиб бергунимча жаҳаннамга тушиши жоиз эмас. Шунингдек, бирорта жаннатийнинг дўзахийлардан бирида ҳақи бўлса, ҳатто бир тарсаки бўлса-да, унга ҳам қасосини олиб бермагунимча жаннатга кириши жоиз эмас», деб нидо қилади», дедилар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Хузайма ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Мазлумнинг дуосидан сақланинглар. Зеро, у булутда кўтарилади. Аллоҳ: «Иззатим ва улуғлигимга қасамки, гарчи озгинадан кейин бўлса-да, сенга, албатта, ёрдам бераман», дейди» (*Имом Табароний ривояти*).

Жобир айтадилар: «Денгиз муҳожирлари қайтгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳабаш ерида кўрган нарсаларингиздан ажойибини гапириб бермайсизларми?» дедилар. Бир йигит: «Айтиб берамиз, ё Расулуллоҳ» деб, сўз бошлади: «Бир жойда ўтирган эдик. Ёнимиздан бошида бир кўза сув кўтарган роҳиба кампир ўтди. Шу пайт ўша ерлик бир йигит келиб, бир қўлини кампирнинг кураклари орасига қўйиб итариб юборди. Кампир чўккалаб қолди, кўзаси синди. Ўрнидан турди-да, унга қараб: «Яқинда биласан, эй золим! Аллоҳ Курсини қўйиб, аввалгю охиргиларни тўплайдиган, қўл ва оёқлар қилган ишларини сўзлайдиган кунда Унинг ҳузурида сен билан менинг ҳолим қандай бўлишини билиб оласан!» деди». Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Рост айтибди, рост айтибди. Аллоҳ кучлиларидан заифларнинг ҳақи олиб берилмайдиган

умматни қандай қилиб азиз қилсин», дедилар» (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Тува-лок қуш золимнинг жабр-ситамидан озиб, уясида жон беради».

Абдуллоҳ ибн Салом (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Аллоҳ таоло махлуқотларни яратгач, улар ўрнидан туриб, бошларини кўтаради-да: «Ё Парвардигор, Сен ким билансан?» деб сўрашади. Аллоҳ: «Мазлумнинг ҳақи олиб берилмагунича, у билан биргаман», дейди».

Абу Умома (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Қиёмат куни золим жаҳаннам устидаги кўприкдан ўтаётганида, мазлум унга дуч келиб, зулмини эслатади. Зулм қилган кимсалар қўлларидаги яхшиликларини олишмагунича, мазлумлар олдидан кетолмайдилар. Агар уларнинг хайрли амаллари бўлмаса, уларга қилган зулмлари баробарида мазлумларнинг ёмонлиги юкланади. Сўнг улар дўзах қаърига қулаб тушадилар».

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Қиёмат куни эркак ёки аёл кишининг қўлидан ушлаб, бутун махлуқотлар кўз ўнгида: «Бу фалончининг ўғли фалончи. Унда кимнинг ҳақи бўлса, келиб олсин», деб нидо қилинади. Аёл киши отаси, акаси ёки эрида ҳақи қолган бўлса, бундан шод бўлади».

Сўнг: «...ана ўша куни уларнинг ўрталарида (ҳеч қандай) **насаблар қолмас ва улар ўзаро савол-жавоб ҳам қила олмаслар**», оятини ўқиб, сўзларида давом этдилар: «Аллоҳ Ўз ҳақидан хоҳлаганини кечиради. Бироқ инсонларнинг ҳақларидан бирор нарсани кечмайди. Бир банда одамларга рўбару қилинади. Сўнг Аллоҳ таоло ҳақдорларга: «**Ҳақингизни олгани келинглар**», дейди ва фаришталарга: «Унинг солиҳ амаллари-

дан олиб, ҳар бир ҳақдорга ҳақиға ярашасини беринглар», дея амр этади. Агар у Аллоҳнинг валийси (дўсти) бўлса ва зарра мисқоличалик яхши амали ортса, Аллоҳ таоло ўша амалини кўпайтириб, у туфайли бандани жаннатга киритади. Борди-ю киши бадбахт бўлиб, яхши амали қолмаса, фаришталар: «Парвардигоро, унинг яхшиликлари тугади, бироқ ҳали талабгорлари бор», дейди. Шунда Аллоҳ: «Уларнинг ёмонликларидан олиб, унинг ёмонликларига қўшинглар», дейди. Сўнгра у дўзахга ҳайдалади».

Ривоят қилинишича, қиёмат куни банда учун ўзини танийдиган кишини учратишдан кўра ёқимсизроқ нарса бўлмайди. Чунки у дунёда қилган зулмига тўлов талаб этишидан хафвсирайди. Бу борада Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Қиёмат кунида ҳақлар ҳақдорларга олиб берилади. Ҳатто шохли кўйдан шохсиз кўйнинг ўчи олиб берилади» (*Имом Муслим ривояти*).

Баъзи китобларда ёзилишича, Аллоҳ таоло: «Мендан ўзга ёрдамчиси бўлмаган кишига зулм қилган кимса Менинг қаттиқ ғазабимга учрабди», дейди.

Бир шоир айтади: «Қодир бўлсанг-да, зулм қилма, чунки унинг оқибати надоматдир. Мазлум бедор бўлиб, дуойибад қилади, сенинг кўзларинг ухлар, аммо Аллоҳ ухламас».

Салафлардан бири бундай деган: «Заифларга зулм қилма. Акс ҳолда, энг ёвуз кучлилардан бўласан».

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтганлар: «Зўравон подшоҳлардан бири баланд қаср бино қилибди. Бир камбағал кампир унинг ёнига кичкина кулба қуриб, унда яшай бошлабди. Бир куни подшоҳ отига миниб қасри атрофида айланиб юриб, ўша кулбага кўзи тушибди. «Бу ким-

ники?» деб сўраганида, «Камбағал аёлники» дейишибди. У кулбани бузиб ташлашни буюрибди. Кампир келиб кулбаси бузилганини кўриб, сўраб-суриштириб, подшоҳ бузганини билгач, бошини осмонга кўтариб: «Парвардигоро, мен бу ерда бўлмаган эканман, Сен қаерда эдинг?» дебди. Шунда Аллоҳ таоло Жаброилга қасрни, ичидаги кишилари билан ағдариб ташлашни буюрди. У ўша заҳоти шундай қилди».

Абу Атоҳия исмли шоирни Рашид ҳибсга олди. Унга шоир қамокдан қуйидаги байтларни ёзиб юборди:

«Аллоҳга қасамки, зулм – ёмонлик,

Ёмон кимса эса золимдир, сўзсиз.

Эй золим, эртага Аллоҳ ҳузурида

«Маломат» тутингай сенга оға, дўст...»

Зикр этилишича, Кисро (форс подшоҳи) ўғлига таълим-тарбия берадиган устоз тайин қилди. Бола фазлу одобда баркамол ўсди. Бир куни уни устози қаттиқ урди. Бола эса катта бўлгунига қадар устозига нисбатан ичичидан кек сақлаб юрди. Хаёлидан ўша сабабсиз урилган зарба сира кетмасди.

Отаси ўлиб тахтга чиққач, дастлаб устозини ёнига чорлади:

– Фалон, фалон куни ҳеч бир сабабсиз, айбим бўлмаса-да, мени қаттиқ урган эдингиз. Бунга сизни нима мажбур қилди?

– Эй подшоҳ, фазлу одобда камолга етганингизга, сиз отангиздан сўнг тахтга ўтиришингизни билардим. Шу боис бирор кимсага зулм қилмаслигингизни хоҳлаб, сизга калтак оғриғини, зулм аламини тоттиришни раво кўрдим.

Подшоҳ бу жавобдан мамнун бўлиб: «Аллоҳ сизга яхши мукофотлар ато этсин», деб, устозини совғасаломлар билан кузатди.

Фасл

Қурби етатуриб, қарзини тўламай юриш ҳам катта зулмдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Бойнинг (қарзни тўлашни) пайсалга солиши зулмдир» (*Муттафақун алайҳ*).

Фасл

Аёлнинг маҳр, нафақа, кийим-кечак таъминоти каби ҳақларига тажовуз қилиш ҳам зулмдир.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Қарамоғидагиларни зое қилиш (қаровсиз қўйиш) кишининг гуноҳқор бўлишига кифоя қилади» (*Имом Абу Довуд, Насоий ва Ҳоким ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ ҳар бир бошлиқдан қўл остидагиларни сақлаганми ёки зое қилганми, албатта сўрайди. Ҳатто кишидан аҳли оиласи ҳақида ҳам сўралади» (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Фасл

Мардикор ишлатиб, ҳақини бермаслик ҳам зулмдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таоло деди: «Мен уч тоифа одамга хусуматчи – рақибман ва кимга хусуматчи бўлсам, уни аниқ енгаман. Улар: Менинг номим билан берилган нарсага хиёнат қилган, ҳур одамни сотиб пулини еган, мардикор ёллаб,

ишини қилдириб, ҳақини бермаган кишидир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Яҳудий ёки насронийга зулм қилган, хорлаган, тоқатидан ташқари ишни буюрган ёки бирор нарсасини тортиб олган кимса ҳам ҳадисда келтирилган инсонлар сирасига киради.

Зиммасидаги қарзни инкор қилиб ёлғон қасам ичиш ҳам зулмдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким (ёлғон) қасам ичиб, мусулмон кишининг ҳақини ўзлаштирса, батаҳқиқ, Аллоҳ унга дўзахни вожиб этиб, жаннатни ҳаром қилади», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, арзимаган нарса бўлса ҳамми?» деб сўрашди. У зот: «Бутанинг новдаси бўлса ҳам», деб жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Ривоят қилинишича, қиёмат куни биринчи бўлиб эр-хотин жанжаллашади. Аллоҳга қасамки, хотинининг тили гапирмайди. Балки унинг қўл-оёқлари бу дунёда эрига қилган саркашликлари ҳақида гувоҳлик беради. Эрнинг қўл-оёқлари ҳам хотинини қандай бошқаргани ҳақида гувоҳлик беради. Кейин киши ва хизматкорлари орасида шундай тортишув бўлади. Улардан динор ва дирҳам олинмайди. Аммо золимининг яхшиликлари мазлумга олиб берилади, мазлумнинг ёмонликлари золимга юкланади. Сўнг зўравонлар олдига темир гурзи кўтарган (фаришталар) келтирилиб: «Уларни дўзахга ҳайданглар», дейилади.

Шурайҳ Қозий айтганлар: «Золим жазо-уқубатни, мазлум эса нусрату савобни кутиб турганини жабр қилувчилар яқинда билиб олишади».

Ривоят этилишича, Аллоҳ бир бандасига яхшиликни хоҳласа, унга зулм ўтказадиган кимсани бошлиқ қилади.

Товус Ямоний Халифа Хишом ибн Абдулмаликнинг ҳузурига кириб: «Азон куни борасида Аллоҳдан кўрқинг», дедилар. Хишом: «Азон куни қайси?» деб сўради. У зот: «Аллоҳ таоло: **«Сўнгра ўрталаридан бир жарчи (фаришта чиқиб) жар солади: «Золимлар узра Аллоҳнинг лаънати (ёғилсин)!» (Азроф, 44)** деган-ку», дедилар. Буни эшитган Хишом ҳушидан кетди.

Ҳикоят

Бир киши ҳикоя қилади: «Қўли елкасидан кесилган одамни кўрдим. У: «Мени кўрган ҳар бир инсон бирор кишига зулм қилмасин», деб нидо қиларди. Унга яқинлашиб: «Эй биродар, нима бўлди?» деб сўрадим. У: «Ғаройиб ҳодиса, – деб бошидан ўтганини сўзлаб берди. – Мен золимларнинг ёрдамчиларидан эдим. Бир куни каттакон балиқ тутган балиқчини кўрдим ва унинг олдига келиб, балиғини беришини сўрадим. У эса бу балиқдан топган даромадига оиласига у-бу нарса олиб боришини айтиб, бепулга бермаслигини тушунтирди. Мен эса унга нисбатан куч ишлатиб, балиқни тортиб олдим. Уни кўтариб уйга келаётганимда, ҳали жони узилмаган жонивор қўлимни тишлади. Уйимга келиб, балиқни ташлаганимдан сўнг бармоғим зирқираб оғрий бошлади. Оғриқнинг зўридан ухлай олмадим. Қўлим шишиб кетди. Тонг отгач, табибга бориб, оғриқдан шикоят қилдим. У бармоғимни кўриб: «Бу қорасон (суяк чириши) касалининг бошланиши. Бармоғингни кесиб ташлаш керак. Акс ҳолда, қўлингдан айриласан», деди. Бармоғимни кесиб ташладим. Сўнгра қўлим оғрий бошлади. Оғриқнинг заптидан кўзимга уйқу келмади. «Кафтингни кесиб ташла», дейишди.

Кафтимни ҳам кесиб ташлашга мажбур бўлдим. Кейин бу дард тирсакка ўтди, кўриб турибсизки, тирсакдан ҳам махрум бўлдим. Бутунлай қўлимни кесиб ташлаганларидан сўнг баъзилар бунинг сабабини сўрай бошлашди. Мен балиқ воқеасини ҳикоя қилиб берганимдан сўнг, улар: «Олдинроқ бориб, балиқчига узрингни айтганингда, эҳтимол, ҳеч бир аъзоинг кесилмасди, ҳалиям кеч эмас, бориб кечирим сўра, акс ҳолда, баданингга ўтиб кетади!» деб маслаҳат солишди. Мен балиқчини излаб топдим. Оёқларига йиқилиб, йиғлаб ўпа кетдим. «Саййидим, Аллоҳ ҳаққи, мени кечиринг», деб ёлвордим. У: «Сиз кимсиз?» деб сўради. «Мен балиғингизни тортиб олган кишиман», деб бўлган воқеани айтиб бердим. Қўлимни кўриб йиғлаб юборди. «Эй биродар, бошингизга шундай балолар тушибди. Мингданминг розиман», деди. «Саййидим, Аллоҳ ҳаққи айтинг-чи, балиғингизни олиб қўйганимда мени дуойибад қилганмидингиз?» деб сўрадим: «Ҳа, «Ё Аллоҳ, бу банданг кучлилиги сабабли менга ризқ қилиб берган нарсангни зўравонлик қилиб тортиб олди. Бас, менга шу банданг устида Ўз қудратингни кўрсат», деб дуойибад қилган эдим», деди. «Саййидим, мана Аллоҳ менинг устимда Ўз қудратини кўрсатди. Мен энди золимларга хизматчи бўлганимдан Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилдим. Иншааллоҳ, тирик эканман, золимларнинг эшигига қадам босмайман ва уларнинг ёрдамчиларидан бўлмайман. Тафвиқ Аллоҳдандир», дедим».

Эллик бешинчи гуноҳи кабира

ЗИНО

Аллоҳ таоло бандаларини зинога яқинлашишдан ва унга сабаб бўладиган ишлардан қайтариб, бундай марҳамат қилади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزِّنَىٰ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا ﴿٣٢﴾

«Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир» (Исро сураси 32-оят).

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخَلَّدُ فِيهِ مَهْلًا ﴿٦٩﴾

«Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа «илоҳ»га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким ма-на шу (гуноҳлар)ни (имонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (укубатга) учрар, қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур» (Фурқон сураси 68–69-оятлар).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Агар киши зино қилса, имон ундан чиқади ва унга соябон каби бўлади. Агар (зинодан) бош тортса, унга қайтади» (Имом Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Ким зино қилса ёки хамр ичса, худди инсон бошидан кўйлагини ечиб олгандек, Аллоҳ ундан имонни ечиб олади» (*Имом Ҳоким ривояти, саҳиҳ ҳадис*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ қиёмат куни уч тоифа одамга гапирмайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди, уларга қарамайди ва уларга аламли азоб бўлур. (Улар) зинокор қария, ёлғончи подшоҳ ва мутакаббир камбағал» (*Имом Муслим ва Насоий ривояти*).

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туш кўрдилар. У зотнинг ҳузурларига Жаброил ва Микоил (алайҳимуссалом) келишди. Набий айтадилар: «Йўлга тушдик ва тандирга ўхшаган нарсалар олдида келдик. Ундан шовқин-сурон эшитиларди. Қарасак, унинг ичида яланғоч эркак ва аёллар бор экан. Уларга тағларидан олов етиб тураркан. Аланга қамраб олганда, қичқирар эдилар... Тандирга ўхшаган бино ичидаги яланғоч эркак-аёллар зинокор эркак-аёллардир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Зинокорлар қиёматга қадар мазкур азобга гирифтор бўлурлар. Аллоҳдан афв ва офият тилаймиз.

Ато (раҳимаҳуллоҳ) жаҳаннам ҳақидаги: «**Унинг етти дарвозаси бўлур**» (*Ҳижр, 44*) оятининг тафсирида бундай дейдилар: «Бу дарвозаларнинг энг ғам-ташвишлиси, қайғулиси, иссиғи ва энг бадбўйи – билатуриб зино қилган зинокорлар кирадиганидир».

Макхул Димашқий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Дўзах аҳлига жуда ҳам бадбўй ҳид келади. Шунда улар: «Биз бундан кўра сассикроқ бўйни ҳидламаган эдик», дейишади. Уларга: «Бу зинокорлар фаржларининг ҳидидир», дейилади.

Тафсир имомларидан бири Ибн Зайд (рахимахуллох) айтганлар: «Аниқки, зинокорлар фаржларининг ҳиди дўзах аҳлига озор беради».

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га туширган ўнта оятда: «Ўғрилиқ, зино қилма, акс ҳолда, сендан юзимни беркитиб оламан», деган жумла мавжуд.

Ривоят қилинишича, иблис қўшинларини ер юзига юбораётиб: «Қайси бирингиз бир мусулмонни йўлдан оздирсангиз, унинг бошига тож кийдираман», дейди. Улар ичида энг фитнакорроғи шайтоннинг энг яқини бўлади. Уларнинг бири Иблис ҳузурига келиб: «Фалончини васваса қилавердим, охир-оқибат хотинига талоқ берди», дейди. Шайтон: «Бирор иш қилмабсан, у яқинда бошқасига уйланади», дейди. Сўнг бошқаси келиб: «Фалончини васваса қилавердим, ва ниҳоят уни биродари билан уриштирдим», дейди. У: «Бирор иш қилмабсан, яқинда қайтадан ярашади», дейди. Сўнгра бошқаси келиб: «Фалончини тинмай васваса қилгандим, зинога юзланди», дейди. Шайтон: «Жуда зўр иш қилибсан-да», деб уни ёнига чорлайди ва бошига тож кийдиради. Шайтон ва қўшинларининг ёмонлигидан Аллоҳ сақласин.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Имон бир либосдирки, Аллоҳ уни хоҳлаган бандасига кийдиради. Агар киши зино қилса, ундан либос ечиб олинади. Борди-ю тавба қилса, унга (имон либоси) қайтарилади» (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Абу Мусо (розияллоҳу анху) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким ичкиликка муккасидан кетган ҳолда вафот этса, Аллоҳ азза ва жалла уни «Гувта» дарёсидан суғоради», дедилар. «Гувта» дарёси нима?» деб сўрашди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам): «У фоҳишаларнинг фаржидан оқадиган дарё бўлиб, унинг сассиқ ҳиди дўзах аҳлига озор беради», дедилар» (*Имом Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Ривоят қилинишича, жаҳаннамдаги бир водийда илонлар бўлади. Ҳар бирининг йўғонлиги туянинг бўйнидек бўлиб, улар намозни тарк қилувчиларни чақади. Уларнинг заҳари инсон жисмида етмиш йил ўз таъсирини кўрсатади. Сўнг унинг гўшtlари шалвираб тушади. Жаҳаннамда «Жуббул ҳузн» (қайғу ўраси) деб номланган яна бир водий бўлиб, у илон ва чаёнлар маконидир. Ҳар чаён хачирдек келади. Унинг етмишта ниши бўлиб, ҳар бири заҳарга тўла. У зинокорни чақиб заҳарлайди. Унинг оғриғи минг йил азоб беради. Сўнг зинокорнинг гўшtlари титилиб, фаржидан қон, йиринг оқади. Ривоятларда келган, ким оилали аёл билан зино қилса, уларнинг ҳар иккисига қабрда бутун Ислом умматига бериладиган азобнинг ярми берилади. Қиёматда эса Аллоҳ таоло аёлнинг эри фойдасига ҳукм қилади.

Мазкур ҳолат эр бу ишдан хабарсиз бўлган тақдирда рўй беради. Агар эр хабардор бўлса-ю, сукут сақласа, эътибор бермаса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади. Чунки Аллоҳ таоло жаннат дарвозасига: «Сен даюсга ҳаромсан», деб ёзиб қўйган.

Аҳли оиласининг фаҳш-бузуклик қилишини билатуриб, сукут сақлайдиган ва рашк-ор қилмайдиган кимса даюс ҳисобланади.

Ривоят қилинишича, ким ўзига ҳалол бўлмаган аёлни шаҳват билан ушласа, қиёмат куни қўли бўйнига боғланган ҳолда келади. Агар ўпса, лаблари оловда қирқилади. Борди-ю зино қилса, сонлари тилга кириб, зарарига гувоҳлик беради: «Мен ҳаромга миндим», дей-

ди. Шунда Аллоҳ таоло унга ғазаб кўзи билан қарайди. Бу қарашдан баданидаги гўштлар эриб тушади. У саркашлик қилиб: «Мен бу ишни қилмаганман», дейди. Унга қарши тили гувоҳлик бериб: «Мен ҳалол бўлмаган сўзларни гапирганман», дейди. Қўллари: «Мен ҳаромни ушлаганман», деса, кўзлари: «Мен ҳаромга назар ташлаганман», дейди. Оёқлари: «Мен ҳалол бўлмаган ишга юриб борганман», дейди ва фаржи: «Мен қилганман», дейди. Елкасидаги фаришталардан бири: «Мен эшитганман», деса, иккинчиси: «Мен ёзганман», дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен билиб, уни яширганман», дейди. Сўнгра фаришталарга: «Уни ушланглар ва азобимдан тоттиринглар. Дарҳақиқат, ҳаёсиз кимсага ғазабим кучайди», деб буюради. Қуйидаги ояти карима бу фикрни тасдиқлайди:

يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنَتُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾

«(У кун) уларнинг қилиб ўтган иш (бўхтон)лари билан тиллари, қўл ва оёқлари уларга гувоҳлик берадиган кундир» (Нур сураси 24-оят).

Кишининг онаси, опа-синглиси ёки бирор маҳрами билан қилган зиноси бошқа зинолардан улкандир.

Эллик олтинчи гуноҳи кабира

БАЧЧАБОЗЛИК

Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ китобида Лут (алайҳиссалом) қавми ҳақидаги қиссани бир неча ўринда эслатиб ўтган. Жумладан, бундай марҳамат қилади:

فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَلَىٰهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا

حِجَارَةٌ مِّنْ سِجِّيلٍ مَّنْصُودٍ ﴿٨٢﴾ مُسَوَّمَةٌ عِنْدَ رَبِّكَ وَمَا
هِيَ مِنَ الظَّالِمِينَ بِبَعِيدٍ ﴿٨٣﴾

«Фармонимиз (азобимиз) келганида у ерни остин-устун қилиб юбордик ва у ерга қиздирилган лой қотишмасидан иборат тошларни пайдар-пай ёғдирдик. (Азоб тошлари) Раббингиз ҳузурида белгили қилиб қўйилган эди. Улар золимлардан узоқ эмасдир» (Худ сураси 82–83-оятлар).

Ислом умматининг золимлари ҳам уларнинг «хунари»ни такрорласалар, улар каби жазоланишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Умматим хусусида қўрққан ишларимнинг энг кучлироғи Лут қавмининг амалидир» (Имом Ибн Можа ривояти).

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «Лут қавми амалини қилган кимсани Аллоҳ лаънатласин», деб уч бора такрорлаганлар (Имом Ибн Ҳиббон ривояти).

Аллоҳ таоло пайғамбари Лут (алайҳиссалом)нинг қавми билан мунозара қилгани ҳақида хабар бериб, бундай дейди:

أَتَأْتُونَ الذِّكْرَانَ مِنَ الْعَالَمِينَ ﴿١٦٥﴾ وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ
أَزْوَاجِكُمْ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ ﴿١٦٦﴾

«Сизлар оламлардан фарқли равишда (шаҳват билан) эркакларга «келасиз»ми?! Ҳамда Раббингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қиласизми?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавм-дирсиз» (Шуаро сураси 165–166-оятлар).

Сизлар ҳеч бир жонзот қилмайдиган амални қилиб, яъни, аёлларни қўйиб эркакларга яқинлик қилиш билан инсонийлик чегарасидан чиқиб, ҳайвон даражасига тушдинглар. Ҳатто ҳайвон ҳам бу ишдан жирканади. Сизлар ҳайвонлардан ҳам тубан, ярамас кимсаларсиз.

وَبَجِّنَاهُ مِنَ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ تَعْمَلُ الْخَبِيثَ إِنَّهُمْ كَانُوا
قَوْمَ سَوَءٍ فَاقِينِ

«...ва уни ифлос ишларни қилувчи қишлоқ (аҳли)дан қутқардик. Дарҳақиқат, улар ёмон ва бузук қавм эдилар» (Анбиё сураси 74-оят).

Қишлоқларининг номи «Садум» бўлиб, улар Аллоҳ таоло китобида зикр қилганидек, нопок ишлар билан шуғулланишди. Улар бирор жонзотда кузатилмаган амални, яъни эркакларга яқинлик қилиш ва бошқа мункар ишларни содир этардилар.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтганлар: «Ўнта хислат Лут қавми амалларидандир: сочни силлиқ қилиб тараш, тугмаларни қадамай юриш, ёнғоқ отиш, майда тош отиш, каптар учириб ўйнаш, бармоқлар билан ҳўштак чалиш, бўғимларни қирсиллатиш, изор (иштон) ни узун қилиб судраб юриш, устки кийимлар (чакмон) нинг орқасини кесиш, маст қилувчи ичимликлар ичишга муккасидан кетиш ва эркакларга яқинлик қилиш».

Ривоят қилинишича, тўрт тоифа одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ҳолда тонг орттириб, У зотнинг қаҳрини келтирган ҳолда кунни ўтказди: ўзларини эркакларга тақлид қилувчи аёллар, ўзларини аёлларга ўхшатувчи эркаклар, ҳайвонга яқинлик қилувчи ва эркакларга яқинлик қилувчи кимса.

Ривоят этилишича, агар бир эркак бошқа эркакнинг устига чиқса, Арш Аллоҳ таолонинг ғазабидан қўрққанидан титрайди. Осмонлар ҳам ерга қулаб тушишига сал қолади. Шунда фаришталар осмоннинг ҳар тарафидан туриб: «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни охиригача ўқишади. Шундагина Аллоҳ азза ва жалланинг ғазаби босилади.

Асарлардан бирида келган, қиёмат куни Аллоҳ етти тоифа одамга қарамайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди, бутун оламлар (барча мавжудотлар) билан бирга тўпламайди ва уларни дўзахга биринчилар қаторида киргизади. Агар тавба қилсалар, бу уқубатлардан халос бўлишади. Зеро, ким тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. (Улар:) қўлига алоқа қилувчи ва қилдирувчи, маст қилувчи нарсаларга муккасидан кетган, ота-онасига қўл кўтарувчи, ҳатто улар унинг дастидан дод дейди, қўшниларига озор берувчи, ҳатто уни одамлар лаънатлайди ва қўшнисининг хотини билан алоқа қилувчи кимса.

Ривоят қилинишича, қиёмат кунида бир тоифа одамлар зинодан қўллари ҳомиладор бўлган ҳолда тирилади. Улар бу дунёда олатларини ўйнаган бўлишади.

Яна бир ривоятда келади, ушбу ишлар Лут (алайҳиссалом) қавми амалларидандир: нарда ўйнаш, каптар учириб мусобақа қилиш, ит уриштириш, қўчқор сузиштириш, хўроз уриштириш, ҳаммомга лунгисиз кириш, ўлчов ва тарозидан уриб қолиш. Бу амаллардан биронтасини қилган кимсага вайл бўлсин.

Ибн Аббос (розияллоҳу анху) айтганлар: «Агар баччабоз тавба қилмай ўлса, қабрда тўнғизга айланади».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла эркак ёки аёлнинг орқасига

яқинлик қилган кимсага қарамайди» (*Имом Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Абу Саид Саълукий айтганлар: «Яқинда бу умматда «баччабоз» деган қавм пайдо бўлади. Улар уч тоифа бўлиб, бири қарайдиган, иккинчиси қўл ушлайдиган, учинчиси шу жирканч ишни қиладиган бўлади».

Аёл ва ўспиринга шахват билан қараш ҳам зинодир. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Одам фарзандига зинодан бўлган насибаси битилган бўлиб, бу насибасига, шак-шубҳасиз, етишувчидир: икки кўзнинг зиноси – қараш, икки қулоқнинг зиноси – эшитиш, тилнинг зиноси – сўзлаш, қўлнинг зиноси – ушлаш, оёқнинг зиноси – юриб бориш, қалб хоҳлайди, фарж эса буни тасдиқлайди ёки рад этади» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Шу сабабли ҳам солиҳ зотлар ўспиринларга қараш, улар билан аралашиб юриш ва бирга ўтиришдан жуда эҳтиёт бўлишган.

Ҳасан ибн Заквон айтганлар: «Бойларнинг болалари билан мажлис қурманглар (бирга ўтирманглар). Зеро, улар бокира кўринишга эга бўлиб, аёлларга нисбатан фитнакорроқдирлар».

Тобеинлардан бири айтган: «Менинг наздимда тақводор йигит учун йиртқич ҳайвондан кўра ёш ўспирин хатарлироқ». Баъзилар: «Эркак киши ўспирин билан ҳеч қачон бир жойда тунамасин», дейишган.

Айрим уламолар ўспиринларни аёлларга қиёс қилиб, улар билан уй, дўкон ёки ҳаммомда холи қолишни ҳаром деб ҳисоблашган. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Биронтангиз маҳрами ҳозир бўлмаган аёл билан холи қолмасин» (*Муттафақун алайҳ*).

Хабарларда айтилишича, назар – зинонинг элчиси. Назар иблисининг заҳарли пайконларидан бири бўлиб, ким уни Аллоҳ учун тарк этса, унга шундай ибодатни берадики, қалбида унинг ҳаловатини топади.

Ислом уммати қули билан шу жирканч ишни қилган кимса ҳам баччабоз, гуноҳқор бўлишига ижмо қилишган.

Фасл

Холид ибн Валид чекка араб ерларида аёл сингари эрга тегадиган бир кишини учратганини Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху)га хабар қилди. У зот маслаҳатлашиш учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларини тўпладилар. Шунда Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху): «Бу гуноҳни фақатгина бир уммат содир этган. Аллоҳ уларни қандай жазолаганини ўзингиз яхши биласиз. Уни ёқиб юбориш керак, деб ўйлайман», дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобалари бу фикрни маъқуллашди. Абу Бакр (розияллоҳу анху) уни ёқиб юборишни буюрдилар» (*Имом Байҳақий ривояти*).

Али (розияллоҳу анху) айтганлар: «Ким хоҳиш билан ўзига яқинлик қилинишига имкон берса, Аллоҳ унга аёллар шаҳватини ташлайди ва уни қабрида қиёмат кунигача тошбўрон қилиб, қувилган шайтонга айлантиради».

Ривоят қилинишича, Исо ибн Марям (алайҳиссалом) саёҳатлари давомида оловда куюётган бир кишини кўриб қолди. У зот сув олиб алангани ўчирмоқчи бўлганларида олов болага, ҳалиги киши эса оловга айланди. Бундан ҳайратланган Исо (алайҳиссалом): «Ё Раббим, уларни дунёдаги ҳолига қайтар, уларга нима бўлганини сўрайин», деб дуо қилдилар. Аллоҳ таоло уларни тирилтир-

ди. Улар бир киши ва бир бола экан. Исо (алайҳиссалом) улардан: «Сизлар нима қилгансизлар?» деб сўрадилар. Ҳалиги киши: «Эй Рухуллох, мен дунёда бу болага ошиқу беқарор бўлганман. Шаҳватим кўзиб, у билан бузуқлик қилганман. Иккимиз ҳам ўлганимиздан бери бир сафар бола оловга айланиб мени куйдиради, бошқа гал мен оловга айланиб уни куйдираман. Қиёмат кунига қадар биз шундай азобланамиз», дея жавоб берди.

Аллоҳ азобига дучор бўлишимиздан сақласин. У Зотдан афв ва офият ҳамда Ўзи рози бўладиган, яхши кўрадиган амалларга муваффақ этишини сўраймиз.

Фасл

Аёлнинг орқасига яқинлик қилиш ҳам баччабозлик ҳисобланиб, бу иш Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган амаллардандир.

Аллоҳ азза ва жалла айтган:

نَسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأَتُوا حَرْثَكُمْ أَنَّى شِئْتُمْ

«Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳдир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз...» (Бақара сураси 223-оят).

Яъни, хоҳласангиз олд тарафдан, йўқса, орқа томондан, фақат бир ўринга – фаржга. Зеро, у зироатгоҳ, уруғлик ташлайдиган жой ҳисобланади. Орқа эса нажосат маконидир. Орқага яқинлик қилиш нопок, жирканч ишдир.

Мазкур оятнинг нозил бўлиш сабаби бундай: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларидаги яҳудийлар: «Агар эр хотинининг олдига орқа томонидан яқинлик қилса, бола ғилай бўлади», дейишар эди.

Ушбу оят уларнинг даъволарини инкор қилиб тушган: **«Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳдир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз...»**. Хоҳласа юз тубан ётиб, йўқса, юз тубан ётмай, аммо бу иш бир ўринга қилиниши лозим» (*Имом Муслим ривояти*).

Бир ривоятда: «Орқага ва ҳайз кўрган аёлга яқинлик қилишдан сақланинглар», дейилган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хотинининг орқасига яқинлик қилган кимса малъундир», дедилар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Аллоҳ аёлларнинг орқасига яқинлик қиладиган кимсаларни лаънатласин» (*Имом Табароний ривояти*).

Кўпгина жоҳиллар ушбу гуноҳни содир этади. Бу уларнинг билими камлиги ва илмни тингламасликларининг оқибатидир. Шу боис Абу Дардо (розияллоҳу анҳу): «Олим ё таълим олувчи ёки қулоқ солувчи ёхуд яхши кўрувчи бўл. Бешинчиси бўлма, акс ҳолда, ҳалок бўласан», деганлар. Бешинчиси билмайдиган, таълим олмайдиган, тингламайдиган ва амал қиладиганларни яхши кўрмайдиган кимсадир. Ҳар бир банда барча гуноҳу хатолари учун Аллоҳга тавба қилиши, олдин билмасдан йўл қўйган гуноҳларини афв этишини У Зотдан астойдил сўраши ва қолган умрининг офиятли бўлишини тилаши лозим. Ё Аллоҳ, биз Сендан дин ва дунёю охиратда афву офият тилаймиз. Албатта, Сен раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан.

Эллик еттинчи гуноҳи кабира

ЎҒРИЛИК

Аллоҳ таоло айтади:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جِزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالًا
مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

«Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг – қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан (берилган) азоб сифатида – қўлларини кесингиз! Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Моида сураси 38-оят).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Зинокор зино қилаётганида мўмин бўлмаган ҳолида зино қилади. Ўғри ўғрилиқ қилаётганида мўмин бўлмаган ҳолида ўғрилиқ қилади. Ичувчи хамр ичаётганида мўмин бўлмаган ҳолида ичади. Лекин тавба ҳали-ҳамон тақлиф қилингандир» (Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Уламолар айтадилар, ўғри ўғирлаган нарсани эгасига қайтармас экан, унинг тавбасидан бирор наф йўқ. Агар ҳеч нарсаси бўлмаса, молнинг эгасидан розилик олиши шарт. Валлоҳу аълам.

Эллик саккизинчи гуноҳи кабира

ЙЎЛТЎСАРЛИК

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ

وَأَرْجُلُهُمْ مِّنْ خَلْفٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ ذَلِكَ لَهُمْ
خِزْيٌ فِي الدُّنْيَا وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ



«Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши жанг қиладиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси – ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилинишдир. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир» (Моидда сураси 33-оят).

Воҳидий (раҳимаҳуллох) айтганлар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши жанг қиладиганлар»дан мурод, уларга итоат этмай, осийлик қиладиган кимсалардир. Сенга итоатсизлик қиладиган ҳар бир киши сенга қарши жанг қилувчидир. «Ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчилар»дан, одамларни ўлдириб, мол-мулкни талон-торож қиладиган, ўғрилиқ билан шуғулланадиган кимсалар назарда тутилган.

Имом Молик, Авзоий ва Шофиъий (раҳимаҳумуллох) нинг сўзларига кўра, мўминларга қарши қурол кўтарган ҳар бир кимса Аллоҳ ва Пайғамбарига қарши уришувчидир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Оятдаги «ёки» сўзи ихтиёр учун киритилган бўлиб, маъноси мубоҳликни англатади. Яъни, имом-ҳукмдор хоҳласа, қатл эттиради, йўқса, дорга остиради, истаса, сургун қилади» (Ушбу фикрни Ҳасан, Саид ибн Мусаййаб ва Мужоҳид (раҳимаҳумуллох) айтишган).

Атия ривоятда эса: «Оятдаги «ёки» мубоҳликни англатмайди. Балки у жинойтлар турига қараб ҳукм даражасини билдиради:

- ким одам ўлдириб, молини олса, қатл этилади ва дорга осилади;
- ким молни олиб, одам ўлдирмаса, қўли кесилади;
- кимда-ким қон тўкса-ю, молларга тегмаса, ўлдирилади;
- ким хавф солиб, ҳеч кимни ўлдирмаса, сургун қилинади.

Бу Имом Шофиъий (розияллоҳу анҳу)нинг мазҳабидир».

Имом Шофиъий (розияллоҳу анҳу) яна айтганлар: «Ҳар бир жинойтчи гуноҳига яраша жазоланади:

- ўлдириш ва осиш лозим бўлган кимсани азоблаш макруҳлиги сабабли аввал ўлдирилиб, сўнг уч марта осилади. Кейин туширилади;

- фақатгина қатл этиш лозим бўлган киши ўлдирилади ва дафн қилиниши учун қариндошларига берилади;

- кимнинг қўлини кесиш лозим бўлса, дастлаб ўнг қўли кесилади. Агар қайта ўғрилиқ қилса, чап оёғи кесилади. Мабодо, яна ўғрилиқ қилса, чап қўли кесилади. Чунки Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо) шундай қилишган. Уларга бирорта саҳобий эътироз билдирмаган. Чап оёқни кесишга иттифоқ қилингани учун қўлдан кейин оёқ кесилганида, чап оёғи кесилади. Шундай қилиш оятдаги **«қарама-қарши»** мазмунни ифода этади.

Аллоҳ таолонинг: **«...ёхуд ердан (ватандан) қувгин қилинишдир»**, деган сўзи борасида Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бундай айтганлар: «Имом: «Уни ким учратса, ўлдирсин», деб қонини тўкишни ҳалол қилади. Бу ҳукм қўлга тушириб бўлмайдиган жинойтчиларга тегишлидир. Қўлга тушганлари эса ҳибсга олиниб, қамаб

қўйилади. Чунки у ҳибсга олинса, шаҳарларда юришдан маҳрум бўлади ва ердан сургун қилинган ҳисобланади».

Ибн Қутайба айрим маҳбуслар тилидан қуйидагича шеър битган экан:

*Биз энди унданмасмиз, дунё аҳли бўлсак-да,
На ўликмиз, на тирик – фақат дил ғамин еймиз.
Зиндонбон бир иш билан ҳузуримизга кирса гар,
Алам билан: «Бу дунёдан ташриф буюрди», деймиз.*

Йўлтасарлик қилиб, одамлар кўнглига қўрқув солишнинг ўзиёқ катта гуноҳдир. Мол-мулкни талон-торож қилиш, кишиларга жароҳат етказиш, қатл этишни эса айтмаса ҳам бўлаверади.

Аллоҳдан барча балою офатлардан омон сақлашини сўраймиз. Албатта, У саховатли, мағфиратли ва раҳмли Зотдир.

Олтишинчи гуноҳи кабира

ОДАМЛАРНИНГ СИРЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТИШ – ЖОСУСЛИК

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَا تَجَسَّوْا

«...(Ўзгалар айбини қидириб) **жосуслик қилмангиз...**» (Хужурот сураси 12-оят).

Яъни, бир киши биродарининг айбини қидирмасин. Аллоҳ беркитган нарсани ошкор қилишга уринмасин.

Муфассирлар: «Жосуслик – мусулмонларнинг айбу нуқсонларини қидириш», деганлар.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)га: «Валид ибн Уқбанинг соқолидан хамр томиб юради», дейишган

эди. У зот: «Батаҳқиқ, биз жосуслик қилишдан қайтарилганмиз. Бироқ унинг ростдан ҳам ичувчи экани маълум бўлса, уни жазолаймиз», дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким бир қавмнинг гапларига ёқтирмасалар-да, кулоқ солса, қиёмат кунда унинг кулоқларига эритилган қўрғошин қуйилади».

Аллоҳдан Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган ишларга муваффақ этишини сўраймиз. У марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Олтмиш биринчи гуноҳи кабира

ДУШМАН ҲУЖУМИДАН ҚОЧИШ

Аллоҳ таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا زَحَفًا فَلَا تُولُوهُمْ
الْأَدْبَارَ ﴿١٥﴾ وَمَنْ يُؤْلِهِمْ يَوْمَئِذٍ دُبُرُهُ إِلَّا مُتَحَرِّفًا لِّقَالٍ
أَوْ مُتَحَيِّرًا إِلَىٰ فِتْنَةٍ فَقَدْ بَاءَ بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَمَأْوَاهُ
جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٦﴾

«Эй имон келтирганлар! Кофир бўлганлар тўдаси билан тўқнашганингизда, улардан ортга қараб чекинмангиз! Ким ўша куни улардан ортга чекина – жанг иши билан четлаган ва бирор бўлинмага қўшилишга борганлар бундан мустасно – Аллоҳнинг ғазаби билан (бирга) қайтган бўлиб, жойи жаҳаннам бўлур. Қандай ҳам ёмон тақдирдир бу?!» (Анфол сура-си 15–16-оятлар).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглар», дедилар. «Ё Расулulloҳ, улар қайсилар?» деб сўрашди. У зот: «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақ қатл этиш, етим молини ейиш, душман бостириб келган кунда (жангдан) қочиш ва покдомон мўмина аёлларни бадном қилиш», дея жавоб бердилар» (*Мутаффақун алайҳ*).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «...Агар сизлардан **йигирма нафар сабрли** (киши) бўлса, **икки юз нафар** (душман)ни **енгар...**» (*Анфол*, 65) ояти нозил бўлгач, Аллоҳ йигирма нафар мусулмонга икки юз нафар душмандан қочмасликни фарз қилди. Сўнг: «**Энди, Аллоҳ сизлардан** (юкинғизни олиб) **енгиллаштирди...**» (*Анфол*, 66) ояти нозил бўлди ва юз нафар мусулмонга икки юз нафар душмандан қочмаслик фарз бўлди» (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривояти*).

Олтимиш иккинчи гуноҳи кабира

ЎЛЖАГА ХИЁНАТ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:


وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغْلُلْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَمَةِ

«Пайғамбар (ўлжа тақсимида) хиёнат қилиши мумкин эмас. Кимда-ким хиёнат қилса, қиёмат куни ўша хиёнати билан бирга (ҳузуримга) келур...» (*Оли Имрон сураси 161-оят*).

Яъни, бирон-бир пайғамбар қўлга тушган ўлжадан ҳеч нарсани яширинча ўзига олиши шариатга ҳам, ақлга

ҳам тўғри келмайди. Қолаверса, бу иш пайғамбарлик шаънига ҳам сира мос эмас.

Энди ким ўлжадан бирор нарсага хиёнат қилса, қиёмат куни ўша хиёнат қилган нарсасини бўйнида кўтариб келади ва бутун гувоҳлар олдида шармандаи шармисор бўлади.



«...Албатта, Аллоҳ хоинларни яхши кўрмагай»
(Анфол сураси 58-оят).

Яъни, Аллоҳ аҳдида турмайдиган, ваъдасига вафо қилмайдиган кимсаларни севмайди.

Абу Хурайра (розияллоҳу анху) айтадилар: «Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузуримизга чиқиб, хиёнатни, унинг улкан гуноҳлигини зикр қилиб, бундай дедилар: «Сизлардан бирортангизни қиёмат кунида бўйнида бўкираётган туяни кўтариб келган ҳолда кўрмайин. У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирор нарсага қодир эмасман. Сенга етказган эдим-ку», дейман. Бирортангизни қиёмат кунида бўйнида от кишнаётган ҳолда кўрмайин У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирор ишга қодир эмасман. Сенга етказган эдим-ку», дейман. Бирортангизни қиёмат кунида бўйнида маъраётган қўйни кўтариб келаётган ҳолда кўрмайин. У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирор нарсага қодир эмасман. Сенга етказган эдим-ку», дейман. Бирортангизни қиёмат кунида бўйнида қичқираётган инсонни кўтариб келган ҳолда кўрмайин. У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирон нарсага қодир эмасман. Сенга етказган эдим-

ку», дейман. Бирортангизни қиёмат кунида бўйнида кимирлаётган (ҳақ ёзиладиган) қоғозни кўтариб келган ҳолда кўрмайин. У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирон нарсага қодир эмасман. Сенга етказган эдим-ку», дейман. Бирортангизни қиёмат кунида бўйнида олтин ёки кумуш кўтариб келган ҳолда кўрмайин. У: «Ё Расулуллоҳ, мени қутқаринг», деганида, мен: «Сен учун бирон нарсага қодир эмасман. Сенга етказган эдим-ку», дейман» (*Имом Муслим ривояти*).

Кимда-ким ҳадисда айтилганидек, йиғилган закотдан бирор нарса олса, қиёмат куни ўша нарсани бўйнида кўтарган ҳолда келади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ибн Латбияни закот йиғувчи қилиб тайинлаганларида, у келиб: «Бу сизларга, буни эса менга ҳадя қилишди», деди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) минбарга чиқиб, Аллоҳга ҳамду сано айтгач: «Аллоҳга қасамки, сизлардан бирор киши ҳақи бўлмаган бирор нарсани олса, у қиёмат кунида ўша нарсани кўтарган ҳолда Аллоҳга дуч келади. Сизлардан бирортангизни бўкираётган туя ёки мўълаётган сигир ё маъраётган қўй кўтариб, Аллоҳга дуч келганини кўрмайин», дедилар. Кейин қўлтиқларининг оқи кўринадиган даражада қўлларини кўтариб: «Ё Аллоҳ, етказдимми?» деб айтдилар (*Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Хайбарга чиқдик. Аллоҳ уни бизга фатҳ этди. Биз тилладан ҳам, кумушдан ҳам ўлжа олганимиз йўқ. Ҳар хил буюм, кийим-кечакдан ўлжа олдик. Сўнг Қуро водийси томон юрдик. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Бани жизомлик бир киши ҳадя қилган қўллари

ҳам бор эди (У Бани Зобиб қабиласидан бўлиб, Руфоъа ибн Язид деб аталарди). Водийга келиб тушгач, у Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида туриб, уловларининг эгарини ечаётганида, унга найза келиб тегди. Шу сабабли ўлди. Биз: «Ё Расулulloҳ, унга шаҳидлик муборак бўлсин», дедик. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Йўқ, Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, уни ҳали тақсимланмаган ўлжадан қолган ёпинчиқ олов бўлиб куйдиради», дедилар. Бундан одамлар ваҳимага тушди. Биров бир ёки икки дона боғич олиб келиб: «Хайбар кунда топиб олган эдим», деди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Олови боғич ёки олови иккита боғич», дедилар» (*Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мулозимлари орасида Каркара исмли киши бор эди. У вафот этганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «У дўзахдадир», дедилар. Одамлар бориб, уни кўздан кечирдилар ва у хиёнат қилиб олган жунли ёпинчиқ (енгсиз тўн)ни топдилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Зайд ибн Холид (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобаларидан бири Хайбар куни вафот этди. Буни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га зикр қилишди. У зот (алайҳиссалом): «Соҳибингизга жаноза ўқинглар», дедилар. Бундан одамларнинг юзлари ўзгариб кетди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Соҳибингиз Аллоҳ йўлидаги (насага) хиёнат қилди», дедилар. Биз унинг кийимларини тафтиш қилиб, бир яҳудий бигизини топдик. У икки дирҳам ҳам турмас эди» (*Имом Молик, Аҳмад, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Амирларнинг ҳадялари хиёнатдир», деганлар (*Имом Табароний ривояти*).

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Аллоҳ таҳоратсиз намозни ҳам, хиёнат аралашган садақани ҳам қабул қилмайди» (*Имом Муслим ривояти*).

Имом Аҳмад (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Биз Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хиёнаткор ва ўз жонига қасд қилган кимсадан ташқари бирор кишининг жанозасини ўқишдан бош тортганларини билмаймиз».

Аллоҳдан Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган ишларга муваффақ этишини сўраймиз. У марҳаматли Зотдир.

Олтмиш учинчи гуноҳи кабира

МУСУЛМОНЛАРНИНГ НОЗИК ЖИҲАТЛАРИНИ ОЧИШ

Али (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени, Зубайрни ва Миқдод ибн Асвадни юбораётиб: «Хох номли боққа боринглар. У ерда бир чўрини учратасизлар. Унда мактуб бор. Ўшани олиб келинглар», дедилар. Биз йўлга тушдик. Отларимизни чоптириб, боққа етдик ва у жойда чўрини учратдик. Унга: «Мактубни чиқар», дедик. У: «Менда ҳеч қандай мактуб йўқ», деди. Биз: «Ё мактубни чиқариб берасан ёки кийимларингни ечиб тинтамыз», деганимиздан кейин турмакланган сочининг орасидан мактубни чиқариб берди. Уни олиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га келтирдик. Унда: «Ҳотаб ибн Абу Балтаъадан Макка аҳлининг айрим мушрикларига» деб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг баъзи иш-

лари ҳақида хабар берилган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй Ҳотаб, бу нима?» деб сўрадилар. У: «Ё Расулуллоҳ, хулоса чиқаришга шошилманг. Мен курайшлик эмасман. Фақат улар билан қўшни эдим. Сиз билан бирга бўлган муҳожирларнинг эса Маккада қолган бола-чақаларини ҳимоя қиладиган қариндошлари бор. Менинг бундай насаб-қариндошларим бўлмагани боис уларга яхшилик қилишни ва бунинг эвазига у ерда қолган яқинларимни ҳимоя этишни хоҳладим. Бу ишни кофир ва муртад бўлганимдан ёки Исломдан сўнг куфрга рози эканимдан қилмадим», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «У рост айтди», дедилар. Шунда Умар: «Ё Расулуллоҳ, ижозат беринг, мен бу мунофиқларнинг бошини олай», дедилар. У зот (алайҳиссалом): «У Бад-рда қатнашган. Сен қаердан биласан, эҳтимол, Аллоҳ Бадр аҳлининг қай аҳволга тушганини билгани боис: «Истаган ишингларни қилинглар, сизларни мағфират қилдим», дегандир», дедилар».

Ҳадисда баён қилинишича, Умар (розияллоҳу анҳу) Ҳотаб ибн Абу Балтаъани қилган иши учун ўлдирмоқчи бўлганлар. Аммо у Бадр ғазоти иштирокчиси экани туфайли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни қатл этишни ман қилганлар.

Чақимчилик гуноҳи кабира ҳисобланса, жосуснинг чақимчилиги янада улканроқ, каттароқ гуноҳ бўлишини ҳар бир эс-хушли одам яхши билади. Аллоҳ Ўз паноҳида сақласин. Ундан афв ва офият тилаймиз. У меҳрибон, ҳар нарсадан хабардор, марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Олтамиш тўртинчи гуноҳи кабира

ЁЛҒОН ҚАСАМ ИЧИШ

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ



«Аллоҳга берган аҳдлари ва қасамларини озгина баҳога алмаштирадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. (Қиёмат куни) Аллоҳ улар билан гаплашмайди, уларга (раҳмат назари билан) боқмайди ва уларни оқламайди ҳам. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли Имрон сураси 77-оят).

Воҳидий (раҳматуллоҳи алайх) айтадилар: «Мазкур оят Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига ер талашиб келган икки киши хусусида нозил бўлган. Даъвогарлардан бири қасам ичмоқчи бўлганида, Аллоҳ бу оятни туширган ва у қасам ичишдан бош тортиб, шеригининг ҳақи борлигига иқрор бўлган эди».

Ашъас (розиаллоҳу анҳу) айтадилар: «Аллоҳга қасамки, бу оят мен хусусимда нозил бўлган. Бир яҳудий билан орамизда ер бор эди. У менинг еримни ўзиники деб даъво қилди. Мен уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига бошлаб бордим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан: «Далилинг борми?» деб сўрадилар. «Йўқ», дедим. Яҳудийга: «Қасам ич», дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, агар у қасам ичса, менинг молим кетади-ку», дедим. Шунда Аллоҳ

азза ва жалла: **«Аллоҳга берган аҳдлари ва қасамларини озгина баҳога алмаштирадиган кимсалар...»** деб бошланган оятни туширди» (*Имом Аҳмад, Бухорий ва Муслим ривояти*).

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда: «Ким мусулмон кишининг моли хусусида ноҳақ қасам ичса, Аллоҳга ғазабланган ҳолида йўлиқади», дейилган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким (ёлғон) қасам ичиб мусулмоннинг ҳақини ўзлаштирса, батаҳқиқ, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади», дедилар. «Ё Аллоҳ, арзимаган нарса бўлса ҳамми?» деб сўрашди. У зот (алайҳиссалом): «Бутанинг бир новдаси бўлса ҳам», деб жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳафс ибн Майсарага: «Бу ҳадис нақадар шиддатли бўлмаса?!» дейишганида, у киши: «Аллоҳ таолонинг китобида: **«Аллоҳга берган аҳдлари ва қасамларини озгина баҳога алмаштирадиган кимсалар...»** деган оят бор эмасми?» дедилар.

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қиёмат куни Аллоҳ уч тоифа одамга гапирмайди, (раҳмат) назари билан боқмайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди ва улар учун аламли азоб бўлур», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, ким улар, зиёнкор бечораларми?» дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сўзни уч бора такрорлаб: «Кийими узунлигидан ерга судраб юрувчи, ёлғон қасам билан молини ўтказувчи ва миннат қилувчи кимса, дея жавоб бердилар» (*Имом Аҳмад, Муслим ва бошқалар ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Гуноҳи кабиралар – Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш

ва ёлғон қасам ичиш», дедилар» (*Имом Бухорий, Насоий ва Термизий ривояти*).

Ёлғон қасам ўз соҳибини бу дунёда гуноҳга, охиратда эса дўзахга туширади.

Фасл

Аллоҳ азза ва жалладан бошқа нарса билан қасам ичиш ҳам гуноҳи кабира ҳисобланади. Масалан, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), фаришталар, Каъба, осмон, сув, ҳаёт, омонат, жон, бош ва шу каби нарсалар билан онт ичиш мумкин эмас.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ сизларни оталарингиз билан қасам ичишдан қайтаради. Ким онт ичмоқчи бўлса, Аллоҳнинг номи билан ичсин ёки жим турсин», деганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Бошқа саҳиҳ ривоятда эса: «Бас, ким қасам ичмоқчи бўлса, фақат Аллоҳнинг номи билан онт ичсин ёки сукут сақласин», дейилган.

Абдурахмон ибн Самура (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Тоғутлар билан ҳам, ота-боболарингиз билан ҳам қасам ичманглар», дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Тоғутлар – шайтон ва бут-санамлар.

Бурайда (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимда-ким омонат билан қасам ичса, биздан эмас», дедилар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким қасам ичиб: «Мен Исломдан бегонаман», деб ёлғон гапирган бўлса, айтганидекдир. Агар гапи рост бўлса, Ис-

ломга сира саломат ҳолида қайтмайди», дедилар (*Имом Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) бир кишининг: «Қаъбага қасам», деганини эшитиб: «Аллоҳдан бошқанинг номи билан онт ичма. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Ким Аллоҳдан бошқанинг исми билан қасам ичса, куфр ёки ширк келтирибди», деганларини эшитганман», дедилар.

Айрим уламолар мазкур ҳадисдаги: «Куфр ёки ширк келтирибди» жумласини муболаға деб изоҳлашган. Бу Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Риёнинг озгинаси ҳам ширкдир» деган ҳадиси шарифларига ўхшашдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким онт ичаётиб: «Лот ва Уззога қасам» деб юборса, дарҳол: «Ла илаҳа иллаллоҳ» десин», деганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Айрим саҳобалар Исломга энди кирган вақтларида тиллари ўрганиб қолгани учун шундай қасам ичардилар. Уларга Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари билмаган ҳолда айтган сўзларига каффорат бўлиши учун дарҳол: «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишни буюрар эдилар. Тафвиқ Аллоҳдан.

Олтиш бешинчи гуноҳи кабира

НОҲАҚ ҲУКМ ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло Моида сурасида бундай марҳамат қилади:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٥٥﴾

«...Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир» (44-оят).

﴿٤٥﴾ وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

«...Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар золимлардир» (45-оят).

Яъни, Аллоҳнинг шариатига хилоф қилганлари учун улар ўтакетган золимлардир.

﴿٤٧﴾ وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

«...Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар фосиқлардир» (47-оят).

Яъни, улар имондан ва Аллоҳ тоатидан чиқувчи, осий кимсалардир.

Бурайда (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Икки қози дўзахда ва бир қози жаннатда. Ҳақ билан ҳукм қилган қози жаннатда. Зулм билан (ноҳақ) ҳукм қилган ва билмай туриб ҳукм қилган қози дўзахда», дедилар». «Билмайдиган қозининг гуноҳи нима?» деб сўрашди. У зот (алайҳиссалом): «Унинг гуноҳи (етарли илм) олмай туриб қози бўлгани», дея жавоб бердилар» (Имом Ҳоким ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимда-ким қозиликка ёки одамлар орасида қози қилиб тайинланса, дарҳақиқат, пичоқсиз сўйилибди», дедилар» (Имом Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривояти).

«Пичоқсиз сўйилибди» жумласининг маъноси шуки, пичоқ билан сўйилаётган жонлиққа роҳат бахш этилади. Борди-ю пичоқсиз сўйилса, азобланади.

Урфда, одатда пичоқ билан сўйилади. Бунга хилоф равишда, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «пичоқсиз (бошқа нарсa билан) сўйилибди», дедилар. Бу билан қозиларнинг бадани эмас, дини ҳалок бўлишидан хавфсираган бўлишлари мумкин.

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Қиёмат кунида одил қози чақирилиб, шундай шиддатли ҳисоб-китобга дуч келадики, шунда у бутун умрим давомида сира қозилик қилмаганимда эди, деб орзу қилади», деганларини эшитдим» (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ривоят қилинишича, ким волий (ҳоким) ёки қози бўлса, қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурига келтирилиб, кўприкка турғазиб қўйилади. Сўнг сири (номаи аъмоли) фош қилиниб, бутун махлуқотлар гувоҳлигида ўқилади. Агар у одил бўлган бўлса, Аллоҳ унга адолати туфайли нажот беради. Борди-ю бошқача (яъни, золим) бўлган бўлса, кўприк шундай силкинадики, унинг аъзоларининг ораси фалон-фалон масофага кенгайиб кетади. Сўнг кўприк синиб, жаҳаннамга қулайди.

Фузайл ибн Иёз (рахматуллоҳи алайҳ) айтганлар: «Қози учун бир кун қозилик қилиши ва бир кун ўзи йиғлаши лозим».

Муҳаммад ибн Восеъ айтганлар: «Қиёмат куни ҳисоб-китоб учун биринчи бўлиб қозилар чақирилади».

Макхул (рахимахуллоҳ) айтганлар: «Агар қозиликни ёки бўйним чопилишини танлашим лозим бўлганида, қозиликни қўйиб, бўйним чопилишини танлаган бўлардим».

Айюб Сахтиёний (рахматуллоҳи алайҳ) айтганлар: «Энг илмли одамларнинг қозиликдан қаттиқ қочганларини кўрдим».

Суфён Саврийга: «Шурайҳ қозиликка тайинланди», дейишди. У зот: «Шундай ажойиб кишини бузишибди-да (расво қилишибди-да)» дедилар.

Молик ибн Мунзир Муҳаммад ибн Восеъни Басрага қози қилиш мақсадида чақирганида, бош тортди. Уни қайта чорлаб: «Ё қози бўласан ёки дарраланасан», деди. У зот: «Сен ҳукмдорсан, шундай қилишинг мумкин. Аммо охиратда хор бўлгандан кўра, дунёда хорланган хайрлироқ», деди.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтадилар: «Агар ҳукмдор жабр-зулм қилмоқчи бўлса ёки қилса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисидан, уларнинг бозорлари-ю ризқларидан, экинлари-ю чорваларидан ва барча нарсалардан баракани кўтаради. Агар у яхшилик ёки адолат қилмоқчи бўлса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисига ва барча нарсаларга барака ато этади».

Ҳимс ҳокимларидан бири Умар ибн Абдулазиз (розияллоҳу анҳу)га: «Ҳимс шаҳри вайрон бўлди. У ислоҳга муҳтож», деб хат ёзди. Умар (розияллоҳу анҳу) унга: «Шаҳарни адолат билан мустаҳкамла (идора қил), кўчаларини жабр-зулмдан тозала. Вас-салом», деб ёзиб юбордилар.

Қози ғазабланганида ҳукм чиқариши ҳаромдир. Агар қозининг илми кам, нияти ва хулқи ёмон, тақвоси оз бўлса, аниқ зиёнкорлардан бўлибди. У қозиликдан бўшаши ва дўзахдан халос бўлиш учун шошилиши лозим. Аллоҳдан афв-офият ва Ўзи яхши кўрган, рози бўлган ишларга муваффақ этишини тилаймиз. У марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Олтиш олтинчи гуноҳи кабира

ПОРАХЎРЛИК

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ
 لِيَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِآلَائِهِمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ



«Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!» (Бақара сураси 188-оят).

Яъни, бошқаларнинг ҳақини сизларга ўзлаштириб беришлари учун ҳокимларга пора берманглар.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳукмда пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатладилар» (Имом Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти).

Яна бир ривоятда: «Ўртадаги кишини ҳам», дейилган.

Умму Салама (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ бирорта ҳукмда пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатласин» (Имом Табароний ривояти).

Уламолар айтганлар: «Агар пора берувчининг мақсади мусулмонга озор етказиш ёки ҳақи бўлмаган нарсани қўлга киритиш бўлса, малъундир. Борди-ю ўзининг ҳақини қўлга киритиши ёки ўзидан зулмни даф қилиш учун пора берса, малъун бўлмайди. Ҳокимнинг пора олиши ҳаромдир. У бирор бир ҳақни бекор қиладими

ёки зулмни даф қиладими фарқи йўқ. Ўртасидаги киши эса пора берувчи каби мақсадига қараб баҳоланади. Агар нияти яхши бўлса, малъун бўлмайди. Борди-ю нияти ёмон бўлса, малъундир».

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Хукмдаги пора куфрдир. Одамлар орасидаги эса ҳаромдир» (*Имом Табароний ривояти*).

Фасл

Абу Умома Боҳилий (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким бир биродари учун воситачилик қилса-ю, унга эвазига ҳадя берганида қабул қилса, батаҳқиқ, судхўрликнинг катта эшикларидан бирига яқинлашибди», дедилар» (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Биродарингнинг ҳожатини билиб, уни раво қилсанг-у, (эвазига) сенга ҳадя берганида, қабул қилсанг, бу ишинг ҳаромдир».

Масруқ (раҳматуллоҳи алайҳ) Ибн Зиёд билан гаплашиб, уни зулмдан қайтардилар. Шунда зулмдан халос бўлган киши у зотга хизматкор ҳадя қилган эди, қабул этмадилар ва: «Ибн Масъуднинг: «Ким мусулмондан зулмни даф этса-ю, эвазига унга оз ёки кўп нарсa берса, ҳаромдир», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Абу Абдуррахмон, фақат хукмдаги порани ҳаром, деб ўйлардик», деди. У зот (розияллоҳу анҳу): «У куфрдир», дея жавоб бергандилар», дедилар.

Аллоҳдан барча балою офатлардан соғ-саломат сақлашини сўраймиз.

Имом Абу Амр Авзоий (раҳматуллоҳи алайҳ) Байрутда яшаётганида ҳузурларига бир насроний келиб:

«Менга Баълабакка (шаҳрининг) ҳокими зулм қилди. Унга мактуб ёзиб берсангиз», деб бир кўза асал узатди. Авзоий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Хоҳласанг, асални қайтариб, хат ёзиб бераман, йўқса, асални оламан», дедилар. Сўнгра ҳокимга: «Бу насронийнинг ер солиғини камайтир», дея нома ёзиб бердилар. У асал билан мактубни олиб, ҳокимга учрашди ва мактубни берди. Ҳоким Имомнинг шарофати туфайли ундан ўттиз дирҳамни олиб ташлади.

Олтиш еттинчи гуноҳи кабира

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ

«Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар...» (Фурқон сураси 72-оят).

Бу Раҳмонга суюкли бандаларнинг еттинчи сифатидир.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ ёлғон гувоҳлик берувчининг икки қадами (турган еридан) кўзгалмай туриб, унга дўзахни вожиб қилади», дедилар» (Имом Ибн Можа ва Ҳоким ривояти).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): «Ёлғон гувоҳлик бериш уч маротаба Аллоҳга ширк келтиришга тенглаштирилган», деб: «Бас, бутлардан иборат нажосатдан узоқлашиб, ёлғон сўздан ҳам четда бўлингиз!» (Ҳаж, 30), оятини тиловат қилдилар (Имом Табароний ривояти).

Мусанниф (рахматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Ёлғон гувоҳлик берувчи одам қуйидаги улкан гуноҳларни содир этади:

1) ёлғон ва уйдирма;

Аллоҳ таоло айтади:



إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ

«...Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчи ва ёлғончи кимсаларни ҳидоятга йўллагас» (Ғофир сураси 28-оят).

Ҳадиси шарифда эса: «Мўминнинг табиатида хиёнаткорлик ва ёлғончиликдан ташқари ҳар қандай ҳислатга мойиллик бўлиши мумкин», дейилган (Имом Баззор ва Абу Яъло ривояти).

2) зулм;

Кимнинг зарарига ёлғон гувоҳлик берса, унга зулм қилган бўлади. Чунки шу сабабли ўша кишининг мол-мулки ёки обрўси ё жони кетади.

3) шунингдек, кимнинг фойдасини кўзлаб ёлғон гувоҳлик берса, унга ҳам зулм қилган бўлади. Зеро, унинг гувоҳлиги сабабли у киши ҳаром мол-мулкни эгаллайди ва дўзахга маҳкум бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Кимга биродарининг ҳақини ҳукм қилиб берсам, батаҳқиқ, унга дўзахнинг бир парчасини бўлиб берган бўламан» (Муттафақун алайҳ);

4) у Аллоҳ таоло ҳаром қилган ва ўзганинг сақлаган мол-мулки, қони ва обрўсига тажовуз қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч марта: «Сизларга гуноҳи кабираларнинг энг катталарини хабар қилайми?» деб сўраб: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-

онага оқ бўлиш. Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон гапириш», дедилар. Суянган эдилар, ўтириб, бу сўзни такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Қанийди, сукут қилсалар эди», дедик (*Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти*).

Аллоҳ таолодан барча балолардан омонда сақлашини сўраймиз.

Олтмиш саккизинчи гуноҳи кабира

ЁЛҒОН ГАПИРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَاذِبٌ كَفَّارٌ ﴿٣﴾

«...Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва ношукр кимсаларни ҳидоят қилмас» (*Зумар сураси 3-оят*).

Яъни, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсани ҳидоятига муваффақ қилмайди, ҳақ динга йўлламайди.

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

«Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳ оятларига имон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончилардир» (*Наҳл сураси 105-оят*).

Яъни, Аллоҳга ва оятларига имон келтирмаган кимсагина У Зот шаънига ёлғон тўқийди, азобга дучор бўлишидан кўрқмайди. У ҳақиқий ёлғончидир. Мўмин ёлғон гапириш улкан жиноят бўлгани боис унга яқинлашмайди.



إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ

«...Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчи ва ёлғончи кимсаларни ҳидоятга йўлламас» (Ғофир сураси 28-оят).

Яъни, Аллоҳ ҳаддан ошиб залолатга ботган ва У Зот шаънига ёлғон тўқийдиган кимсани ҳидоятга, имонга муваффақ қилмайди.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ростгўйликни маҳкам тутинглар. Зеро, у эзгуликка йўллайди, эзгулик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапириш ва ростгўйликка интилишда давом этаверади, натижада Аллоҳ ҳузурида ростгўй деб ёзилади. Ёлғончиликдан сақланинглар. Зеро, у фожирликка (гуноҳкорликка), фожирлик эса дўзахга бошлайди. Банда ёлғон гапириш ва ёлғончиликка интилишда давом этаверади, ниҳоят Аллоҳ ҳузурида ёлғончи деб ёзилади», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Мунофиқнинг аломати учта: гапирса ёлғон сўзлайди, ваъда берса, устидан чиқмайди, омонат қўйилса, хиёнат қилади» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимда тўрт хислат бўлса, ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан бири бўлса, уни тарк этмагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бўлади: омонат қўйилса, хиёнат қилади, гапирса, ёлғон сўзлайди, аҳд қилса, (аҳдида) турмайди, хусуматлашса (тортишса), фожирлик қилади», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг тушлари ҳақидаги ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Сўнг орқаси билан чалқанча ётган бир кишининг ёнига келдим. Тепасида темир чангак кўтарган бошқа биров турарди. Шу пайт у (ётган кимса) юзининг бир томонига яқинлашди-да, юзини, бурнини ва кўзини энсасигача йиртиб ташлади. Сўнггра нима қилган бўлса, шуни қилди. Бу томонидан бўшамай туриб, нариги тарафи тузалиб қолди. Сўнг яна у томонга ўтиб, бияринчи сафар қилган ишини такрорлай бошлади. Мен: «Субҳаналлоҳ, бу нима?» деб сўрадим. «Юр, кетдик», дейишди. Кейин икки фаришта Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га буни изоҳлаб: «Энди, юзи энсасигача, юзи, бурни ва кўзи энсасигача йиртилаётган кишига келсак, у эрталаб уйидан чиқиб, уфққача етадиган даражада кўп ёлғон гапирадиган кимсадир», дейишди» (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ қиёмат куни уч тоифа одамга гапирмайдиган, уларни (гуноҳларидан) покламайдиган, уларга (раҳмат назари билан) қарамайдиган ва уларга аламли азоб бўлади. (Улар): зинокор қария, ёлғончи подшоҳ ва мутакаббир камбағалдир» (*Имом Муслим ва Насоий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Одамларни кулдириш учун ёлғон гапирадиган кимсага вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин» (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).


Ҳадиси шарифлардан бирида: «Мўминнинг табиатида хиёнаткорлик ва ёлғончиликдан ташқари ҳар қандай хислатга мойиллик бўлиши мумкин», дейилган (*Имом Баззор ва Абу Яъло ривояти*).

Навос ибн Самъон (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Биродаринг сени тасдиқлай деб турганида, унга ёлғон гап айтишинг катта хиёнатдир», дедилар» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтганлар: «Банда ёлғон гапириш ва ёлғончиликка интилишдан тўхтамайди, ниҳоят унинг қалбида қора доғ пайдо бўлади. Бориб-бориб қалби батамом қораяди ва Аллоҳ наздида ёлғончилардан деб ёзилади».

Ёлғон қасам ичиш ёлғон гапиришдан ҳам ёмонроқдир.

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида хабар бериб бундай дейди:



«...Яна улар билиб туриб, («Биз мусулмонмиз» деб) қасам ҳам ичурлар» (*Мужодала сураси 14-оят*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: «Аллоҳ қиёмат куни уч тоифа одамга гапирмайди, уларга (раҳмат назари билан) қарамайди, уларни (гуноҳларидан) покламайди ва уларга аламли азоб бўлади: Саҳрода ортиқча суви бўла туриб, йўловчиларга бермайдиган; асрдан сўнг аслида ундай бўлмаса-да, ўзи фалон нархга олганига ишонтириш учун Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб матосини сотган; амирга мол-дунё илинжида байъат берган, шу сабабли унга хоҳлаган нарсасини бериб турса, ваъдасига вафо қиладиган, бермай қўйса, аҳдини бузадиган кимса» (*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти*).

Туш борасидаги ёлғон ҳам катта ёлғондир.

Имом Бухорий (рахматуллоҳи алайҳ) ривоят қилган ҳадисда: «Ким кўрмаган тушини кўрдим деса, унга икки соч толасини улаш юкланади. Бироқ бу ишни уддалай олмайди», дейилган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кинининг икки кўзи кўрмаган нарсаларни кўрсатиши – ёлғонларнинг ёлғонидир (энг катта уйдирмадир)» дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Яъни, киши тушида ҳеч нарсa кўрмаган бўлса-да, уни кўрдим, буни кўрдим, дейиши ғирт ёлғондир.

Мусулмон яхши фойдали сўзларнигина гапириб, бекорчи, фойдасизларидан тилини тийиши лозим. Зеро, сукут сақлаш саломатлик бўлиб, унга бирор нарсa тенг келмайди. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўзларни гапирсин ёки сукут сақласин», деганлар (*Мутафаққун алайҳ*).

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Ё Расулуллоҳ, қайси мусулмон афзал?» деб сўрадим. У зот: «Кўли ва тилидан мусулмонлар саломат бўлган киши», дея жавоб бердилар» (*Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Бир банда эътиборсизлик билан бир сўзни айтиб, у сабабли дўзахга машриқ ва мағриб орасидан узоқроқ масофага кулайди» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Билол ибн Ҳорис Музаний (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бир киши Аллоҳни рози қиладиган сўзни айтиб, у туфайли Аллоҳ таоло унга учрашадиган кунигача розилигини ёзиб қўяди. У сўзининг бу дара-

жага етишини ўйлаб кўрмаган бўлади. Яна бир одам Аллоҳни ғазаблантирадиган сўзни айтиб, у сабабли Аллоҳ унга учрашадиган кунигача ғазабини ёзиб қўяди. Сўзининг бу даражага етишини у ҳам ўйлаб кўрмаган бўлади», дедилар» (Имом Молик ва Термизий ривояти).

Бу хусусда саҳиҳ ҳадислар кўп бўлиб, зикр қилганларимизнинг ўзи ҳам кифоя қилса, ажабмас.

Бир кишидан: «Одам боласининг қанча айби бор экан?» деб сўрашди. У: «Санаб саноғига етиб бўлмайди. Мен ўзим санаганман, саккиз мингта айб бўлди. Бироқ бир хислат борки, у барча камчиликларни беркитиб туради. У – тилни тийиш», дея жавоб берди.

Аллоҳ барчамизни гуноҳ ишлардан четлатсин, Ўзи рози бўладиган амалларга йўлласин. У марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Олтиш тўққизинчи гуноҳи кабира

ҚИМОР ЎЙНАШ

Аллоҳ таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلٍ



الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

«Эй имон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз» (Моида сураси 90-оят).

Яъни, бу ишларнинг барчаси, гарчи шайтон уларни чиройли қилиб кўрсатса-да, нопок, ҳаром амаллардир. Улуғ савобларга эришиш учун бу ифлосликлардан узоқ бўлинглар.

إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَيْرِ
وَالْمَيْسِرِ وَيُضِلَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْهَوُونَ ﴿٩١﴾

«Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди, сизлар (май ичишдан) тийилувчимисиз?» (Моидда сураси 91-оят).

Оят охиридаги жумла буйруқ маъносидаги сўрок бўлиб «тўхтанглар», деган маънони ифодалайди. Шунинг учун Умар (розияллоҳу анҳу): «Ё Парвардигор, тўхтадик», деганлар.

Абу Ҳайён айтадилар: «Аллоҳ таоло хамр ва қимордаги икки фасодни зикр қилди: бири – дунёвий, иккинчиси – диний».

Дунёвий фасоди: хамр кўнгилсизлик ва гина-кудурат келтириб чиқаради ҳамда ёр-дўстлар орасига раҳна солади. Қимор ўйнайдиган кимса эса, бориб-бориб ҳеч вақоси қолмайди ва охири хотинию болаларини ҳам қиморга тикиб юборади.

Диний фасоди: Хамр ичган одам сархуш бўлиб, эс-ҳушини йўқотади ва Аллоҳни зикр қилишдан чалғийди. Қимор ўйнайдиган кимса эса, ютса ҳам, ютқазса ҳам, Аллоҳни зикр қилишдан чалғийди.

Қимор одамларнинг ҳақларини ботил-ноҳақ йўл билан ейиш ҳисобланиб, Аллоҳ ундан қайтаргандир:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ

«Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз!...» (Бақара сураси 188-оят).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам: «Айрим кишилар Аллоҳнинг молига ноҳақ тажовуз қилдилар. Қиёмат куни уларга дўзах бўлур», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким биродарига: «Кел, қимор ўйнаймиз» деса, дарҳол садақа қилсин», дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Агар «қимор ўйнаймиз» деган сўзнинг ўзи учун каффорат тўлаш ёки садақа қилиш вожиб бўлса, қимор ўйнашнинг ҳукми қандай бўлар экан?!

Фасл

Уламолар, гарчи ўртага ҳеч нарса тикмасалар-да, нарда ўйнаш ҳаромлигига иттифоқ қилишган. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимда-ким нарда ўйнаса, гўёки қўлини чўчқанинг гўшти ва қонига ботиргандек бўлибди», деганлар (*Имом Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким нарда ўйнаса, батаҳқиқ, Аллоҳ ва Расулига осийлик қилибди», дедилар (*Имом Молик, Ҳоким ва бошқалар ривояти*).

Етмишинчи гуноҳи кабира

САҲОБАЛАРДАН БИРОРТАСИНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло: «Ким Менинг дўстимга душманлик қилса, унга қарши уруш эълон қилдим», деди», деганлар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Саҳобаларимдан бирортасини ҳам сўкманглар. Зеро, сизлардан бирор киши Уҳуд тоғича олтин эҳсон қилса ҳам, улардан бирининг (эҳсон қилган) муддига (ўлчов бирлиги) ва унинг ярмига ҳам етмайди», деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Саҳобаларим борасида Аллоҳдан кўрқинглар. Мендан кейин уларни (сўкиш ва ҳақорат қилиш учун) нишон қилиб олманглар. Ким уларни яхши кўрса, мени яхши кўргани учун яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўргани учун ёмон кўрибди. Ким уларга озор берса, батаҳқиқ, менга озор берибди. Ким менга озор берса, батаҳқиқ, Аллоҳга озор берибди. Ким Аллоҳга озор берса, ҳеч қанча вақт ўтмай, Аллоҳ уни жазолайди», дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Мазкур ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларни сўкиш, ҳақорат қилиш ва уларга азият беришдан қаттиқ қайтарганлар ҳамда уларни яхши ё ёмон кўриш ўзларини яхши ёки ёмон кўришининг аломати эканини баён қилганлар. Бу саҳобаларнинг фазилатлари ва уларнинг даражаси нақадар улуғ эканини кўрсатади.

Бошқа бир саҳиҳ ҳадисда эса: «Ансорларни яхши кўриш – имон аломати, уларни ёмон кўриш – мунофиқлик аломати», дейилган (*Имом Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти*).

Сабаби ансорлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўл остиларида Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қилганлари ва дин учун жонкуяр бўлганларидир.

Шунингдек, Али (розияллоҳу анҳу)ни яхши кўриш яхшилик аломати, ёмон кўриш эса мунофиқлик аломатидир. Имом Муслим Али (розияллоҳу анҳу)нинг бундай деганларини ривоят қилган: «Уруғни ёриб чиқарган, жонни яратган Зотга қасамки, менга уммий Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени фақатгина имонли киши яхши кўришини ва фақатгина мунофиқ кимса ёмон кўришини билдирганлар».

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу гапни Али (розияллоҳу анҳу) ҳақида айтган бўлсалар, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) бу мартабага Алидан кўра лойиқроқ ва ҳақлироқдир. Чунки Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) пайғамбарлардан кейинги энг афзал инсондирлар. Умар ва Али (розияллоҳу анҳумо) бирор кишини Абу Бакрдан афзал деб билган тухматчи кимсага бериладиган жазо қўлланади, яъни, дарра урилади, деганлар.

Саҳобаларнинг ҳаёт йўллари, турмуш тарзлари билан яқиндан танишган инсон уларнинг нима сабабдан бу даражаларга етганини англайди. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик чоғларида ҳам, вафот этганларидан кейин ҳам имонга шошилишди – интилишди, кофирларга қарши жиҳод қилишди, динни ёйиб, Ислом маросимларини зоҳир этишди, Аллоҳ ва Расулининг калимасини олий қилиб, фарз ва суннатла-

рини таълим беришди. Агар улар бўлмаганида диннинг аслию тармоқлари бизга етиб келмаган, фарзлару суннатлар, ҳадислару хабарлардан бирортасини билмаган бўлардик.

Ким саҳобаларни ёмон отлиқ қилса ёки ҳақорат этса, диндан чиқиб, Ислом миллатидан юз ўгирган бўлади. Чунки шундай эътиқоддаги кимса ўзини уларга тенг деб билган, уларга нисбатан дилида кек сақлаган ва Аллоҳ таоло Китобида уларни мақтаб, суйиб келтирган мартабалари, ғазилатларини инкор қилган бўлади. Зеро, улар динни етказишга, воситачилик қилишга энг муносиб, энг ҳақли зотлар эдилар (Аллоҳ улардан рози бўлсин). Уларга таъна қилиш динга таъна қилиш, уларни менсимаслик динни менсимаслик билан баробардир. Бу мунофиқлик, кофирлик ва даҳрийликдан саломат бўлган ва озгина фикр юритган ҳар бир кишига маълумдир.

Ушбу фикрни қуйидаги ҳадис ва хабарлар тасдиқлайди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таборака ва таоло мени танлаб олди ва мен учун саҳобаларимни сайлаб, улардан менга вазирлар, ёрдамчилар ва қариндошлар қилди. Бас, ким уларни ҳақорат қилса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлади, қиёмат куни унинг на фарз, на нафл ибодатлари қабул қилинади», деганлар (*Имом Ҳоким ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Аллоҳ азза ва жалла бандаларининг қалбларига қараб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қалби улар орасида энг яхши қалб эканини кўрди ва у кишини танлаб, Пайғамбар этиб юборди. Сўнг бан-

даларнинг қалбларига қараб, саҳобаларнинг қалблари уларнинг орасидаги энг яхши қалб эканини кўрди ва уларни Пайғамбарининг вазири қилди. Улар Унинг дини учун курашдилар. Бас, мусулмонлар нимани яхши деб билсалар, у Аллоҳнинг наздида ҳам яхшидир. Мусулмонлар нимани ёмон деб билсалар, у Аллоҳнинг наздида ҳам ёмондир» (*Имом Аҳмад, Баззор ва Табароний ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Саҳобаларимни ҳақорат қилманглар. Аллоҳ саҳобаларимни ҳақорат қилган кимсани лаънатласин» (*Имом Табароний ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар саҳобаларим зикр қилинса, жим бўлинглар. Агар юлдузлар зикр қилинса, жим бўлинглар. Агар тақдир зикр қилинса, жим бўлинглар», деганлар» (*Имом Табароний ривояти*).

Уламолар айтадилар: «Бунинг маъноси шуки, киши тақдирнинг сири ҳақида фикр юритишдан тийилиши лозим. Бу имон аломати ва Аллоҳнинг амрига таслим бўлиш ҳисобланади. Шунингдек, ким юлдузлар Аллоҳнинг иродасидан ташқари ҳам таъсир қилади ёки фаолият кўрсатади, деб эътиқод қилса, мушрик бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобаларини сўккан, айрим камчиликларини кузатиб, ўрганиб, уларни айбдор деб билган кимса мунофиқдир. Аксинча, мусулмон Аллоҳни ва Расулини, у зот келтирган нарсаларни, у зотнинг буйруқларини бажарган, йўл-йўриқларини ўзларига дастуриламал деб билган, суннатларига амал қилган кишиларни, у зотнинг яқинлари, саҳобалари, аҳли аёллари, фарзандлари ва ходимларини

яхши кўриш ҳамда уларни яхши кўрган кишиларни дўст тутиш, ёмон кўрганларни ёмон кўриш вожиб бўлади. Зеро, имоннинг энг мустаҳкам ҳалқаси Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир».

Айюб Сахтиёний айтганлар: «Ким Абу Бакр (розиаллоҳу анҳу)ни яхши кўрса, ҳақиқатда у диннинг устунини барпо қилибди. Ким Умар (розиаллоҳу анҳу)ни яхши кўрса, ҳақиқатда у йўлни равшан қилиб олибди. Ким Усмон (розиаллоҳу анҳу)ни яхши кўрса, ҳақиқатда у Аллоҳнинг нури билан нурланибди. Ким Али (розиаллоҳу анҳу)ни яхши кўрса, ҳақиқатда у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Ким Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобалари ҳақида яхши сўзларни гапирса, ҳақиқатда у мунофиқликдан пок бўлибди».

Фасл

Саҳобаларнинг фазилату мартабаларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Суннат уламолари энг афзал саҳобалар «ашараи мубашшара» (жаннатийлиги башорат қилинган ўнта саҳоба) бўлиб, уларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддиқ, сўнг Умар ибн Хаттоб, сўнг Усмон ибн Аффон, сўнг Али ибн Абу Толиб эканига ижмо қилишган. Бу нарасада фақатгина мунофиқ, бидъатчи, нопок кимсагина шубҳаланади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Менинг суннатимни ва ҳидоятланган, ҳақ йўлда юрувчи халифаларимнинг суннатини маҳкам тутинглар. Уни озик тишларингиз билан тишланглар. Янги пайдо бўлган (яъни, бидъат) ишлардан сақланинглар», деганлар (Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривояти).

«Озиқ тишларингиз билан тишланглар», дегани, суннатни маҳкам ушланглар, унга интилинглар, ҳарис – иштиёқли бўлинглар, каби маъноларни англатади.

Ҳақ йўлда юрувчи халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (розияллоҳу анҳум)дир.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг фазилатлари ҳақида Аллоҳ таоло бир қанча оятлар туширган. Жумладан:

وَلَا يَأْتِلِ أَوْلُوا الْفَضْلِ مِنْكُمْ وَالسَّعَةِ أَنْ يُؤْتُوا أُولَى الْقُرْبَى
وَالْمَسْكِينِ وَالْمُهَاجِرِينَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

«Сизлардан фазилат ва кенг мол-мулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин...» (Нур сураси 22-оят).

Бу оят Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳақларида тушганига ихтилоф йўқ. Аллоҳ таоло у зотни «фазл эгаси» деб сифатлади.

إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيَ اثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي
الْفَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّا اللَّهُ مَعَنَا
فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ

«...Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида (ватанидан) чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб, (Муҳаммад) ҳамроҳи (Абу Бакр)га: «Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!» деган эди. Шунда Аллоҳ унга таскин (хотиржамлик) нозил этди...» (Тавба сураси 40-оят).

Ушбу оят ҳам Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳақларида эканига ихтилоф йўқ. Аллоҳ таоло у зот Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳамроҳи – саҳобаси эканини баён қилиб, хотиржамлик хушхабарини берди ва икковлоннинг иккинчиси деб улуғлади.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтганларидек: «Учинчилари Аллоҳ бўлган икковлоннинг иккинчисидан афзалроқ ким бор?!»

وَالَّذِي جَاءَ بِالصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِ أُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ

«Ростликни келтирган зот (Муҳаммад) ва уни тасдиқ этганлар (мўминлар) – айнан ўшалар тақволи зотлардир» (Зумар сураси 33-оят).

Жаъфар Содик айтганлар: «Қуръонни келтирган зот Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва уни тасдиқлаган киши Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) эканига ихтилоф йўқ».

Саҳобалар орасида бундан ортиқ мартаба бўлиши мумкинми?! Аллоҳ улардан рози бўлсин.

МУНДАРИЖА

Имом Заҳабий ва у зотнинг «Кабоир» асари ҳақида	3
Биринчи гуноҳи кабира: Катта ширк	12
Иккинчи гуноҳи кабира: Риё	14
Учинчи гуноҳи кабира: Кибр, манманлик, ғурур	21
Тўртинчи гуноҳи кабира: Зўравонлик, ҳаддан ошиш	26
Бешинчи гуноҳи кабира: Макр ва алдов	29
Олтинчи гуноҳи кабира: Аллоҳнинг макри- синовидан хотиржам бўлиш	30
Ҳикоя	33
Еттинчи гуноҳи кабира: Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш	34
Саккизинчи гуноҳи кабира: Дунё учун илм ўрганиш ва илмни яшириш	38
Тўққизинчи гуноҳи кабира: Аллоҳ азза ва жалла ҳамда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаънига ёлғон гапириш	41
Ўнинчи гуноҳи кабира: Тақдирни инкор қилиш	43
Фасл	49
Ўн биринчи гуноҳи кабира: Хиёнат ва аҳдга вафо қилмаслик	50
Ўн иккинчи гуноҳи кабира: Тортишув, баҳс- мунозара ва мурасасизлик	52
Фасл	55
Фасл	56
Ўн учинчи гуноҳи кабира: Сийдикдан покланмаслик	57
Ўн еттинчи гуноҳи кабира: Эркакларнинг тилла тақишлари ва ипак кийишлари	59
Ўн саккизинчи гуноҳи кабира: Аёлларнинг эркакларга ва эркакларнинг аёлларга ўхшаши	60
Ўн тўққизинчи гуноҳи кабира: Кибр ва манманлик билан кийимларини судраб юриш	61
Йигирманчи гуноҳи кабира: Мусибат чоғида ҳаддан ошиш	63

Фасл	66
Фасл. Таъзия хусусида	70
Фасл	75
Ҳикоя	77
Фасл	79
Ҳикоя	82
Йигирма иккинчи гуноҳи кабира: Берган нарсани миннат қилиш	85
Йигирма учинчи гуноҳи кабира: Эҳтиёждан ортиқча сувни қизғаниш	86
Йигирма бешинчи гуноҳи кабира: Рамазонда узрсиз рӯза тутмаслик	87
Йигирма еттинчи гуноҳи кабира: Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйиш	89
Йигирма саккизинчи гуноҳи кабира: Судхўрлик	91
Йигирма тўққизинчи гуноҳи кабира: Ҳаром ейиш ва ҳаромдан топиш	94
Ўттизинчи гуноҳи кабира: Тарози ва ўлчов каби нарсалардан уриб қолиш	99
Ўттиз биринчи гуноҳи кабира: Етим молини ейиш ва унга зулм қилиш	102
Ҳикоят	104
Ҳикоят	106
Ўттиз иккинчи гуноҳи кабира: Қўшнига озор бериш	108
Ўттиз учинчи гуноҳи кабира: Мусулмонларга озор бериш ва уларни ҳақорат қилиш	112
Фасл. Мўминларнинг орасига нифоқ солишдан, шунингдек, ҳайвонларни уриштиришдан огоҳлантириш хусусида	114
Фасл. Одамлар орасини ислоҳ этишга тарғиб қилиш хусусида	115
Ўттиз тўртинчи гуноҳи кабира: Аллоҳнинг дўстлари – авлиёларга озор бериш	117
Фасл	118
Ўттиз бешинчи гуноҳи кабира: Зарарли васият қилиш	121
Ўттиз олтинчи гуноҳи кабира: Омонатга хиёнат қилиш	123

Ўттиз еттинчи гуноҳи кабира: Чақимчилик	126
Ҳикоят	130
Ўттиз саккизинчи гуноҳи кабира: Таҳлил қилиш	132
Қирқинчи гуноҳи кабира: Хотиннинг эрига итоатсизлик қилиши	135
Фасл. Эрига итоатли хотиннинг фазилати ва осий аёлнинг уқубати хусусида	140
Фасл	141
Ҳикоят	143
Қирқ биринчи гуноҳи кабира: Даюслик ва қўшмачилик	145
Қирқ иккинчи гуноҳи кабира: Покиза аёлларга туҳмат қилиш	146
Қирқ учинчи гуноҳи кабира: Лаънат айтиш	149
Фасл. Муайян, маълум бир шахсни номламай, гуноҳкорларни лаънатлаш жоизлиги хусусида	150
Қирқ тўртинчи гуноҳи кабира: Инсоннинг ўз насабидан тониши	155
Қирқ бешинчи гуноҳи кабира: Ота-онага оқ бўлиш	157
Онанинг фазилати	162
Қирқ олтинчи гуноҳи кабира: Қариндошлар билан алоқани узиш	164
Қирқ саккизинчи гуноҳи кабира: Заифлар ва қўл остидагилар ҳақини поймол қилиш	168
Фасл	173
Фасл	176
Фасл. Қул-чўрини озод қилиш фазилати ҳақида	176
Қирқ тўққизинчи гуноҳи кабира: Одам ўлдириш	177
Эллигинчи гуноҳи кабира: Ўз жонига қасд қилиш	182
Эллик биринчи гуноҳи кабира: Сеҳр	184
Эллик иккинчи гуноҳи кабира: Фолбин ва мунажжимни тасдиқлаш	187
Эллик учинчи гуноҳи кабира: Қўл остидагиларни алдаш ва уларга зулм қилиш	189

Эллик тўртинчи гуноҳи кабира: Зулм	190
Фасл	199
Фасл	199
Фасл	199
Ҳикоят	201
Эллик бешинчи гуноҳи кабира: Зино	203
Эллик олтинчи гуноҳи кабира: Баччабозлик	207
Фасл	212
Фасл	213
Эллик еттинчи гуноҳи кабира: Ўғрилиқ	215
Эллик саккизинчи гуноҳи кабира: Йўлтўсарлик	215
Олтмишинчи гуноҳи кабира: Одамларнинг сирларига қулоқ тутиш – жосуслик	218
Олтмиш биринчи гуноҳи кабира: Душман ҳужумидан қочиш	219
Олтмиш иккинчи гуноҳи кабира: Ўлжага хиёнат қилиш	220
Олтмиш учинчи гуноҳи кабира: Мусулмонларнинг нозик жиҳатларини очиш	224
Олтмиш тўртинчи гуноҳи кабира: Ёлғон қасам ичиш	226
Фасл	228
Олтмиш бешинчи гуноҳи кабира: Ноҳақ ҳукм қилиш ...	229
Олтмиш олтинчи гуноҳи кабира: Порахўрлик	233
Фасл	234
Олтмиш еттинчи гуноҳи кабира: Ёлғон гувоҳлик бериш ...	235
Олтмиш саккизинчи гуноҳи кабира: Ёлғон гапириш	237
Олтмиш тўққизинчи гуноҳи кабира: Қимор ўйнаш	242
Фасл	244
Етмишинчи гуноҳи кабира: Саҳобалардан бирортасини ҳақорат қилиш	245
Фасл	249

Диний-маърифий нашр

ИМОМ ҲОФИЗ ШАМСИДДИН ЗАҲАБИЙ

ГУНОҲИ КАБИРАЛАР

(Катта гуноҳлар)

Муҳаррирлар Шариф ХОЛМУРОД,
Толибжон ҚОДИРОВ

Техник муҳаррир Екатерина КОРЯГИНА

Бадиий муҳаррир Аббос ТУРСУН

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашр. лиц. АІ № 290. 04. 11. 2016.

Босишга 2017 йил 23 августда рухсат этилди. Бичими 60 x 90 $\frac{1}{16}$.

PT Serif гарнитураси. Офсет босма. 16 шартли босма тобоқ.

12,9 нашр тобоғи. Адади 5000 нусха. 450 - рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz. e-mail: info@gglit.uz



امام الحافظ شمس الدين الذهبي



كتاب

الكبائر

إِنَّ الدِّينَ أَمْرٌ وَأَعْمَالٌ الصَّالِحَاتُ حُجَّتُهَا الْإِنْفَاءُ وَالْفُؤَادُ الْكَبِيرُ



ISBN 978-9943-4797-2-2



9 789943 479722